Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
21 сон 24 — 30 май, 2007 йил

КЎНГИЛ АСЛО ҚАРИМАСИН

Илк бор бу ҳовлига қадам босганимдан бери ўн беш йил ўтибди. Ўтган даврда бу оиладан, айниқса, қайнона ва қайнотамдан жуда кўп меҳр кўрдим, улар ўзимнинг отаонамдай бўлиб қолишди. Бу хонадонга келин бўлиб тушганимда тиббиёт институти талабаси эдим. Бешинчи босқичда ўқиётганимда фарзандлик бўлдим. Ўшанда айримлар "Сен бечора энди уйда қолиб кетасан, бола билан мединститутда ўқиб бўлармиди", дея афсус билан бош чайқашган эди. Аммо қайнона ва қайнотам, гарчи уларнинг ҳар бири нуфузли олийгоҳларнинг таниқли домлалари, жуда банд бўлишса-да, вақт топиб, чақалоқ тарбиясидаги кўп юмушларга бош қўшиб, мени яхши ўқиб, институтни битириб олишимга шароит яратиб беришди. Кейинги фарзандларимни тарбиялашимда ҳам ҳар доим уларнинг меҳру-муҳаббатларини ҳис этиб яшадим.

Қўлимга қалам олишимга бир воқеа сабаб бўлди. Яқинда уйга борсак, қайнотам Маҳмуд Абралович Абралов номига Украинадан "Электросварка" институти директори, дунёга машҳур академик Б.Е.Патондан табрикнома келибди. Унда МДҲ давлатлараро "Пайвандлаш ва унга ўзаро узвий боғлиқ технологиялар" кенгашининг кўп йиллик аъзоси бўлган қайнотамнинг пайвандлаш соҳасида қирқ йилдан зиёд даврда амалга оширган илмий изланишларига юксак баҳо берибди. Тошкент Давлат техника университети "Пайвандлаш технологияси ва жиҳозлари" кафедрасини 1966 йилдан бери бошқариб келаётган техника фанлари доктори, профессор М.Абралов 250 дан зиёд илмий мақолалар, 60 та муаллифлик гувоҳномаси ва патентлар соҳиби, 3 та монография ва 4 та ўқув қўлланмаси ва дарсликлар муаллифи, кўплаб олимларнинг талабчан ва ғамхўр устози эканлиги, ўз соҳасида катта мактаб яратганлиги алоҳида таъкидланибди. Дарҳақиқат, М.Абралов раҳбарлиги остида ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металларни пайвандлаш учун жуда кўп керамик флюслар ва электрод қопламалар яратилган.

Домланинг етмиш ёшга тўлганлиги муносабати билан республикамизнинг турли вилоятларида меҳнат қилаётган шогирдлар, ҳамкасблар у яратган янгиликлар ва кашфиётлардан баҳраманд бўлаётган кўплаб саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларидан ҳам кўплаб қутловлар келди.

Албатта, бу биз–унинг фарзандлари ва оила аъзоларини беҳад мамнун этди. Тошкентлик оддий ишчи ўғлининг олий маълумотли бўлиб, пайвандлаш технологияси соҳасида кўп янгиликлар, ихтиролар яратишининг ўзи бўлмаган. Бу тинимсиз изланишлар, уйқусиз, беҳаловат кунлару тунларда чекилган машаққатларнинг меваси-дир. М.Абраловдан таълим олган талабалар ва шогирдлар домланинг талабчанликлари, адолатпарварликлари, меҳнатсеварликлари ва жонкуярликларини алоҳида таъкидлайдилар.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин домланинг илмий изланишлари уфқи янада кенгайди. Ҳозирда у кишининг раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар ва мутахассислар чигитга экишдан олдин алангада ишлов бериш усулини яратиб, уни такомиллаштириш устида иш олиб боряптилар. Бу янгилик чигит экиш сарф-харажатини камайтиради, ўсимликни касалликка чалиниши олдини олади.

Қайнотамни фан ва таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган тўрт нафар фарзандлари ва келину куёвлари бу қутлуғ сана билан қутлар эканмиз, у кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Ушбу ёзувларимга нуқта қўяётган эдим, қизим Камола "Бобом Президентимиз Фармони билан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони билан мукофотланганини ҳам ёздингизми?" деб сўради...

Набираларининг ҳам қалбида ғурур ва ифтихорни уйғотаётган падари бузрукворимиз бахтимизга омон бўлсинлар.

Раъногон РАҲМОНОВА,
шифокор.

ЁШЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Юртбошимизнинг 18 май куни эълон қилинган **"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони** билан танишиб чиқиб, беихтиёр ўзимнинг ҳаётим, янги, ёш оилалик давримиздаги қийинчиликларимиз эсимга тушиб кетди.

Мустақиллигимиз неъматларидан, юртбошимизнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлаётган бугунги ёшларимизга ҳавасим келади. Ёшларимиз кўпинча янги оила қуришгач, "Энди рўзғорни қандай таъминлайман, оиламни қандай боқаман?", деб саросималаниб қолишади. Ота-онасининг ёрдами туфайли оёққа туриб кетадиган ёшларимиз олдида ҳам барибир мустақил рўзғор масъулияти туради.

Сир эмаски, кўпинча ёш оилаларда эрнинг ишсиз юриши, бир ишнинг бошини тутмаслиги оқибатида эр-хотин орасига совуқчилик тушиши ҳоллари ҳам кузатилади. Ўз йўлини топиб ололмаган ёшларимиз ёмон йўлларга юриб кетмаслигига, бекорчиликдан ўз ҳаётларини зарарли оқибатларга олиб келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Оила мустаҳкамлиги, фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишлари албатта оиланинг моддий ва маънавий тўкинлигига боғлиқ.

Муносабат

Мустақиллигимиз йилларида давлатимиз, Президентимиз томонидан инсон ва унинг фаровон ҳаётини кўзлаб олиб борилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми бўлган мазкур Фармон юртимиздаги кўплаб оилаларнинг манфаатларига жуда мос тушаётгани қувонарли ҳолдир.

- Ўғлимга қанадай қилиб уй олиб бераман экан деб ўйлаб юрган эдим, - дейди мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Муҳаббат Қосимова исмли қўшним. - Кўп қаватли уйда уч оила бирга яшашга қийналиб қолган эдик. Юртбошимизнинг ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш ҳақидаги ғамхўрлигидан бошим кўкка етди. Фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-жойлар, кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизида оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этиш вазифаси шаҳар, вилоят ҳокимиятлари ва мутасадди ташкилотларга юклатилганлиги жуда маъқул иш бўлибди.

- Уйланганимга икки йил бўлди, - дейди ҳамкасбим Шерзод. - Турмуш ўртоғим билан олдимизга қўйган мақсадларимиз, орзу-ҳавасларимиз кўп. Президентимизнинг биз каби ёш оилаларга кўрсатаётган ғамхўрликлари мени тўлқинлантириб юборди. Бу эътибордан, давалатимиз томонидан бериладиган имтиёзлардан фойдаланиб, яшаш шароитимизни яхшилаб олмоқчиман.

Фармонда мамлакатимизнинг турли вазирликлар, банк ва жамоат ташкилотлари зиммасига ҳар бир ҳудудда янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик ишларига фаол жалб этиш, ёш оилаларга ўз ишларини ташкил этишлари учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш каби вазифалар юклатилган.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларнинг никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш вазифалари қўйилганки, бу Президентимизнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида нафақат ёшларга, балки уларнинг ота-оналарига ҳам кўрсатилаётган катта ёрдамдир.

Юртбошимизнинг ушбу Фармонида **"...ёшларда ўзи қурган янги оила учун ғурур ва масъулият ҳиссини, ота-онага, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром... туйғуларини шакллантириш"** масъул ташкилотларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланиши алоҳида қайд этилган.

Яратилаётган бундай имтиёз, имкониятлардан фойдаланган ёшларимиз юртимизнинг янада гуллаб яшнаши, равнақ топишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларига ишонамиз.

Хулкар ХОТАМБОЕВА

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг ташкил топганига бир йил тўлди. Ана шу муносабат билан Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан кўрик-танлов ўтказилди.

Бугунги кунда вилоятда элликка яқин хотин-қиз кичик кредитлар олиш ва уларнинг қулайликларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Тадбиркор аёллар чорвачилик, тикувчилик, паррандачилик, ун ишлаб чиқариш, қандолатчилик йўналишларида фаолиятни йўлга қўйдилар ва юздан ортиқ ишчи ўринларини яратишга муяссар бўлдилар.

- Ҳар бир оила таъминланган бўлиши керак, шундагина аёлларимиз тинч, фаровон ҳаёт кечирадилар, фарзандларимиз ҳам беназир камолотга етадилар,- деди кўрик-танлов тақдимоти маросимида вилоят хотин-кизлар қўмитаси раиси Шакаржон Хўжаниёзова. - Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқариш масалаларига алоҳида аҳамият бериб келяптилар.

Кўрик-танловда "Энг кўп ишчи ўрни яратганлиги учун" йўналишида ғолиблик Боғот туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари Зулайҳо Рўзметовага насиб қилди. "Бозорбоп маҳсулотлар яратганлиги учун" номига "Нодирбек-Фарида" хусусий фирмаси раҳбари Гулшод Раҳимова сазовор бўлди. У ўнга яқин ёшни иш билан таъминлаб, каучук трубалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шовотлик тадбиркор Раъногон Эшчонова эса чойхона фаолиятини ривожлантиргани учун "Энг интизомли мижоз" совринини олди. Шунингдек, "Энг интизомли мижоз" номинацияси билан фахрли иккинчи ўрин Урганч тумани Қоровул қишлоги фермери Дармонжон Каримовага ҳам насиб қилди. Хива туманидаги "Дадахон" фермер хўжалиги раҳбари Муяссар Ҳасанова эса "Бозорбоп махсулот яратгани учун" номи билан иккинчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда у нон ва пиширик маҳсулотларини тайёрлаб, ўз мижозларига эга бўлмоқда. Шу номинацияга хивалик қўли гул тикувчи Бибижон Ибодуллаева ҳам сазовор бўлди. Танловда "Энг ёши улуғ мижоз" шарафли номи боғотлик Сунажон Отагалдиевага насиб қилди. "Энг ёш тадбиркор аёл" соҳиби Шовот туманида истиқомат қилувчи Шаҳло Жуманиёзова. Хивалик Иззатжон Отаназарова эса танловнинг "Нодир касб соҳиби" номини олишга муяссар бўлди.

Дилбар БЕКЖОНОВА

ИЛК ЁШИДАН БОШЛАБ...

Мамлакатимизда 14 майдан 18 майгача БМТнинг Болалар жамғармаси(ЮНИСЕФ), Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ Таълими вазирлиги ташаббуси билан, "Оилавий таълим" дастури доирасида "Иннавацион воситалар ёрдамида боланинг илк ёшидан ҳар томонлама ривожланишини қўллаб-қувватлашни оммалаштириш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистонда илк давриданоқ болани ҳар томонлама ривожлантиришда халқаро миқёсдаги услублар ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган механизмларни тарғиб этиш мақсадини кўзлади. Қуйида ушбу анжуман иштирокчиларининг фикрлари билан танишасиз.

Муассисларимиз ҳаётидан

Муазам ИСМАИЛОВА – педиатр, ТошПТИ доценти:

- "Оилавий таълим" дастури асосини - болани илк ёшлариданоқ ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш ташкил этади. Афсуски, оилаларда бола туғилгандан то 3 ёшгача унга таълим бериш деярли йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, бола миясининг 80% она қорнидаёқ ривожланади. Ақлий ривожланиш эса, бола туғилиши билан бошланади. Она болага кўпроқ гапириши, китоб ўқиб бериши, расмлар кўрсатиши жуда муҳим. Кўпинча, оналаримиз бунга вақт ажратишмайди. Масалан, она ҳар куни 8 марта бола эмизса, ўша жараёнда у билан гаплашиши, массаж қилиши, ашулалар айтиб бериши лозим.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган 65 % аёлларда камқонлик хасталиги кузатилган. 5 ёшгача бўлган болаларнинг 20%и тўлақонли овқатланишмайди. Овқатланиш ақлий ўсишга жуда катта таъсир этишини ҳамма ота-она ҳам билавермайди. Болани 6 ойгача она сути билан боқиш ниҳоятда муҳим. Мана шу давр ичида болага сув, турли шарбатлар, ҳатто эмизак ҳам бериш фақат зарар келтиради, холос.

Оилада яна бир муаммога эътибор беришимиз лозим. Бу отанинг бола тарбияси ва парваришида иштирок этиши. Кўпинча, ўзбек оиласида ота боланинг гўдаклик чоғидаги парваришида қатнашмайди. Бу онанинг вазифаси деган қарашлар мавжуд. Ваҳоланки, ота ҳам бола тарбияси ва парвариши билан шуғулланса, бу бола яхши ўқийдиган, соғлом ҳамда ўзини доим ҳимояда эканлигини ҳис қиладиган бўларкан.

Захро ҲАСАНОВА – "Бекинмачоқ" журналининг муҳаррири:

- Биз ота-оналар болалар билан астойдил шуғулланишни, асосан 5-6 ёшга яқин бошлаймиз. Мазкур семинар ушбу муҳим ишда турли услублардан фойдаланган ҳолда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозимлигини уқтирди.

Тан олиш керакки, баъзи ота-оналар ўз фарзандлари тарбиясини боғча ва мактабларга ташлаб қўяди. Ота-она боласини биринчи синфга умуман тайёргарликсиз олиб келади-да: "Мен боламни мактабга тайёрлаб келсам, мактаб нимани ўқитади, ўқитувчилар нимани ўргатади?" дейишади. Бу хато фикр! Болани эрта ёшдан нафақат мактабга, балки ҳаётни, дунёни англашга ўргатиш керак. Шу ўринда, бизнинг "Бекинмачоқ" журналимизнинг қилаётган ишлари бирмунча яхши натижалар бераяпти. Рангли суратлар орқали берилаётган турли ўйинлар, топишмоқ –бошқотирмалар, бувижонлар ўқиб берадиган эртак-масаллар ўз мухлисларини топаяпти. Журналимиз орқали болажонлар фикр оламини кенгайтиришга, маънавий дунёсини бойитишга ҳаракат қилаяпмиз.

Семинар давомида ўзлари бола бўлиб туриб, болалар билан ишлайдиган ёш мутахассисларнинг бир неча тилда бемалол сўзлашишлари, ўз фикрларини мустақил айта олишлари, компьютер дастурларини мукаммал билишларидан хурсанд бўлдим. Мен ҳар бир бола дунёқараши кенг, мустақил ва дадил фикрлайдиган, руҳан, жисмонан ва маънан соғлом бўлишини истайман.

ФЕРУЗА ВАҲОБОВА– педагог-психолог:

- Мутахассис сифатида шуни таъкидлашим керакки, бола билан мулоқотнинг тарбиявий аҳамияти жуда муҳим. Одатда биз бола билан сўз орқали мулоқот қиламиз. Аммо сўзлашиш билан бирга кўргазмали мулоқот қилиш самарали натижа беради. Ҳар бир шахс ўз дунёқарашига, билим даражаси доирасида болаларга дунёни англашга ёрдам бериш керак.

Бунда турли қўлланмалар, видеороликлар, плакатлардан фойдаланиш боланинг ҳар томонлама шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дейлик, ота-оналар, тарбиячилар оддий тиш ювиш ёки қўл ювиш каби гигиеник қоидаларни мажбурлаб эмас, қувноқ қўшиқлар, турли ўйинлар, рангли расмлар орқали ўргатиши ва бу одатларни кундалик заруратга айлантириши лозим.

Ўзбекистонда 70% болалар уй шароитида ўсишади. Ваҳоланки, боғчага қатнамаган бола мактабга ҳам хоҳишсиз боради. Бундай болаларнинг ўзига дўст топиши ҳам қийин кечади. Ота-оналар болани эркин фикрлайдиган, мулоҳазали, қизиқувчан бўлиши чақалоқлигидан бошланишини, ҳаттоки боғчага ҳам маълум бир тайёргарлик билан бориш лозимлигини англаб етишлари керак.

Болалар тарбияси фақатгина оиланинг вазифаси бўлибгина қолмай ҳамманинг иши деб қаралиши керак. ОАВ, Халқ Таълими, Соғлиқни Сақлаш вазирлиги ва айниқса, маҳалла бола дунёқарашининг ўсиши, тарбиясида муҳим ўрин тутиши керак.

Суннатулла ҚЎЗИЕВ - "Янги авлод" медиа маркази директори, "Ёшлар" телерадиоканали катта муҳаррири:

- Аввало, мен бу ўқув семинарининг бошқаларидан фарқини айтмоқчиман. Дастурга болалар учун, болалар билан ишлаётган ҳамма соҳа мутахассислари таклиф этилган. Болаларнинг тарбиясига, ривожланишига, шаклланишига керакли бўлган барча йўналишлар -телевидение, радио, нашриёт, реклама ва ҳоказолар кўзда тутилган. Семинар давомида, республикада болалар билан ишлайдиган барча соҳа вакиллари бир ерга жамланиб, бир-биримиз билан иш жараёнида жуда яқинлашиб қолдикки, ҳатто кейинчалик ҳам ҳамкорликда ишимизни давом эттирмоқчимиз.

Бизлар кўплаб болалар клублари ташкил қиламиз. Бугунги кунда болалар учун хизмат қилаётган "Болажон" клуби каби катталарга ҳам шундай клуб ташкил қилинса яхши бўларди. Айниқса, бу клубга, ҳозирда пенсиядаги устозларимиз таклиф этилса, менимча, улар жон дили билан ишлашади ва юртимизга, улғайиб келаётган ёш авлод тарбиясига беқиёс хизматларини қўшган бўлишарди.

Семинарда шахсан ўзим учун жуда ҳам керакли маълумотларни олдим. Масалан, имконияти чекланган, етим болалар ҳаёти тўғрисидаги олдинги фильмларимда кўпроқ уларнинг оғир шароитларини ёритишга ҳаракат қилар эдим. Энди эса болаларга хуш кайфият бағишлайдиган, яхши одатларни ўргатадиган, тарбиявий аҳамиятга эга фильмлар тайёрлаш кераклигигига амин бўлдим.

Хулкар ҲОТАМБОЕВА

СУРАТДА: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 51-мактабнинг 3-синф ўқувчилари орасида уюштирилган «Баҳорий таомлар» кўрик-танлови қатнашчилари.

УМРНИНГ ЁРУҒ ЙЎЛИ

Юртимизда ўзининг самарали меҳнати, ибратли ҳаёти билан барчага намуна бўлган инсонлар жуда кўп. Ана шундайлардан бири узоқ йиллик илмий ва амалий тажрибага эга бўлган устоз-муаллим, юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент юридик коллежи директори Озод Тиллабоевич Ҳусановдир. Устознинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолиятига назар ташлаган киши ҳақиқатан бу умрдан ўзига хос тарзда маъно ва мазмун топади.

О.Т.Ҳусанов 1991-1995 йилларда Тошкент Давлат юридик институтида декан, 1995-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида кафедра мудири, ўқув ишлари бўйича проректор, 2003-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг илмий масалалар бўйича маслаҳатчиси вазифаларида самарали меҳнат қилиб келди. Унинг 70 дан ортиқ илмий мақолалари, дарсликлари, рисолалари, ўқув ва методик қўлланмалари ёш авлод учун ибратлидир. О.Т.Ҳусанов юридик таълим тизимида ўзига хос мактаб яратди.

Кутлов

Озод Ҳусанов айни пайтда Тошкент юридик коллежи директори лавозимида фаолият кўрсатаяпти. Зукко раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари билан мазкур таълим муассасасининг ўқув-илмий ва педагогик салоҳияти янада юксалганлигини, коллеж ўқитувчилари томонидан қатор ўқув қўлланмалари, дарсликлар, илмий мақолалар нашр этилаётганлигини эътироф этиш ўринлидир. Бугун Тошкент юридик коллежи илғор салоҳиятли ўқув юртига айланиб, маънавий-маърифий рейтинги ошганлигини қувониб айтиш мумкин. Шогирдларнинг камолоти, шубҳасиз, устозларнинг заҳматли меҳнати билан боғлиқ. Устознинг кўплаб шогирдлари ҳам ҳуқуқий давлат пойдеворини қуришдек шарафли ишларда иштирок этмоқдалар.

Устоз ўз меҳнат фаолияти давомида "Мустақилликнинг 10 йиллиги" ҳамда "Мустақилликнинг 15 йиллиги" эсдалик нишонлари билан тақдирланган. Яқинда Ўзбекистон республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази уни "Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирлашга тавсия этди. Бундан Тошкент юридик коллежи маъмурияти ва кўп сонли педагог-ходимлар жамоаси ҳам бениҳоя қувондилар. Бу, шубҳасиз, устознинг узоқ йиллик заҳматли ва шарафли меҳнати улуғланаётганидан ва қадр топаётганидан нишонадир.

Бугун устоз табаррук олтмиш ёшга қадам қўйдилар. Олтмиш йиллик умрнинг бир пиллапоясида шогирдларнинг кўнглидан кечган тилаклари дил изҳорлари қуйидаги сатрларга жо бўлди:

Умр - надир, заҳматли меҳнат,
Умр - надир, касбингдир роҳат,
Умр - надир, юрак қатида
Яшаса гар меҳру садоқат.

Олтмишдан ошингу, йиқилманг зинҳор,
Кўнгил бут, атрофда бўлсин дўсту ёр,
Йўлингиз ёруғу, руҳингиз баланд,
Яхшилик, устозим, бўлсин Сизга ёр.

Анвар ХИДИРОВ, Марҳабо СОБИРОВА.

МАҚСАД—ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАЙЁРЛАШ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди куни кеча "Босма ва интернет нашрларда репортаж: жанр хусусиятлари ва амалиёт" мавзуида семинар-тренинг ўтказди. Мазкур тадбирда журналистик фаолиятнинг бу муҳим жанри илмий асослари ва бугунги матбуот саҳифаларида чоп этилаётган репортажлар сифати ва савияси тўғрисида сўз юритилди. Таниқли журналистлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Репортаж тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр алмашинди.

Семинар-тренинг доирасида фонд кўмагида "Маърифат" - "Учитель Узбекистана" газеталари таҳририяти қошида ташкил этилган мастер-класснинг тақдимот маросими ҳам ўтказилди. Мастер-классни ташкил этиш журналистика йўналишида ўз самарасини берган замонавий ўқитиш услуби ҳисобланади. Асосий мақсад ёш журналистларни маълум ихтисослик бўйича тайёрлаш, таҳририят фаолияти билан яқиндан таништириш, профессионал кўникмаларни шакллантиришдир.

Семинарда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари раҳбарлари ва журналистлар, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетлари ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

ТЎЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАРИМИЗ

"Бошингиз тўйдан чиқмасин". Бу тилакни ким эшитишни хоҳламайди ва ана шу дуою тилаклар ижобат бўлишини ким истамайди, дейсиз. Юртимизда нима кўп, тўй кўп. На вақт, на фасл танлайди у. Тўйлар бўлаверсин. Аммо... Республикамизнинг ҳар бир вилояти, ҳар чеккасида ўтказилаётган тўйларнинг ижобий томонлари бўлиши билан бирга, ўзига хос салбий томонлари бор экан. Қуйидаги мақолаларни ўқиркансиз, сиз ҳам бунга амин бўласиз, ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборасиз, деган умиддамиз!

ГУЛ БАЗМИ-ЖАНГ БАЗМИГА АЙЛАНМАСИН!

Тўй бир хонадоннинг эмас, балки бутун бир халқнинг маданияти намоён бўладиган саҳна ҳамдир. Қашқадарё вилоятининг айрим жойларида тўй-"эл олдидан ўтиш" деб ҳам таърифланади. Шу вилоятнинг айрим қишлоқларида никоҳ тўйида киши қалбини яралайдиган шундай аньана ва одатларимиз борки, уларни кўриб туриб кўрмасликка олиш, ўйламаслик мумкин эмас. Келинг, яхшиси, улар ҳақида фикр юритиб кўрайлик.

Ажойиб тўй. Никоҳ оқшоми давом этмоқда. Даврада ёшлар рақсга тушишмоқда. Ниҳоят, тўйнинг охирида даврани олиб борувчи «ўртакаш» қўлига бир дона гулни олиб "гул базми" бўлишини эълон қилиб, унинг ўзига хос қоидаларини тушунтирди. Шундан сўнг куёв томон бир тараф, келин тараф бир томон бўлишди. Ўртакаш гулга оид 4 қатор шеър ўқиб даврани очди ва гулни куёв жўрага тутқазди-ю, елкасига уриб "бўш келманглар" деб ҳам қўйди...

Қўлига бир дона гулни олиб куёв жўра мусиқа садоси остида рақсга тушди ва гулга оид тўрт мисра шеър келтирди:

- Гул, гул, гул
Гулга қараб кул
Эй,гўзал жанон,
Узоқ умр кўр, - дея гулни даврадаги келиннинг дугонасига тутқазди. Шундан сўнг гул олган қиз ҳам хиром айлаб, жавоб қайтарди:

- Ана ўша боғмикан?
Атрофи гулзормикан?
Шу гулзорни ичида,
Менинг, ёрим бормикан? - дея гулни навбатдаги йигитга узатди. Йигит ҳам тўртлик ўқиди:

Гулни гул деринг киши
Гулнинг тикони бўлмаса,
Ёрни-ёр дерму киши
Ёрнинг жафоси бўлмаса?

Хуллас даврга қизиб, айрим шўҳроқ йигитлар меҳмон бўлиб келган қизларни мот қилмоқчи-енгмоқчи бўлишди ва навбати келган йигит:

- Гулингиз даста-даста
Бошингизга кетмон даста,
- дея беъмани қочириқлар айта бошлади. Даврада шеърхонлик эмас, бир-бирини устидан кулиш авж олиб, қоғозга ўралган сўзларнинг қоғози очила бошланди, натижада, қизлар ҳам меҳмонликларини унутишган ҳолда, улардан енгилмаслик учун, уларникига ўхшаш турнақатор ҳақоратли мисраларни келтира бошлашди. Уларни ҳеч ким тартибга чақирмади ҳам. Аксинча "шустрий қизлар" экан дея хурсанд бўлиб кулишди. Ажойиб шеьр билан бошланган гул базмижанг майдонига айланди. Бир дона гул эса қурол-ўққа айланиб, олган нишонни бехато ура бошлади. Келин тарафдаги қизларнинг орасида бир оёғи протез бўлган қиз ҳам бор эди. Ичиб маст бўлиб қолган йигит буни сезибми, билмадим, сезмайми, заҳарханда қилиб:

Гулингиз ўхшайди гулочга
Оёғингиз ўхшайди ёғочга, - деса бўладими?

Давра сув қуйгандек, жим-жит бўлиб қолди. Ҳамма ҳаяжон билан ўша қизга қаради. Қиз оқсоқланиб даврага чиқди ва созандаларга чал ишорасини қилди, мусиқа янгради ва ўша қиз рақсга тушиб бориб, унга шеър айтиб гул берган йигитнинг юзига тарсаки солиб, берган гулини майдалаб боши узра сочди, сўнг эса уввос солиб йиғлаб юборди. Бир муддат йигит карахт бўлиб, кейин қизни силтаб солди, қиз йиқилди. Бу воқеа шунчалар тез содир бўлдики, биров англаб, англолмай қолди Қий-чув, тўполон бошланди. Бу орада электр ҳам ўчиб қолди. Ёз кунлари бўлгани учун йигитлар ва ўша қишлоқ болалари стол устидаги меваларни, помидор ва кесилган қовун-тарвузларни олиб қизларга ота бошлашди. Кимдир йиғлаган, бақирган. Буёғини ўзингиз тасаввур этаверинг... Йигитлар ичиб олишган бўлишса, қизларчи, қизлар!. Биз ҳам сендан кам эмасмиз қабилида иш тутмасдан, тўйдан қайтишларини ўйлашса бўлармиди? Тўйда иштирок этаётган қишлоқ оқсоқоли ё ёши катталар бу тартибсизлик олдини олишса бўлардику? Нега улар бу ерда томошабин бўлиб ўтиришибди? Уларнинг вазифаси бу нохуш воқеалар олдини олиб, бартараф этиб, уларни тартибга чақириш эмасми? Азиз юртдошлар, сиз бунга нима дейсиз?

Зебинисо ГАФФОРОВА

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

КУЁВНИНГ ИЗЗАТИ КОСА ЮВИШМИ?!

Бухоро вилоятида никоҳ тўйларининг асосий юки куёв томон зиммасида бўлади. Келин сарполарию уй анжомлари, тўйнинг озиқ-овқат-ю, ипидан игнасигача, самоварчию, нурчи, санъаткорлару видеотасвирчилар ҳақини тўлаш, стол-стул, коса-товоқ ташиш, жой тайёрлаш каби юзлаб юмушларни ҳам куёв томон қудалар эплаши керак. Ва бу хизматларни қаерда бажаришади денг, келин холнадонида...

Қариндошлик ипларини эндигина боғлаётган анчайин бегона ҳовлида хизмат қилишнинг ўзи бўлмайди. Жой ҳозирланиб, дастурхонлар тузалиб, барча ноз-неъматлар қўйилиб, давра бошлангандан кейинги можароларни айтмайсизми? Икки-уч машина етмаган нарсалар камини тўлдириш учун куёв хонадонига зир қатнайди. Сал пишиқроқ қудалар олдиндан олиб келиб, захирада сақлаб туришади. Барибир ноқулай-да.

Асосий машмаша эса базм тугагандан кейин бошланади. Куёв томон тайёрлаган жойни йиғиштириб, стол-стулларни саранжомлаб идиш-товоқларни ювиб бериши керак. Шундан кейингина келинни олиб кетишга рухсат берилади. Тасаввур қилинг, тўйга ҳамма ҳам ясаниб боради. Кимнингдир тўйбоп бор-йўғи бир сидра кийим-кечаги бор, холос. Кўп бўлгандаям яп-янги, чиройли кийими билан кимнинг қозон-товоқ ювгиси келади, ахир. Келин этиш учун интизор бўлиб турган куёв жўралар, меҳмонларни қўяверинг, қуда уйида келин кутаётганлар-чи? Асабий ҳаракатлар, тезлатинглар, дея бир-бирига ўшқиришлар бошланади-ю, илтифотлар ўрнини дилозорликлар эгаллайди, шодлик дилхираликка айланади. Энг муҳими ўша хонадонда тўйона кайфият, файз йўқолади.

Майли, қудаларнинг ҳурматини қўяверинг, боласи бахти учун тош бўлса ҳам кемиришга тайёр. Аммо фарзандингиз қаторига қўшилиб, хонадонингизни эмас, бағрингизни ҳам тўлдирадиган куёвнинг иззатичи? Ахир куёвни пайғамбарлар ҳам сийлашган-а. Ривоятда айтилишича, улуғларимиздан бири сафар чоғида бир қишлоққа яқинлашаётиб, анча олисдан от-аравани тўхтатишни сўраб, яёв юра бошлабдилар.

- Қишлоққача ҳали анча бор, отдан тушиб узоқ пиёда юриб боришингиз нечук? - деб сўрашибди карвондагилар.

- Бу қишлоққа менинг қизим тушган. Анча олисдан отдан тушиб, қишлоққа яёв юриб келишим куёвимга бўлган ҳурматим ифодаси, - деб жавоб берибдилар.

Улуғ аждодларимизки куёвнинг иззатини шу қадар баланд кўтаришган экан, биз нега пастга урамиз? Наҳот куёвнинг қадр-қиммати идиш-товоқ ювиш бўлса? Қизингиз борар ҳовли йўл ёқаларидаги хасхашаклардан ҳам райҳон ҳидини туйсангиз, хонадонини жаннатнинг бир бўлаги, куёвни фарзандимнинг дилбанди, демакки жигарбанд деб, унинг яқинларини эса қуда-анда деб эмас, уларнинг биттагина жони манда, деб билсангизгина боланг борган жойида тинади, сиз ҳам тинчийсиз. Ахир ҳурматга ҳурмат ярашади, меҳрнинг жавоби меҳр бўлиши керак. Қарс икки қўлдан чиқади.

Кўп жойларда никоҳ тўйлари асосан куёв хонадонида бўлади. Келин туширган уй эгаларининг тўй базми тараддуди, меҳмон кутиш илинжида елиб-югуришларида зиқ-ватпазлик эмас, ажойиб завқ-шавқ бор. Бунинг устига даврانинг тўрида келин томон қудалар бўлиб, иззату икромларга кўмилиб ўтирганга нима етсин. Тўйларни ўтказиш ҳар кимнинг майлию кўнгил иши. Бир кечалик тўй-ку, ўтади-кетади, қудачилик эса минг йилчилик.

Жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органлари, оқсоқолу қайвонилар тўйларимизни юқоридаги каби майда-чуйда ташвишлардан холи этиб, ҳақиқий бахтиёрлик, хуш-хурсандчилик тантаналарига айлантириш хусусида бош қотирсалар айни муддао бўлур эди.

Бахшанда БОЛТАЕВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон шаҳри,
"Аторуд" газетаси муҳаррири.

БОЛА ҲОЗИР БОЛА...

Тарбия соати

Мен педагог сифатида шуни айтаманки, бола тарбияси ўта нозик, ўта мураккаб ва ўта машаққатли юмуш. У ота-онадан баъзан чуқур ақлий-педагогик билимни талаб этса, баъзан оддий амалий тадбирни талаб қилади. Кейинги "оддий амалий тадбир" хусусида гапирадиган бўлсак, масала бундай: отага бола ўшқирса, айтганларига тескари иш қилса, норози кўз билан тикилса, она дарҳол ўртага тушиб, боласини тартибга, тарбияга чақириб, танбеҳ бериб: "Ҳой, болажоним, бу - аданг-а! Бу - яккаю-ёлғиз отанг-а, у кишига зинҳор гап қайтарма, тик боқма, ўшқирма, қўпол муомалада бўлма", деб панд-насиҳат қилиб қўйиши керак. Ва, аксинча, онага бола шундай даҳал муносабатда бўладиган бўлса, ота шу заҳоти ўртага тушиб онанинг қадр-қиммати, беназир улуғ инсонлиги ҳақида икки оғиз сўз билан дакки бериб қўйиши лозим. Борди-ю, бунга ўхшаш "тўқнаш" пайтларда ота-онанинг ўзи танбеҳ ёки жазо бергудай бўлса ва бу ҳолат тез-тез такрорланиб турса, билингки, бола ўз ота-онасига меҳрсиз бўлиб ўсади. Чунки ота-онанинг ҳар бир дашномидан, танбеҳидан уларнинг эркалашларини, ардоқлашларини кутиб катта бўлаётган боланинг кўнгли ўксийди, оғрийди ва оқибатда у ота-онасидан совийди ёки уларга бефарқ бўлиб улғаяди. Совиб ёҳуд бефарқ бўлиб ўсган фарзанднинг кўнглида эса ота-онага меҳр-муҳаббат уйғонмайди...

Шунингдек, боланинг бошқа бировларга шу каби совуқ муомаласини пайқаган, кўрган ота-оналар ёки бошқа катта-кичиклар ҳам дарҳол ўртага тушиб болага танбеҳ бериб қўйишлари жуда зарур. Бу ўринда ҳам "бошқа бировлар" деганимизнинг ўзлари болага дашном беришлари болада ўзларига нисбатан адоват уйғотишга олиб келади.

Бола - ҳозир бола, эртага ўсмир, индинга - йигит, бўйи етган қиз, кўп ўтмай - куёв, келин... Буёғи қандай бўлар экан?..

Болани бола дема, у сен каби каттадир.

Азимжон ҚОСИМОВ,
филология фанлари номзоди.

Мактубларингиздан бири...

ЗАМОН СОЗ, ВИЖДОНДА ГАП

Набирам ўсиб-улғайиб, катта-кичик ўқишларни битириб, кўзга ташланиб қолди. Кўркамгина, қора мағиз, бадастир йигит. Оти ҳам ўзига муносиб - Хуршид. Орзули дунё эмасми, келиним, мен, ўғлим ҳам хушрўйгина, оқила ё шифокор ёки тикувчи, қизларни мўлжаллаймиз. Ҳа, яна оиласи ҳам эл аро ҳурматли, ибратли бўлгани дуруст, деб қўйганмиз.

Бир куни поликлиникада шифокорга кириш учун навбат кутиб ўтиргандим. Ўрта ёшлардаги бир жувон сумка кўтариб кириб келди. Бир ҳамшира қиз ёнига келиб: "Зуҳро опа, олиб келдингизми?" - деб сўради. Жувон "ҳа" ишорасини қилганди, иккаласи шифокорнинг хонасига кириб кетишди. Менга навбат етиб, шифокор қабулига кирдим. Хонада бояги ҳамшира қиз виллюр матодан ажойиб кашта тикилган пешмат-камзулни кийиб, ўзига ярашган-ярашмаганини сўраб турарди.

- Яшаворинг, қизим! - дедим бояги жувонга. - Кўл-кўзингиз дард кўрмасин!

- Раҳмат, опоқи! Буни мен эмас, қизим тиккан.

- Қизим, дейсизми? Ўзингиз ёш, қизингиз неча ёшда?

- Ўн саккизда.

Ўн саккиз сўзи мени гўё уйқудан уйғотди. Диққат билан жувонни бошдан-оёғигача қараб чиқдим. Оппоқ-қина, бўйи ҳам соз. Салгина пардозни кўпроқ қилибди. Нима қипти? Ҳозир ҳамма пардоз қилади. Балки, эри пардозни ёқтирар. "Пардоз қилмасанг, сени бир умр севаман", дерди қирқ ёшимдаёқ ўлиб кетган раҳматли эрим.

Кетар чоғим рўйхатхонада ишлайдиган таниш ходимадан Зуҳронинг манзилини сўраб билдим. Ходима ушбу жувон тўғрисида ҳеч нарса билмаслигини айтиб, кўчагача кузатиб чиқди. Зуҳронинг турар жойи томонини қўли билан кўрсатиб:- "Опоқи! Ўзиз бир суриштиринг!" - деди. Менга куч киргандек, тетиккина бўлиб, Зуҳронинг уйини аниқ топдим. Дарвоза очиқ. Мўраладим. Ҳовли озода. Гулу райҳонлар экилган. Бир фаришстадек қиз қўлида теша билан қандайдир гулнинг тагини чопиб, юмшатарди. Бу менга жуда ёқиб кетди, чунки келиним ҳам гуллар парвариш қилишни ёқтирар, гул кўчатларини авайлаб-асрарди. Тавба, ишқилиб ишим ўнгидан келсин, деб қўйдим. Қиз бемалол гул тагини юмшатар, мен эса, уни бемалол кузатардим. Қандайдир бир куч мени ичкарига киришдан, қизга ўзимни билдиришдан асрарди. Бўлмаса, қиз ҳам,боя поликлиникада кўрганим онаси ҳам, уй-жойи ҳам дилимга ўтиришганди. «Йўқ, келиним билан келаман. Ҳозир бирортасидан Зуҳрони, эрини суриштирай», деб қарор қилдим. Орзумдагидек гўзал қиздан кўзимни узолмасдим. Оппоқ билаклар, узунгина жингалак, тим қора сочлар... Ҳовлидан нари кетаётгандим, болаликдаги ўртоғим Маъруфани кўриб қолдим. Сўраштирдим, сўнг мен Зуҳролар ҳақида суриштирдим. Маъруфа:

- Узоқдан кўриб келдим, сан Зуҳронинг ҳовлисига тикилиб турганингни. Эй, қўй, нима дердим, қизи зўр қизу аммо... ман Зуҳронинг қизини келин қилмасдим. Бу ёғини яқинроқ қўшниларидан сўра!

Бу гапдан тарвузи қўлидан тушиб кетган одам ҳолатига келиб қолдим. Бошим ғувиллаб, қулоғим шанғиллаб, кўл-оёғим титрай бошлади. Маъруфа учрамаса нимайди? Қизиғ-а? Маъруфа қиз болани... Вой, тавба-я! Бечора гўзал қизгина! Тетикланган, умидланган ҳолатимдан асар ҳам қолмади. Шундай бўлса ҳам уч хонадонга кириб, сўраб-суриштирдим. Учала хонадон соҳибаси жавобларининг туб маъноси: "Ёмон оила эмас. Эри кўнгли бўш, ихтиёрини хотинга бериб қўйган. Хотин ўқимаган. Чиройли, сўзамол! Маҳалла қўмитасида хотин-қизлар бўлимига бошчи. Ҳокимият томонидан тайинлаганми ёки... Ясан-тусанни ўринлатади..."

Бошим гаранг ҳолда кетаётгандим, бир жувон олдимга келди. Нима учундир у қизариб-бўзариб деди:

- Опоқижон! Сиз Зуҳронинг қизи Донони суриштирибсиз. Сиз орқага қайтиб, саккизинчи уйга кириб, суриштиринг. Ўзим айтардим-ку, аммо Доно яхши қиз...

Жувон тез-тез гапириб, саккизинчи уйни кўрсатиб, жўнаб қолди. Менинг қизга совчи бўлиш иштиёқим сўнганди, аммо саккизинчи уйнинг қўнғироғини босдим. Чиройликкина келинчак чиққанди, онасини чақиришини илтимос қилдим. Рангпаргина 60-65 ёшлар чамасидаги аёл чиқди. Аёлнинг юрарга ҳолати йўқ гўё.

Мақсадимни англагач, жувон бир пас сукут қилди. Ер чизди, кейин астагина: "Опажон! Ўзбекчилик, мусулмончилик. Нима дей? Бировнинг сирини очмоқ гуноҳ! Қизи яхши. Эри бўшгина, яхши одам. Ўзи яқин қўшни, аммо Зуҳро жонимга битган бало қўшни! Эримни билсангиз керак - яллачи Али. Чиройликкина жувонларни аввал яллачиликка ўргатиб, кейин ҳар томонга учиради. Бунга устаси фаранг бўлиб кетган. Бу жувон ҳозир "Женсовет", пардозу гапдан бошқасини билмайди, бунинг устига, чала савод. Бир-икки маҳалладошлар, буни ким сайлаган, деб сўрашса, оқсоқол кўксига уриб: "Ман сайладим! Ишчан! Иш кўрсатаяпти. Шундан бошқа хотин-қизлар билан ишлайман, деган аёл йўқ", - дебди. Шунақа, опа, лекин қизи яхши. Онасидан кўз юмиб, олаверинг! Қизи чиройли, ақлли, чевар.

- Бўпти, синглим, хайр.

- Хайр, опоқи! Мани кечиринг! Ман куйган қулман! "Бир куйганга тегма!" дейдилар. Шу десангиз, «яхши эр» ортидан кўрмаган қора куним қолмаган. Бу Зуҳрони... Ҳа, майли, гапимга ҳафа бўлманг, жон опоқи! Энди фарзандлар улғайиб, кўксимга шамол тегар, десам тамом бўлдим... Дарднинг минг бирига дучорман.

- Синглим, фарзандларингиз бахтлими, ишқилиб?

- Болаларим омон...

- Кексайиб, энди куюлиб қолгандир, саёқ яллачингиз?

- Ҳа... энди, ўрганган кўнгил, ўртанса ҳам кўймас, дегандай. Маишатга янги аёллардан овлаб туради. Ман бечора хизматда. Айтганини қилмай кўрай-чи!..

Кетар эканман, бу кўчага кирганимга афсуслар қилдим. Яллачининг хотини ва унинг ҳасрат тўла нигоҳи... Аламлар гирдоби хароб айлаган аянчли атвори... Сумбатдек бўйли Зуҳро балою вабодек кўриниб кетди кўзимга. Ҳали ёшман, худо кечирар, деб бўшанг эрни лақиллатган, ўзига, фарзандларига бир умрлик, йўқ икки дунёга татирлик ёмон чўян тамға босган! Бизда етти қўшни ота-она дейилади. Яна бир мусулмоннинг сирини очмоқ ҳам гуноҳи азим саналади. Унча-бунча хатолар кечирилади, сирлар ёпиқлигича қолади. Аммо ўз яқин қўшнисига маҳалладошларга ҳурматсизликни ҳаддидан ошириб, яна ҳеч нарса билмагандек, тилини бермай, керилиб юрса, эл-юрт ҳам кечирмас экан. Ҳатто, чевар, гўзал, ораста қизга келган совчиларга астагина ота-онаси ҳақида сўз очишиб, яна, "Мендан бошқалардан ҳам сўранг", - дейишар, "Онасини кўриб қизини ол", деган нақлга амал қилишни маслаҳат қилишаркан. Мен яратгандан шу қизга бахт тилайман. Аммо она босган йўлга қиз ҳам қадам ташлаб қўймаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди-ку. Борди-ю, Доно қиз ақлли, эрни эр қиладиган аёл бўлганда ҳам Зуҳро ўзининг қизига, биттагина ўғлига ўзининг қора қилмишидан доғ теккизиб, ҳаётий тузатиб бўлмас хато қилмадими экан. Умр қисқа, эртага қариб қолади-ку. Зуҳро! Болаларига ёмон ибратли она кексайиб, кексалар даврасида ўтирган онлари-чи? Ана унда эрга, фарзандларга, қўни-қўшнига қилган хиёнатлари бездек бўлиб, чопса чопилмас, кесса-кесилмас бўлиб виждон азобига айланмасмикан? Бундай азоблардан Оллоҳ асрасин! Эркак ҳам, аёл ҳам фарзанд, жамият олдида масъулдир! Эр ўз аёли, жуфти ҳалоли олдида ғамхўр, меҳрибон бўлмоғи шарт! Оиланинг тинчлиги оила бошлиқларининг ҳалол, пок, ўзаро ишончли, меҳр-муҳаббатли бўлишига боғлиқ. Буларни ўйлаб борарканман ҳаёлан икки бир-бирига яқин танишимнинг оиласини солиштирдим. Қўшним Султон хотинига, фарзандларига меҳрибон. - Мен, дейди у, - аёлини ҳурмат қилмаган эркакларни хушламайман. Хотин эрининг ишдан келишини кутиб, ош-овқатини тайёрлаб, кутиб олса, агар жуда чарчаган бўлса ҳам эр ширин калом билан алик олиб оиласига кирса асл бахт мана шу! Султоннинг икки ўғли бор. Болалар ҳам уй юмушларига бефарқ эмас. Султон ўғилларига рўзғор юритиш, нарсаларни қадрлаш, бозор қилиш сирларини тушунтиради. Маҳалланинг пок, виждонли эркакларидан, йигитликдан гапиради. Кўпинча бирга олиб юриб, ҳаёт билан таништиради. Болалар ҳам ота йўлидан бориб анча-мунча маданиятли, ориятли бўлиб қолдилар.

Иккинчи танишим, ёшлигидаёқ безори, шилқим бўлган. Катта-кичикка тегажоғлик қилаверарди. Турмуш қилибдики, аёлини беҳурмат қилар, урарди. Биргина ўғил кўришди. Ўзим Ҳамидга кўп насиҳатлар қилганман. Аммо кейинчалик хотин уйда қолиб, йўлида учраган иршайган аёл кетидан чопиш одатини чиқарди. Хотинини ҳақоратлар, камситар, силталарди. Бир куни кўчада кетаётсам, Ҳамиднинг ҳали 15 ёшга тўлмаган ўғли бир қизни маҳкам ушлаб, ўзига тортар, уни ўкситарди. Қизча эса: "Ўл, отангга ўхшамай!" - деди. Қиз уларнинг ҳовлисига кириб, боланинг онасига йиғлаб воқеани айтиб турганди, Ҳамид эшикдан кириб келди. Қиз тезгина кетиб қолди. Ҳамидга хотини бўлган воқеани айтган эди, эри: "Ўзи сани худо урган! Мани номимни бузуққа чиқарувдинг, энди ўғлингга ҳам шу гапни тақаяпсан! Ўлсанг, мен ҳам, ёлғизим ҳам сандан қутулардик", - деб аёлини дўппослай кетди. Ота ота-да! Фарзанди ундан ортиб қаёққа борсин? Бир куни биз уч-тўрт қўшни хотин кўчада сўрашиб тургандик, орқасидан ўғли кузатиб чиққан онага қўлини пахса қилиб: "Эй, ўтиринг тош териб, на эризни, на мени қўясиз! Келаман! Келмай ўламанми? Қатга борганим билан нима ишиз бор? Йигит бўлсам..." - дея силтаниб кетиб қолди. Бечорагина аёл бизнинг олдимизда ўсал бўлди. Овоз чиқармай, елкалашиб сўрашди-ю, сўзсиз уйига йўналди.

Қиссадан ҳисса шуки, фарзанд атои аъло! Ота-она истаса, истамаса фарзандига кўзгу - намуна! Фарзанд - ниҳол. Унган жойидагина ўсиб-улғаяди. Ўсаётган муҳитида нафас олади. Яхши парваришланса, мусаффо ҳаводан нафас олса, бахри дилингни очиб, ўсиб, ажойиб ҳосил беради. Мана шулар мени жуда ўйлантирди. Гўзал Доно қизга совчи бўлиш фикридан қайтдим.

Қиз-ўғил ўстираётган ота-она бўлган ўғил-қизларим! Афсус қиларга кеч қолмасдан, олдин қадамни ўйлаб ташланг! Эсда сақлангки, онасини кўриб қизини ол, дейди асли-насли тоза ўзбек миллатимиз! Миллатимиз, оилаларимиз, фарзандларимиз шаънига иснод келтирманг! Қиз ва ўғилларингиз бахтини топиб кетганда ҳам, яна вақти келиб невара-эвараларингизнинг шохига ҳам кесак тегиб, улар алам билан: «Она, сизнинг ота-онангиз, буви-бувамиз шундай бўлган эканлар-а»,-деб ҳақдан хабар топиб, ҳақли савол бериб қолмасинлар!

Истардимки, эркаклар эрларча мард, жўмард, қизлар, аёллар пок, ҳаёли, иболи вафодор, фарзандларга яхши намуна бўлсинлар! Замонага тўнкаб, одамларнинг ёмонлигига ағдарманг, ёмон атворингизни! Замонамиз эртаклардагидек тинч, осуда, гўзал, лаззатли! Халқни, элни ҳимоя қилиб, порлоқ келажакка қараб, доҳиёна йўл бошлаган йўл бошчимизга, ўзбекларимга кўз тегмасин! Хуллас, ёмон нафс бошқа бўлманг! Миллат ориятини асранг! Қисқаси, замона соз, виждонда гап...

МАКТУБА,
«Оила ва жамият»нинг бир кекса мухлиси,
Тошкент шаҳри.

ҲАЁТ ШУНДАЙ МУРАККАБ...

Инсон ёшликда қилган хатосини ёши улғайгач эслайди ва афсуслар қилиб, ўзидан нафратланади. Лекин энди кеч. Умрни орқага қайтариб бўлмайди. Гўзал аёлларни қўғирчоқдай ўйнатиб умр ўтказган экансиз, энди унинг жабрини тортишда ҳам бардошли бўлинг!

Айтинг-чи, шу даврга сиз бирорта етимхонага эҳсон қилганмисиз? Ночор ҳаёт кечираётган қўни-қўшниларингиз, қариндошларингизга моддий ёрдам берганмисиз? Йўқ, албатта! Чунки, сиз ҳаёт лаззатларини тотишдан ортмагансиз. Ўз жуфти ҳалолингиз бўла туриб, болаларингиз бўла туриб, Фаёзахоним билан яшагансиз. У ҳомиладор бўлгач эса уни ташлаб кетгансиз. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, инсон-инсон билан учрашади. Тақдирни қарангки, Фаёзанинг қизи катта бўлиб, сизнинг ўғлингиз билан танишиб, ўрталарида муҳаббат пайдо бўлиб, бир-бирини севиб турмуш қуришга аҳд қилишибди. Сиз: "Бу фожиани қандай тузатай?", деб маслаҳат сўрабсиз.

Бунинг фақатгина бир йўли бор. Ўғлингизга ва Дилобарга ўз ўтмишингизни сўзлаб бериб, улар бир-бирларига ака-сингил эканликларини тушунтиришдан бошқа иложингиз йўқ.

Ўғлингиз ва қизингиз сизнинг хатоингизни такрорлаб, фарзанд кўришмаса, ҳаётингиздаги яна ҳам катта хато бўлади.

Мақолани қўшним Мавлудахон билан бирга ўқиб, ўзаро фикрлашдик. Мавлудахон ўз қишлоғида бўлган, худди шунга ўхшаш бир воқеани сўзлаб берди.

- Ҳалима қишлоқ мактабини тамомлагандан кейин ота-онаси уни турмушга беришга ҳаракат қилишди. Чунки Ҳалима шўхроқ қиз эди.

Кунларнинг бирида Карим деган йигитдан совчи келди. Унинг отаси фронтда ҳалок бўлган, онаси Собира опа ўғлини ҳам ота, ҳам она бўлиб ўстирганди. Карим колхозда ишлар, ҳамиша онасининг розилиги билан иш тутарди. Собира опа оғир меҳнат қилиб пул йиққанди. Ҳалима билан Каримнинг тўйлари бўлиб ўтди. Ҳалима келин бўлиб келди, устида чиройли, кенг атлас кўйлак. Ҳамма: "Ҳалима жуда семириб кетибди", деб гапиришди. Лекин кўп ўтмай Ҳалиманинг ҳомиладорлиги ошкор бўлди. Собира опа ўғлига ялиниб: "Майли болам, уни кечир. Чунки яна тўй қилиб, сени бошқага уйлантиришга менда бошқа пул йўқ",- деб содда ўғлини кўндирди.

Орадан бир неча ой ўтгач, Ҳалима қиз туғиб берди. Карим барибир чидаб тура олмай: "Мен сен билан яшамайман", деди. Ҳалима ўз уйига кетди. Лекин Карим жуда оғир аҳволда қолди. Онаси касал бўлиб ётиб қолди. Карим ишда, онасининг аҳволи оғир, унга қарайдиган одам йўқ. Собира опа: "Ўғлим, майли, Ҳалимани боласи билан олиб кел!" - деб ўғлига ялинди. Карим Ҳалимани боласи билан олиб келди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, Собира опа вафот этди. Орадан кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Ҳалиманинг қизини ҳам бўйи етиб қолди. Ҳаётнинг оғир зарбасига юраги дош беролмай, Карим ҳам вафот этди. Бир куни уларникига совчилар келди. Ҳалима қизини уларга беришга рози бўлди. Тўй куни белгиланди. Тўйга эркак қудалар келиб тўн кийдиришганда Ҳалима эркак қудани кўриб, қотиб қолди. Чунки у ёшликда ўйнашиб юрган йигит, яъни қизининг отаси—Салим эди. Ҳалима ҳушидан кетди. Ўтганни қайтариб бўлмас. Энди эл-юрт ичида бу сирни ошкор қилиб бўлмасди. Уят ўлимдан қаттиқ. Оз вақтдан кейин Салим вафот этди. Фарзандлар эса бу сирни билмай яшайверишди. Ҳалима ҳам юрак аламларига чидай олмай, уй-жойини ташлаб, боши оққан томонга - узоқ бир тоғлар орасидаги қишлоққа кўчиб кетди.

Ҳаёт шундай мураккаб нарсаки, инсон ҳар бир қадамини ўйлаб босмаса, нопок йўлдан юрса, албатта жазосини тортади. Худонинг қаҳрига учрайди.

Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,
Тошкент шаҳри.

"Хато ортидаги фожиа" - 10-сон

ЭСЛАТМА: Ёшлигимда Фаёза исмли аёл билан ноқонуний яшаб, кейинчалик уни ташлаб кетган эдим. Йиллар ўтиб ўғлим бир қизга кўнгил қўйиб, унга уйланмоқчилигини айтди. Ўша қиз қачонлардир мен ташлаб кетган аёлнинг қизи - ўзимнинг зурриёдим экан.

Муаллиф: Матлуба

Мақолани ўқиб, жуда хафа бўлдим. Оллоҳимдан уларга инсоф-товфиқ, гуноҳларини кечиришини тилаб, қўлимга қалам олдим. У инсон айтгани айтган, дегани деган, нозанинлар билан вақтини хуш ўтказаётган дамларда, умримнинг охиригача шундай яшайвераман, деб ўйлаган экан-да. Бойлик қўлнинг кири, айшу ишратларнинг охири вой эканлигини ҳеч ҳам эсламаган экан-да.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқавераркан. Ушбу мақола қаҳрамони Фаёзахонни ҳомиласи билан ташлаб кетибди, қизчалик бўлганини эшитиб, бирор марта йўқлаб ҳам қўймабди. Ҳа, аёлимга айтсам турмушим бузилиб кетади, деган, ор-номус қилган. Аёлни неча йиллардирки, алдаган. Имом Ғаззолий ёзадилар: "Ҳар ким ишини ақлга мувофиқ адо этмоғи хайрлидир. Ақл қабул қилмайдиган ишдан яхшилик бўлмайди. Ақлга зид ҳаракат қилган нафсга эргашгандир. Бундайларнинг жаҳаннамга тушишига Оллоҳ фаришталарини гувоҳ қилди. Инсон учун энг буюк душман нафсдир. Оллоҳнинг раҳмати ва барокотига инсон ақл билан етади..."

Мен эркакка шундай демоқчиман:

- Эй, инсон! Нафс ووراси бўлиб, бошингизга шунча фожеаларни орттирибсиз, ўзингиз бўлсангиз-ку, майли эди. Болаларда не гуноҳ! Ахир иккала фарзандингиз ҳаётини, соғлигини, бахтини гуноҳлар остонасига қўйгансиз. Уларни шу остонадан ҳатламасликка ёрдам бериш, кўндириш ўз қўлингизда бўла туриб яна вақтни ортга чўзибсиз. Ҳа, мана энди аёлингиз қизингиз, ўғлингиз олдида сирингизни очиш вақти келди, бошқа иложингиз йўқ. Сиз қанча яширишга уринманг, Оллоҳ кўриб турибди. Оллоҳдан мадад сўранг! Сирни очиш учун аёлингизни суҳбатга тайёрланг. Тўғри, ахир у ҳам аёл, сиздан буларни кутмаган, ахир у сизни вафодор ёр, болаларнинг меҳрибон отаси сифатида қабул қилган, севган. Ҳар бир дақиқалар, сониялар ғанимат. Ҳаммасини бир жойга чақириб, ҳаммасини айтиб беринг. Балки фарзандларингиз ҳали эр-хотин ҳам бўлмагандирлар. Сизларга Оллоҳнинг ўзи сабр, бардош берсин. Гуноҳларингизни ўзи кечирсин. Эр-хотин бўлмаган бўлса иншооллоҳ ака-сингил бўлиб қолишар. Энди пешонада борини кўрасиз. Укажон, тезроқ бир тўхтамга келинг, уларга ётиғи билан тушунтиринг, илтимос!

Ақл билан иш тутасиз, деган умид билан хонадонингизга тинчлик тилаб,

БУВИЖОН, Қарши шаҳри.

Акс-саво

ОИЛА ТИЗГИНИ ҚЎЛИНГИЗДА БЎЛСИН

Мақолани ўқиб, ўзимни ғалати ҳис қилдим. Ўша эркакка ачинишни ҳам, унга бирон бир жўяли маслаҳат беришни ҳам билмай қолдим.

Эркак киши илгари яхши пул топганини, кейин фалокат туфайли уйда ўтириб қолгани-ю, уй ишларини, овқат пишириш-у, кир ювиш ишларини ҳам бажараётганини айтиб зорланади.

Айниқса менга таъсир қилгани: "Эркак бўлиб уйимга бирорта дўстимни бошлаб кела олмаганман. Ахир қандай қилиб тўзғиб ётган уйга меҳмон олиб келаман? Бунинг устига аёлим олти ойдирки, бир эркак билан кетиб қолиб, уникида яшаб, унинг икки қизига оналик қилаяпти", - деб айтган гаплари жуда алам қилди.

Ё, алҳазар! Ростдан ҳам шу гапларни эркак киши гапираяптими? Мен бундай эркакларни ҳеч қачон тушунмасам керак. Ахир эркак ҳам эркак бўлиши керак-да! Бундайларга нисбатан, "садқаи эркак кет", деган бўлардим.

"Эркак - оила қўрғони", деб халқимиз билиб айтган. Эркак киши керак бўлса оиласини қўриқлай олиши, ҳимоялай олиши керак. Керак жойда овозини бир парда кўтариб гапиришни ҳам уддалай олиши керак. Бусиз оила оила бўлармиди?! Бошида тизгинни бериб қўйиб, энди зорланишга бало борми?..

Бу суҳбатни ўқиб туриб, ёшлигимда ўқиганим Криловнинг "Бўри билан қўзичоқ" масалидан ушбу сатрлар ёдимга тушди: "Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим". Дарҳақиқат, масалда-ку, қўзичоқ бўрининг олдида ночор, лекин арз қилаётган эркак-чи? У ногирон бўлмасидан илгари ҳам хотинига қатъий тура олмаган. Ҳозирда ўшанинг самарасини кўриб турибди.

Аёлига ҳам айтадиган гапларим бор. Синглим! Вақтида этагингизни ёпиб олинг. Эрингиз сизни ўзга эркак билан яшаб, унинг қизига оналик қилаяпти, деб айтибди. Агар ростдан ҳам шундай бўлса, сиз ҳеч қачон яхши она бўлолмайсиз. Ахир ўз болаларига яхши она бўла олмаган аёл, ўзганинг фарзандларига қуярмиди? Қолаверса, бир эрнинг никоҳида туриб, бошқа эркак билан яшаш, қайси мусулмончиликда бор? Юввош эркакка учраган экансиз. Хиёнатингизни кўра била туриб ҳам ўртадаги фарзандларни ўйлаб, сизни кечиришга тайёр.

Халқимизда: "Нимани хор қилсанг, ўшанинг уволи тутади", деган нақл бор. Эрингизни хор қилманг. Ўрталарингиздаги фарзандларингизни ўйланг. Эртага улар катта бўлганларида: "Онамиз бизни ногирон дадамиз билан ташлаб, бошқа эркакка илакишиб кетиб қолган", дейишадими? Фарзандларингиз бахтини, охиратингизни ўйланг.

Равшан ИСОҚОВ,
Тошкент шаҳри.

"Ажрашай десам..." - 17-сон

ЭСЛАТМА: Тоғармон-тутармонлигимда аёлим билан яхши яшардик. Фалокат экан, бир куни иш пайтида кўзим жароҳатланди. Ногирон бўлиб қолганим учун хотиним икки қизим ва мени ташлаб кетди. Икки болали бир эркакка тегиб олган.

Муаллиф: Гулбашакар.

Хотини билан ажрашмоқчи бўлган йигит назаримда норасида фарзандини ўйлаяпти. Уни тирик етим қилгиси келмаяпти. Иккинчидан, у оиласини яхши кўради, уйи бузилиб кетишини хоҳламайди. Бу унинг яхши фазилатлари дейиш мумкин.

Энди оиласига келсак, йигитнинг айтишича, уй ишлари ўлда-жўлда. Қозон-товоқ ювилмайди, ошхона ивирсиқ. Хотини: "Аёл уйнинг сариштаси-фариштаси", деган ҳикматга амал қилмайди, бунга муносиб ҳам эмас. Аёлининг зиммасидаги юмушларга ҳам эрнинг ўзи югуриб-елади. Бу ҳам майли, бошқа эркакнинг этагини тутиб, (олти ой) кетганига нима дейсиз? Бундай нобакор аёлни оқлаб бўладими? Уни уйига киритиб хотин қилган эркакка ҳам ҳайф-е! Барибир у эр ҳам вақтинча. Аёллик фазилатларини ўзига сингдирмаган хотин бир куни барибир кўнглига уради.

Энди таҳririятга ташриф буюрган, шум тақдир қисматига дош беролмай кўзига ёш олган йигитга айтар сўзим:

- Бошингизни баланд кўтаринг. Фарзандингизга меҳрингизни бериб, яхши тарбияланг. Ўзганинг этагини тутган хотинга қўл силтанг-у садқаисар, денг.

Назаримда, оқ кўнгил, бировга озору дашном беришни хоҳламайдиган киши экансиз. Бу феълингизни ёқлаган ҳолда сизда қатъийлик, шижоат етишмаслигини айтмоқчиман. Йигит кишида орият, иззат-нафс бўлиши шарт.

Сиз арқонни узун ташланг. Сизга ҳам муносиб аёл албатта топилади. Фақат ғаму кулфатларга чиданг, сабрга суянинг. Шу ўринда буюк ҳинд адиби Р.Тагорнинг қуйидаги пандини эслатиб ўтмоқчиман. "Агар тўрт томонинг баланд девор билан ўралиб, бу ердан чиқиб кетишинг мумкин бўлмаса ҳам, бу ҳеч гапмас, чекма ғам..."

Бардам бўлинг!

Дилфуза АБДУСАЛОМОВА,
Андижон вилояти.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Куёвимиз АБДУЛЛАТИФЖОН!

Таваллуд айёмингиз билан муборакбод этаман. Қизимиз Саидахон билан қўшақариб юринглар!

Ойижонингиз Шоҳида, Тошкент шаҳри.

Муҳтарам бобом Бўрибой ДУШАЕВ!

Табаррук 82 ёшга тўлишингиз билан қутлаймиз. Оллоҳим умрингизни зиёда қилсин. Роҳат-фароғатда яшаб юринг.

Набирангиз Лобар, Тошкент вилояти, Бўка тумани.

Қизимиз УМРИНИСО!

Туғилган кунинг билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ҳамиша оиламиз кўрки бўлиб юр.

Отанг, онанг.

Синфдошим ЗУҲРА!

Туғилган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Синфдошларинг Зафар ва Гулноза Хоразм вилояти, Хазорасп тумани.

Қадрли дугонамиз Зебинисо!

Туғилган кунинг муборак бўлсин! Сенга бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин. Лабингдан кулгу ҳеч ҳам аримасин!

Дугонанг Назокат.

Қизимиз СУРАЙЁХОН!

Туғилган кунинг муборак бўлсин. Бахтли, саодатли, оқила қиз бўл. Умринг узоқ, ризқинг бутун бўлсин.

Ота-онанг ва оила аъзоларинг, Хоразм вилояти.

Холажоним Хатибахон Ҳакимжон ТЎРА қизлари!

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин. Дунёдаги барча қувонч, омад, файзу барака сизга ҳамроҳ бўлсин.

Мафтунахон Амирхон қизи. Фарғона саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.

Акажоним Раҳимжон АБДУЛЛАЕВ!

18 ёшингиз билан табриклайман. Соғ-омон бўлиб ота-онамизга суянч бўлишингизни тилайман.

Синглингиз Гулҳаё, Қашқадарё вилояти.

Синглим АИДА!

Таваллуд кунинг билан қутлайман. Бахтимга умринг узоқ бўлсин.

Клара опанг.

ДАВРОН!

Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин! Соғ-омон бўлгин. Оқибатли фарзанд бўлгин!

Назокат

МЕҲРИДАРЁ, ЧИНОРДЕК УЛУҒВОР...

Яхши фазилатлари, меҳнатсеварлиги ва эзгу хислатлари билан элга танилган инсонларни бежиз "меҳридарё, чинордек улуғвор", дея таърифлашмайди.

Тошкент вилояти Тошкент туманида қишлоқ хўжалиги, халқ маорифи соҳаларида умрининг охиригача меҳнат қилган Рустам Акбаров ҳам ана шундай таърифу тавсифга муносиб, ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган инсон эди. Бундай инсонни йўқотиш, наинки фарзандлари, балки ёру биродарлари, ҳамкасблари учун оғир жудоликдир. Ўлим барҳақ... Сабр-тоқат, кўникишдан ўзга илож йўқ... Бироқ шундай йўқотиш, жудолик ва ўлимлар бўладики, уни ўз номи билан аташ муболаға... Бундай ўлимларни ўлим деб бўлмайди. Чунки элпарвар инсон қилган ишлари, бунёдкорлиги билан тириклардан ҳам тирикдир.

Кекса ўқитувчи Жалил Қодиров шундай эслайди:

- Рустамжон мактабимизга тарих муаллими бўлиб келган илк даврлариданоқ устозлари ва ҳамкасбларининг меҳрини қозонди. Ўқитувчилик фаолиятининг илк кунларидан бошлаб Рустам доим ўқувчилар тўғрисида қайғурарди. Ним қоронғу синф хоналари ўрнида замонавий, иссиқ бино бўлишини орзу қиларди. "Мактабни янгитдан қурайлик", деб, бизни "ҳоли-жони"мизга қўймасди. Охири ниятига етди. Ҳамқишлоқларига, ҳатто, биз ўқитувчиларга ўрнак бўлиб, ўзи лой қорди, ғишт терди, тунукачилик қилди. Май ойида бошланган қурилиш ишлари август охирида битди. Мактаб биноси, унинг ҳовлиси ва ташқарисидаги улкан арча, мевали дарахтлар - Рустамжонга жонли ҳайкалдек савлат тўкиб турибди...

Рустам ака Акбаров Тошкент туман халқ маорифи бўлими мудирлиги даврида ўнлаб мактабларнинг замон талабида таъмирланишига, қурилишига бош-қош бўлди.

Тақдирнинг зайли билан маориф бўлими мудири бўлиб ишлаётган Рустам Акбаровнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси раҳбарлигига ўтиши кўпчиликка эриш туюлди. Деҳқончиликдан бехабар бўлган педагогнинг хўжаликни бошқаришига кўзлари етмади.

Аммо Рустам Акбаровнинг раҳбарлик салоҳияти оқибатида, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли хўжалик Бутуниттифоқ сабзавотчилик академиясига айланди...

Биринчи марта плёнка остига экилган сабзавотлар ва улардан олинган юқори ҳосил... Сабзавот ва меваларни янги ҳосилгача сақлаш имкониятини берувчи, иттифоқда биринчи катта ҳажмдаги музхоналар...

Оддий ўқитувчиликдан то туман ҳокимлигигача бўлган меҳнат фаолиятини босиб ўтган Рустам ака қайси лавозимда ишламасин, кекса ўқитувчи Жалил ака Қодиров айтганидек, ўзига жонли ҳайкал қўйиб кетди.

...Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини теран фикр ва ақл кўзи билан қарши олган инсонлардан бири - Рустам ака Акбаров бўлади. Мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ, Рустам ака Акбаров фикр ва мулоҳазаларини матбуотда самимий ва эркин айтолди: "...коммунистлик чопонини ечиб, демократ тўнини кийган билан киши демократ бўлиб қолмайди. Энди биз янгича фикрлашимиз, ватанимиз Мустақиллигини қалбан ҳис этиб яшашимиз, эл ва юрт фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилишимиз лозим..." - деб ёзган эди "Мулоқот" журналида.

Ҳа, Р.Акбаров ҳақида гапириш, унинг хотирасини сақлаш, биз замондошлари зиммасидадир.

Мухтабар КАРИМОВА

Хотира — муқаддас

ИЖОДИЙ ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!

Самарқандда қадимдан зукко ижодкорлар кўп бўлган. Насрда ва назмда ҳар бири ўзига хос юлдуздек порлаган. Хайрулла Ҳамроев ҳам бу кўҳна заминнинг беназир ижодкорларидан. У Самарқанд Давлат университетини битиргач, қатор матбуот нашрларида, жумладан, "Оила ва жамият" газетасининг вилоят мухбири сифатида ҳам меҳнат қилди. Шеърлари ва ҳикоялари, публицистик мақолалари билан ўзига яраша обрў-эътибор қозонди. Унинг "Умрнинг овози", "Сарбон", "Таскин", "Ибратли умр", "Айро йўлда адашганлар!" ва "Барқарор авлод» номли китоблари чоп этилган.

Бугунги кунда ҳам янги китоблар устида изланмоқда, ижод қилмоқда. "Зарафшон" нашриётининг поэзия бўлимини бошқармоқда. Рафиқаси Гулсиной билан биргаликда уч қиз, уч ўғилни тарбиялаб, ўстиришмоқда.

Ажойиб ижодкор Хайрулла Ҳамроевни муборак 50 ёши билан қутларканмиз, унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, янги ижодий зафарлар, ёр бўлишини тилаб қоламиз.

"Оила ва жамият" таҳририяти.

УМИДЛАР ОСТОНАСИДА

Сўнгги қўнғироқ...

Куни кечагина эмасмиди, 11 синфни битираётган акаопаларимизга ҳавас билан боққанча, ана шу қўнғироқни даврани айланиб чалиб чиққаним?!Бугун мен мактаб битирувчисига айландим. Нафақат қадрдон она мактабим, меҳрибон устозларим, балки азиз болалигим билан ҳам хайрлашаяпман!

Азиз "Оила ва жамият"! Сен менинг оилам, менинг мактабдошларим, менинг 11 йиллик қадрдон синфдошларим учун энг севимли газетага айлангансан. Шу боисдан ҳам умидлар остонасида турган бир пайтда, кўнглимдан кечаётганларини сенга изҳор этишга, сен орқали барча тенгдошларимга эзгу тилакларимни билдиришга жазм этдим.

Қадрли тенгдошлар! Орзулар, умидлар остонасида туриб қилган барча ниятларингиз амалга ошсин! Бугун ҳар биримиз азиз устозларимиз, қадрдон мактабимиз, она Ватанимиз олдида бурчлимиз. Шундай экан, ҳаётимизнинг ҳар бир зарварағини фақат эзгу ишлар ва эзгу амаллар битиги билан тўлдириш, ўз бурчимизга содиқ бўлишга интилиб яшайлик.

Дилноза МИРЗАИТОВА
Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, 216-мактаб битирувчиси.

МУНАЖЖИМЛАР

ҚЎЙ (21.03 — 20.04). - Сизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашади. Ишда ютуқлар кутмоқда. Жума куни бироз дам олишингиз керак.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Янги режаларингиз маъқулланади. Янги иш бошлайсиз. Уй-рўзғор ишларини бажариш билан кайфиятингизни кўтаринг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Ҳафта жуда кўнгилли ўтади. Уйингизни таъмирлаш ёки сафарга чиқиш пайтингизда муаммо туғилиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Янги танишлар орттирасиз. Янги либослар харид қилишингиз учун қулай ҳафта. Фарзандларингизга кўпроқ вақт ажратинг.

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Кўпдан кутган омадни қўлга киритасиз. Бухгалтерияга оид ҳужжатларингизни тартибга солишингиз керак.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Сиз учун омадли ҳафта. Ҳамкасбларингиз билан мулоқотга киришиш-дан олдин камчиликларингизни йўқотишга ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Маблағга оид муаммоларни шу ҳафта ҳал қиласиз. Олис қариндошларингиз билан хабарлашасиз.Аммо оилангизни ҳам унутманг.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Кўп меҳнат қилишингизга тўғри келади. Рақибларингиз билан бўлган келишмовчиликни яхшилик билан ҳал қилишингиз зарур.

БАШОРАТИ

ЎҚОТАР (23.11—21.12.). - Янги инсонлар билан танишасиз. Ҳаётингиз ўзгаради. Раҳбарларингизга ўз истеъдодингизни кўрсатиш пайти келди.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01). - Сиёсий воқеаларга бой ҳафта. Ҳамкорларингиз билан фойдали битимлар тузиб, уларнинг ишончини қозонасиз. Бу сизга омад келтиради.

ҚОВҒА (21.01 — 18.02). - Унумли меҳнатингиз самарасидан кўнглингиз тўлади. Ўз сирларингизни ҳеч кимга айтмаганингиз маъқул.

БАЛИК(19.02 — 20.03).- Ҳафта давомида қувончли кунлар кўп бўлади. Кутилмаган совғалар оласиз. Сафарга чиқишингиз эҳтимоли бор.

УЙИНГИЗДА КИМ ХЎЖАЙИН?

Аёллар учун тест

1. Сиз эрингизни кўпроқ куттириб қўясизми ёки аксинча?
а) Эрим кўпроқ куттиради.
б) Мен кўпроқ куттираман.
в) Тенгма-тенг.

2. Қай бирингиз харажатларда тежамкорроқсиз?
а) Эрим.
б) Мен.
в) Тенгма-тенг.

3. Ким кўпроқ гапиради?
а) Эрим.
б) Мен.
в) Тенгма-тенг.

4. Уйда маиший юмушлар билан (ахлатни тўкиб келиш, коммунал тўловларни тўлаш ва бошқалар) ким шуғулланади?
а) Эрим.
б) Мен.
в) Тенгма-тенг.

5. Кечки пайт бирор жойга боришни режалаштирсангизлар, борладиган жойни ким танлайди?
а) Эрим.
б) Мен.
в) Тенгма-тенг.

6. Қаҳвахонада бирга тушлик қилганларингизда ким овқат буюртиради?
а) Эрим.
б) Мен.
в) Тенгма-тенг.

7. Арзимас маиший жароҳат(бармоқни пичоқ кесиши, товада куйиб қолиши ва бошқалар) пайтида ким ўзини совуққон тутади?
а) Эрим.
б) Мен.
в) Тенгма-тенг.

8. Кийим танлашда қай бирингиз иккинчингизга кўпроқ эътироз билдирасиз?
а) Эрим.
б) Мен.
в) Тенгма-тенг.

9. Қай бирингизнинг хотирангиз кучлироқ?
а) Эримнинг.
б) Менинг.
в) Тенгма-тенг.

10. Кўпроқ қай бирингиз иккинчингизни зарарли одатларни ташлашга ундайсиз?
а) Эрим.
б) Мен.
в) Тенгма-тенг.

11. Одатда уйда бирор нарсани излашга тўғри келиб қолса, уни аввалроқ ким топади?
а) Эрим.
б) Мен.
в) Тенгма-тенг.

12. Қай бирингизнинг дўстларингиз билан кўпроқ учрашиб турасизлар?
а) Эримнинг.
б) Менинг.
в) Тенгма-тенг.

13. Кийим танлашда қай бирингиз инжиқроқсиз?
а) Эрим.
б) Мен.
в) Тенгма-тенг.

Энди "Эрим("Эримнинг") ва "Мен"("Менинг") деган жавобларни сананг. Қай бири кўпроқ бўлса, шунисидан озини айиринг. Агар чиққан сон:

0 дан 3 гача бўлса. Оилангизда тенг ҳуқуқлилик ҳукмрон экан. Кўпчилик "Бундай бўлиши мумкин эмас!"-дейди. Улар қайсидир маънода ҳақ. Чунки бундай тенг ҳуқуқликнинг асосида аксарият ҳолларда ўзаро ҳурмат ва севги эмас, балки йиллар давомида ҳосил бўлган бир-бирига ўрганиб қолиш, ҳатто бефарқлик ётади.

4 дан 7 гача бўлса. Сизларни оилавий муносабатларни тўғри ташкил эта олганликларингиз билан табриклаш мумкин. Ахир ҳар қандай жиддий ишда (никоҳ ва оила эса ҳаётдаги энг жиддий иш) бошқош бўладиган, жавобгарликни бўйнига оладиган, зарур пайтда қарорлар қабул қилишга қодир битта одам бўлиши керак.

8 дан 13 гача бўлса. Оила тизгини сизнинг қўлингизда эканлиги кўриниб турибди. Фақат "хўжайинлик"ни меъёридан ошириб юборманг. Йўқса, оилангизга дарз кетиши ҳеч гап эмас.

ДАРМОН тайёрлади.

ДИҚҚАТ! ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларда мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларни жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис на ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида ўтказаётган "Жамият ва Мен" танлови давом этади.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- энг яхши таҳлилий мақола;
- энг ўткир танқидий мақола;
- энг яхши журналист текшируви;
- интернетдаги энг яхши мақола;
- энг муфассал шарх;
- энг яхши фоторепортаж;
- йил дебюти (талаба-журналистлар учун)

Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг боришини, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, 2 нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади:

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда. "Жамият ва Мен" танловига" рукнида 2006 йилнинг 1 сентябридан - 2007 йилнинг 10 июнига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" байрами арафасида аниқланиб тақдирланадилар.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом, рақамли фотоаппарат ва диктофон билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар "Жамият ва Мен" танловига" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 15 июнига қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: ***Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, www/mmf/uz, e-mail: mmf@uzpak.uz.***

Ташкилий қўмита

ОИЛА - ФАРОҒАТ ҚАСРИ

Ҳозир республикамизда олти миллиондан зиёд оилалар истиқомат қилади. Оилаларнинг 35%ни ёш оилалар ташкил этади. Оила мустаҳкам бўлиши учун никоҳ соф ният билан ҳар икки томоннинг хоҳиш - розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида тузилади.

Келиннинг ё куёвнинг етти пушти соғ-саломатлилигини, уларнинг аҳлоқ одобини, ота-онаси, қариндош-уруғларини суриштириш - ота-боболаримиздан қолган ажойиб, ижобий анъана бўлган. Соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишини олдини олиш мақсадида қабул қилинди. 2003 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги" қарори қабул қилинди.

Никоҳ уйимизга никоҳга кириш истагида мурожаат қилиб, ариза берган ёшларга тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади. Улар психик, наркологик, таносил касалликлари, сил касалликлари ва ОИВ/ОИТСлар бўйича тиббий кўрикдан ўтишлари керак бўлади. Тиббий кўрикдан ўтганларидан кейин никоҳлари қонуний қайд этилади.

Бир неча йиллардан бери Никоҳ уйимизда "Ёш оила мактаби" фаолият кўрсатиб келмоқда. Республика "Оила" - Илмий амалий Маркази ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган "Ёш оила" мактаби машғулотлари ҳар ойда бир маротаба ўтказилиб борилади. Ушбу мактабга ёш оилалар, ўқув муассаса талабалари ҳамда ёш келин-куёвлар таклиф этилиб, уларга тиббий кўрикнинг моҳияти, Қонуний никоҳнинг афзаллиги, аёл саломатлиги - келажак авлод саломатлиги, ОИТС - аср вабоси, қайнона-келин муносабатлари ва оиланинг муқаддаслиги ҳақида давра суҳбатлари ва учрашувлар олиб борилади.

Гўзал УСМОНОВА,
Тошкент шаҳар,
"Шодлик" Никоҳ уйи раҳбари.

ЭЪЛОНЛАР

АБДУРАҲМОН

хусусий шифохонасида

ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқкни, бурунннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ᵉуй.
Телефон: 276-85-86, 116-88-02.
Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.

"ЛОРА-ЛЮКС" тўй кўйлаклари салонининг эшиклари келинпошшалар учун доимо очиқ!
МАНЗИЛ: метронинг "Халқлар дўстлиги" бекати, Олмазор даҳаси, 7-уй, 32-хонадон.
Телефонлар: 395-59-49, 395-02-80

Торт, пишириқ, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нархда ўрғатаман.
Тел: 170-18-86

Даромадли ишга таклиф қиламиз.
ТЕЛ: 398-40-49

ДИҚҚАТ! ТАНЛОВ!

Ўзбекистон "Болалар жамғармаси" мураббий конкурсини эълон қилади.

Барча қизиқканларни бола ҳуқуқлари бўйича мураббийлик конкурсида иштирок этишга таклиф қиламиз. Танлов конкурсидан ўтганлар 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган фаол болаларнинг "Болалар Парламенти" тренингларини ўтказишга жалб этилади.

Конкурсда иштирок этмоқчи бўлган шахслар қуйидаги ҳужжатларни олиб келишлари шарт:

- Тавсифнома;
- Давлат ёки халқаро ташкилотларидан, нодавлат, нотижорат ташкилотлардан (ННТ) 2 та тавсиянома;
- Ўқув дастури ва махсус курсларни тугаллаганлиги тўғрисида сертификат ва диплом.

Конкурсда иштирок этувчилар:

1. ННТларда камида 2 йил ишлаган бўлиши;
2. Ўзбек ва рус тилини билиши;
3. Гуруҳларда иш юритишни билиши;
4. Болаларнинг ҳуқуқлари тўғрисида билим ва тажрибаси бўлиши;
5. Мураббий маҳоратига ва тажрибасига эга бўлиши;
6. Тренинг ва семинарлар ташкил эта олиши, дастурлар тайёрлай билиши;
7. Компьютер саводхонлигига эга бўлиши шарт.

Ҳужжатлар 2007 йил 30 июнь соат 18.00 гача қабул қилинади.

Танлов конкурсидан ўтганларни конкурс натижалари билан таништирилади ва мураббийлик қилиш учун тренингларга таклиф этилади. **Тўлиқ маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этилсин: Тел: 360-67-84. E.mail: childrenfunduzb @ inbox.ru.**

Масъул: Ибатова Муҳаббат Турдиалиевна.

ДУШАНБА 28

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.45 ТВ анонс.
8.50 Олтин мерос.
9.00 "Олам ва одам" дастури: "Фобия".
"Болалар сайёраси":
9.50 "Кизил гул". Мультфильм.
10.30 "Одами эрсанг".
10.50 ТВ анонс.
10.55 Дунё иқлими.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Самарқанд-2750".
11.15 "Регистон".
11.30 "Шахсий фикр".
12.05 "Минг бир ривоят".
12.10 "Алла". Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.00 ТВ анонс.
13.05 "Алла". Спектакль. 2-қисм.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Олам ва одам" дастури: "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
15.10 "Ҳаёт манзаралари".
15.20 "Ватанпарвар".
16.20 "Мозий сирлари".
"Болалар сайёраси":
16.40 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Юртим бўйлаб" дастури: "Қандай гўзал бу дунё".
17.35 "Марғилон – 2000".
17.40 "Аёл ва жамият".
18.00 "Оҳанглар оғушида".
18.10 "Илмга бахшида умр".
18.40 "Ошин". Телесериал.
19.10 ТВ анонс.
19.15 "Молия ва банк хабарлари".
19.20 Дунё иқлими.
19.30 "Ахборот" (рус)
20.10 "Оила ришталари".
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Муқаддас қадамжолар".
22.00. "Икки тақдир". Телесериал премьераси (Ҳиндистон)
22.45 ТВ анонс.
22.50 "Кўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.00 Миллий сериал: "Бобур".
23.35-23.45 Тунги наволар.

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 "ДАВР".
16.15 "Ватаним!"
16.20 "Малика – 2007".
16.30 "Хазина".
16.45 "Тараққиёт сари".
17.05 "Journal".
17.25 "UzEX хабарлари".
17.30 "Мўъжизавий дунё" туркуми: **"Болаларга жониворлар ҳақида".**
18.20 "Давр мавзуси".
18.35 "Ғазал мулки".
19.00 "ДАВР".
19.30 **"Қор алангаси".** Сериал премьераси (Корея)
20.10 "Якшанба нонуштаси".
20.30 "UzEX хабарлари" (рус ва инглиз тилларида)
20.40 "Эълонлар".
20.50 **"Зерда".** Сериал.
21.35 "Ёшлик наволари".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 **"Гул ифори".** Сериал премьераси (Франция)
23.40 – 23.50 "Таскин".

TOSHKENT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм. "Шумтакалар".
18.05 "Телекурьер - маркет".
18.25 "Анонс".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.45 "Анонс".
18.50 "Гвадалупе". Телесериал.
19.30 "Мусиқа SMS".
19.50 "Саломат бўлинг"/рус/
20.00 **"Пойтахт" ахборот дастури/рус/.**
20.15 "ТВ юрист".
20.20 Мир животных: "Охота на охотника". 1-қисм.
20.50 "Интервью"/рус/.
21.00 "Жозиба".
21.25 "Анонс".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.45 "ТВ юрист".
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "Аёл қалби".
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.
22.45 "Анонс".
22.50 Кино: "Громобой".
00.35 - 00.40 Хайрли тун, шахрим.

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.05 "Малахов +".
9.00 "Талқин". Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 "Детективы".
10.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
10.30 "АвтоГРАФ".
10.50 – 11.20 Художественная гимнастика. Гран-при.
***
18.00 "Болалар спорти".
18.20 "Тет-а-тет".
18.30 "Хабарлар" (рус. тилида)
18.50 "Универсиада - 2007".
19.10 "Жди меня".
20.00 "Моя девушка". Сериал.
20.20 "Спорт-менинг ҳаётим".
21.05 Футбол шарҳи.
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 Спортивное кино. "Кальциевый парень". Х/ф
23.15 Теннис. Франция очиқ чемпионати.

TV-MARKAZ

07.00 «Премьера» (узб)
07.30 Узбек наволари
08.00 «Премьера» (рус)
08.30 «Сайилгох»
08.45 Мировые хиты
09.00 Узбек наволари
10.00 «Сунмас орзулар»
10.50 Узбек наволари
11.00 «Ганнибал» худ.фильм
12.45 Мировые хиты
13.30 «Миссия неповторима»
14.00 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.30 Узбек наволари
17.00 «Навбат» Рашид Холиков билан
17.40 Узбек наволари
18.00 «Премьера» (узб)
18.30 Узбек наволари
19.00 «Премьера» (рус)
19.30 Сериал «ВА-БАНК» 1-серия
20.40 Мировые хиты
21.00 Узбек наволари
22.00 Комедия по понедельникам «ХОДЯТ СЛУХИ» худ.фильм
23.45 Миксер

1 ОРТ

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов+»
9.00 «Агент национальной безопасности».
10.05 «Поле чудес»
11.00 Новости
11.15 «Понять. Простить»
11.40 «Без комплексов»
12.30 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 Криминальная Россия. «Три товарища», 1-я серия
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Жди меня»
18.05 «Татьянин день».
18.55 «Чужие тайны».
20.00 Время
20.30 «Свой-чужой». Многосерийный фильм
21.30 «Михаил Евдокимов. Последние 24 часа»
22.35 «Про это, про поэта и про Лилю Брик». 1- серия
23.40 Ночные новости
23.55 Ким Бейсингер в комедии «Элвис вышел из здания»
1.25 Комедия «Целуя Джессику Стейн»
2.00 Время
2.30 Комедия «Целуя Джессику Стейн». Продолжение
3.30 Программа Сергея Шолохова «Тихий дом» на Каннском кинофестивале

РТР

4.00 «Доброе утро, Россия!».
8.00 «Валентина Леонтьева: сказка и быль».
8.45 ВЕСТИ.
9.00 «Частная жизнь».
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.55 Татьяна Конюхова в фильме «Над Тиссой». 1958г.
12.40 ВЕСТИ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.00 ВЕСТИ.
16.10 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка».
17.05 «Танго втроем». Телесериал.
18.00 «Ангел-хранитель». Телесериал.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 Олег Леушин в телесериале «Под Большой Медведицей» .
22.10 «Мой серебряный шар.
23.15 «ВЕСТИ+».
23.35 ПРЕМЬЕРА. «Очевидное-невероятное».
0.05 «Синемания».
0.40 «Дорожный патруль».
0.50 НОЧНОЙ СЕАНС. Остросюжетный фильм «Каскадеры» (США). 1977г.
2.20 Канал «Евроньюс» на русском языке.
3.40 ВЕСТИ.

СЕШАНБА 29

O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Олтин мерос.
8.50 "Олам ва одам" дастури: "23, 5 даража бурчак остида".
9.15 "Болалар сайёраси": 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Қундуз амакининг киссалари". Мультсериал.
10.20 "Илмга бахшида умр".
10.50 "Молия ва банк хабарлари".
11.00 "Ахборот".
11.20 "Оила ришталари". Телесериал.
11.55 "Самарқанд – 2750".
12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
12.10 "Юртим бўйлаб" дастури: "Бурчмуллада баҳор".
12.15 "Рангин дунё".
12.35 "КиноТеатр".
13.00 ТВ анонс.
13.05 "Икки тақдир". Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Олам ва одам" дастури: "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
15.10 "Ҳаёт манзаралари".
15.20 "Интеллектуал ринг".
16.05 "Аёл ва жамият".
16.25 "Мозий сирлари".
"Болалар сайёраси":
16.45 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.15 Олтин мерос.
17.25 ИИВ хабарлари.
17.45 "Марғилон – 2000".
17.50 "Ҳудудлар ҳаёти".
18.05 "Оҳанглар оғушида".
18.15 "Агар Сиз"
18.35 "Сизнинг адвокатингиз".
18.40 "Ошин". Телесериал.
19.10 "Банк ва мижоз".
19.30 "Ахборот" (рус)
20.10 "Оила ришталари".
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Қишлоқ ҳаёти".
22.00 "Икки тақдир". Телесериал.
22.45 ТВ анонс.
22.50 "Кўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.00 Миллий сериал: "Бобур".
23.40-23.50 Тунги наволар.

7.00 "ЯНГИ ТОНГ"
9.00 "Даврнинг боласи".
9.20 **"Зерда".** Сериал.
10.00 "ДАВР".
10.15 "Ватаним!"
10.20 "Галактика" туркуми: **"Ёруғлик нима?"** 1-қисм.
11.10 "Ғазал мулки".
11.30 "Интерфутбол".
13.00 "ДАВР".
13.15 "Даврнинг боласи".
13.30 "Афсона ва ҳақиқат" туркуми: **"Кадимги Искандария".**
14.15 **"Кор алангаси".**
14.50 "Нафосат олами".
15.00 "ЯНГИ КУН"
16.00 "ДАВР".
16.15 "Ватаним!"
16.20 "Малика – 2007".
16.30 "Ватанпарвар".
17.30 "Мўъжизавий дунё" туркуми: **"Болаларга жониворлар ҳақида".**
18.20 "Тасвир ва таассурот". Вечеллио Тициан.
18.35 "Ғазал мулки".
18.55 "Иқлим".
19.00 "ДАВР".
19.30 **"Қор алангаси".** Сериал.
20.10 "JOKER" телелотереяси.
20.20 "Ижтимоий ҳимоя йили"га бағишланади: "Матонат".
20.35 "Мафтункор ва бетакрор!"
20.40 "Эълонлар".
20.50 **"Зерда".** Сериал.
21.35 "Ёшлик наволари".
21.55 "Иқлим".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 **"Гул ифори".**

TOSHKENT

7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.35 "Гвадалупе".
9.15 "Телекурьер – маркет".
9.35 "Аёл қалби".
10.00 "Мулоҳаза учун мавзу".
10.30 "Мусиқа SMS".
10.50 "Интервью"/рус/.
11.05 "Саломат бўлинг"/рус/
11.15 "Туризм ҳақида"/рус/
11.55 Кино: "Громобой".
***
17.55 Мультфильм
18.05 "Телекурьер- маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Гвадалупе".
19.50 "Ҳимоя".
20.00 **"Пойтахт"**
20.20 Мир животных: "Охота на охотника". 2-қисм.
20.50 "Репортаж".
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт"
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "O'zbektelefilm" представляет: "По залам музея истории Узбекистана". 1-фильм.
22.30 "Пойтахт"
22.50 Кино: "Великолепный".

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.05 "Малахов +".
9.00 "Хабарлар" (рус. тилида)
9.20 "Детективы".
9.50 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
10.10 Белбоғли кураш. Республика турнири.
10.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Навбаҳор" -. "Нефтчи".
11.20 – 11.50 Художественная гимнастика. Гран-при.
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 Мультфильм.
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.50 "Вокруг света".
19.35 "Футбол мундиал".
20.00 "Моя девушка". Сериал.
20.50 Теннис. Франция очиқ чемпионати.
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 Любителям индийского кино: "Как бы не влюбиться". Х/ф (1-қисм)
23.10 Еврофутбол. Испания чемпионати. "Барселона" - "Хетафе".

TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 Мировые хиты
09.00 Сериал «Ва-банк» 1-серия
10.10 «Премьера» (узб)
10.40 Узбек наволари
11.00 «Ходят слухи» худ.фильм
12.45 Мировые хиты
13.00 «Юлдузли пайшанба»
13.30 Узбек наволари
14.00 Марказ NEWS (рус)
14.10 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.15 Узбек наволари
17.00 «Топ-20»
17.45 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Узбек наволари
19.00 Сериал «ВА-БАНК» 2-серия
20.10 «Сайилгох»
20.25 Узбек наволари
21.00 «Великолепная семёрка»
21.30 Узбек наволари
22.00 «ПОСЛЕДНИЙ ОТПУСК» худ.фильм
00.00 Миксер

1 ОРТ

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов+»
9.00 «Агент национальной безопасности».
10.05 «Чужие тайны».
11.00 Новости
11.15 «Понять. Простить»
11.40 «Без комплексов»
12.30 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости
14.15 Вне закона. «Скрытая угроза»
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
18.00 «Татьянин день». Многосерийный фильм
18.55 «Чужие тайны». Многосерийный фильм
20.00 Время
20.30 «Свой-чужой».
21.30 «Любящие мужья многодетных матерей»
22.35 «Про это, про поэта и про Лилю Брик». 2 - серия
23.40 Ночные новости
0.00 Фильм Стивена Спилберга «Амистад»
2.00 Время
2.30 Фильм «Амистад». Продолжение
3.05 Фильм «Дьяволы Тасмании»

РТР

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Советская империя. Народный автомобиль».
8.45 ВЕСТИ.
9.00 «Частная жизнь».
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.50 Олег Леушин в телесериале «Под Большой Медведицей» .
12.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.00 ВЕСТИ.
16.10 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка».
17.05 «Танго втроем». Телесериал.
18.00 «Ангел-хранитель». Телесериал.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. Варвара Андреева, Дмитрий Щербина, Раиса Рязанова, Нелли Пшенная и Олег Леушин в телесериале «Под Большой Медведицей» .
22.15 ПРЕМЬЕРА. К ЮБИЛЕЮ. «Народный маркиз. Игорь Дмитриев».
23.15 «ВЕСТИ+».
23.35 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. К ЮБИЛЕЮ ИГОРЯ ДМИТРИЕВА. Александра Захарова, Андрей Соколов, Мария Голубкина и Евгений Леонов в детективе «Сыскное бюро «Феликс». 1993г.
1.25 «Дорожный патруль».
1.45 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
2.30 ПРЕМИЯ «ЭММИ». Ребекка Де Морней в телесериале по роману Стивена Кинга «Сияние» (США).
3.15 Канал «Евроньюс»

ЧОРШАНБА 30

O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 "Олам ва одам" дастури: "23, 5 даража бурчак остида".
9.10 "Болалар сайёраси": 1. "Олтин тож". Телеўйин.
2. "Қундуз амакининг киссалари". Мультсериал.
10.05 "Муқаддас даргоҳ". "O"zbektelefilm". Премьера.
10.25 ИИВ хабарлари.
10.40 "Банк ва мижоз".
10.50 "Сизнинг адвокатингиз".
10.55 Дунё иқлими.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "ТВ шифокор".
11.20 "Оила ришталари". Телесериал.
11.55 "Самарқанд-2750".
12.00 "Ягона оилада".
12.20 "Агар Сиз".
12.40 "Одамлардан бири".
13.00 ТВ анонс.
13.05 "Икки тақдир". Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Олам ва одам" дастури: "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
15.10 "Ҳаёт манзаралари".
15.20 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.
16.10 "Меҳр кўзда". Хатларга шарҳ.
"Болалар сайёраси":
16.30 1."Бизнинг кутубхона".
2."Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.25 "Эркин иқтисодиёт".
17.45 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки дарё оралиғида".
18.05 "Оҳанглар оғушида".
18.15 "Таълимга эътибор – келажакка эътибор".
18.35 "Марғилон-2000".
18.40 "Ошин". Телесериал.
19.10 ТВ анонс.
19.15 "Бизнес янгиликлари".
19.30 "Ахборот" (рус)
20.10 "Оила ришталари".
20.50 Дунё иқлими.
21.00 "Ахборот".
21.40 Эркин мавзу.
22.00 "Икки тақдир". Телесериал.
22.50 "Кўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.00 Миллий сериал: "Бобур".

7.00 "ЯНГИ ТОНГ"
9.00 "Даврнинг боласи".
9.20 **"Зерда".** Сериал.
10.00 "ДАВР".
10.15 "Ватаним!"
10.20 "Галактика" туркуми: **"Ёруғлик нима?"** 2-қисм.
11.10 "Ғазал мулки".
11.30 "KINOMANIYA".
12.00 "Ватанпарвар".
13.00 "ДАВР".
13.15 "Даврнинг боласи".
13.30 "Афсона ва ҳақиқат" туркуми: **"Тилла тарихи".**
14.15 **"Кор алангаси".**
14.50 "Қонун ижроси".
15.00 "ЯНГИ КУН"
16.00 "ДАВР".
16.15 "Ватаним!"
16.20 "Пойтахтдан узокрокда".
16.30 "Давр мавзуси".
16.45 "Ёшлар адабиёти".
17.00 "Мурувват".
17.10 "Таълим ва тараққиёт".
17.25 "Самарқанд – 2750 ёшда!"
17.30 "Мўъжизавий дунё" туркуми: **"Болаларга жониворлар ҳақида".**
18.25 "Истиқбол тимсоллари".
18.35 "Ғазал мулки".
19.00 "ДАВР".
19.30 **"Қор алангаси".**
20.10 "Спорт-лото".
20.20 "Автопатрул".
20.35 "Оқшом қўнғироқлари".
20.40 "Эълонлар".
20.50 **"Зерда".** Сериал.
21.35 "Ёшлик наволари".
21.55 "Иқлим".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 **"Гул ифори".**

TOSHKENT

7.30 **Салом, Тошкент!"**
8.35 "Гвадалупе".
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.35 "Ҳимоя".
9.55 "CINEMA BOLLIWOOD".
10.15 "Репортаж".
10.55 - 12.30 Кино
***
17.55 Мультфильм.
18.05 "Телекурьер- маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Гвадалупе".
19.50 "Мисли гавҳар".
20.00 **"Пойтахт"**
20.20 Мир животных
20.50 "Интервью".
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт"
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Юртим жамоли".
22.30 "Пойтахт"
22.50 Кино: "Медальон".

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.05 "Малахов +".
9.00 "Хабарлар" (рус)
9.20 "Детективы".
9.50 "Хабарлар" (ўзб)
10.10 "Бабирусса". Д/ф
10.35 Оғир атлетика.
11.05 – 11.35 Спортивная гимнастика. Кубок мира.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.50 "Универсиада - 2007".
19.10 "Жаҳон спорти юлдузлари".
19.30 "Новая экономика".
20.00 "Моя девушка".
20.50 Теннис.
21.50 Х/ф "Как бы не влюбиться".
23.10 Еврофутбол. Голландия чемпионати "Аякс" - "АЗ Алкмаар".

TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
07.30 «Премьера» (рус)
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Навбат» Рашид Холиков билан
08.50 Узбек наволари
09.00 Сериал «Ва-банк» 2-серия
10.10 Мировые хиты
10.30 Узбек наволари
11.00 «Последний отпуск» худ.фильм
13.00 Узбек наволари
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.00 «Сайилгох»
16.15 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 Узбек наволари
19.00 Сериал «ВА-БАНК» 3-серия
20.10 Узбек наволари
21.00 «Миссия неповторима»
21.30 Узбек наволари
22.00 Киноколлекция «ВЕСНА,ЛЕТО,ОСЕНЬ,-ЗИМА,СНОВА ВЕСНА» худ.фильм
23.50 Миксер

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов+»
9.00 «Агент национальной безопасности».
10.05 «Чужие тайны».
11.00 Новости
11.15 «Понять. Простить»
11.40 «Без комплексов»
12.30 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости
14.15 Вне закона. «Семейный погост»
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.15 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
18.00 «Татьянин день». Многосерийный фильм
18.55 «Чужие тайны». Многосерийный фильм. Заключительная серия
20.00 Время
20.30 «Свой-чужой». Многосерийный фильм
21.35 «Вечный Шурик. Александр Демьяненко»
22.40 «Два мастера одной Маргариты»
23.40 Ночные новости
23.55 Премьера. Комедия «Как заработать 20 миллионов» (2005 год)
2.00 Время
2.30 Федор Одиноков, в фильме «Кто, если не ты?..»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Как убивали Павлика. История одного мифа».
8.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9.00 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.50 Варвара Андреева, Дмитрий Щербина, Раиса Рязанова, Нелли Пшенная и Олег Леушин в телесериале «Под Большой Медведицей»
12.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.00 ВЕСТИ.
16.10 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка».
17.05 «Танго втроем». Телесериал.
18.00 «Ангел-хранитель». Телесериал.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. Варвара Андреева, Дмитрий Щербина, Раиса Рязанова, Нелли Пшенная и Олег Леушин в телесериале «Под Большой Медведицей».
22.15 ПРЕМЬЕРА. «Пусть всегда буду я. Лев Ошанин».
23.15 «ВЕСТИ+».
23.35 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. Джефф Дэниэлс и Патрисия Хитон в фильме «Девушка для прощания» (США). 2004г.
1.40 «Дорожный патруль».
1.55 «Горячая десятка».
2.50 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
3.30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ПАЙШАНБА 31

O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 "Олам ва одам" дастури: "23, 5 даража бурчак остида".
"Болалар сайёраси":
9.05 "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
9.45 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки дарё оралиғида".
10.05 Т. Жалилов номидаги халқ чолғулари Давлат академик оркестрининг концерти.
10.45 "Ҳаёт манзаралари".
10.55 Дунё иқлими.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "ТВ шифокор".
11.20 "Оила ришталари". Телесериал.
11.55 Самарқанд – 2750.
12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
12.10 "Юртим бўйлаб" дастури: "Диёрим табиати".
12.20 "Таълимга эътибор – келажакка эътибор".
12.40 "Қишлоқ ҳаёти".
13.00 ТВ анонс.
13.05 "Икки тақдир". Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. "Учинчи истак". Видеофильм.
15.50 "Имконият".
16.10 "Саломат бўлинг!" "Болалар сайёраси":
16.30 1. "Болалар дунёси".
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Шифокор қабулида".
17.45 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки дарё оралиғида".
18.05 "Оҳанглар оғушида".
18.15 "Марғилон-2000".
18.20 "Бир жиноят изидан".
18.40 "Ошин". Телесериал.
19.10 "Сизнинг адвокатингиз".
19.15 "Молия ва банк хабарлари".
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Оила ришталари". Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Одамлардан бири".
22.00 "Икки тақдир". Телесериал.
22.45 ТВ анонс.
22.50 "Кўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.00 Миллий сериал: "Бобур".
23.40-23.45 Тунги наволар.

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 "ЯНГИ ТОНГ" ахборот-кўнгилочар дастури.
9.00 "Даврнинг боласи".
9.15 "Марафонга марҳамат!"
9.25 **"Зерда".** Сериал.
9.55 "Иқлим".
10.00 "ДАВР".
10.15 "Ватаним!"
10.20 "Галактика" туркуми: **"Ёруғлик нима?"** 3-қисм.
11.10 "Газал мулки".
11.30 "Радиодан кўрсатамиз"
11.45 "Салом, таътил!"
13.00 "ДАВР".
13.15 "Даврнинг боласи".
13.30 "Афсона ва ҳақиқат" туркуми: **"Тилла тарихи-2".**
14.15 **"Қор алангаси".** Сериал.
14.50 "Истиқбол тимсоллари".
15.00 "ЯНГИ КУН" ахборот-кўнгилочар дастури.
15.55 "Иқлим".
16.00 "ДАВР".
16.15 "Ватаним!"
16.20 "Автопатрул".
16.35 "Солиқ хизмати хабарлари".
16.45 "Самарқанд – 2750 ёшда!"
16.50 "Меъёр соғлиқ гарови".
17.10 "Чемпион сирлари".
17.30 "Мўъжизавий дунё" туркуми: **"Болаларга жониворлар ҳақида".**
18.20 "Бу шундай бўлган эди..."
18.40 "Газал мулки".
19.00 "ДАВР".
19.30 **"Қор алангаси".**
20.10 "Марафонга марҳамат!"
20.20 "Умр йўли".
20.50 **"Зерда".** Сериал.
21.35 "Ёшлик наволари".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 **"Гул ифори".**
23.40 – 23.50 "Таскин".

TOSHKENT

7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.35 "Гвадалупе".
9.15 "Телекурьер – маркет".
9.35 "Мисли гавҳар".
9.55 "Юртим жамоли".
10.10 "Интервью".
10.20 "Мусиқа SMS".
10.50 Кино: "Медальон".
***
17.55 "Умид юлдузлари".
18.05 "Телекурьер- маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Гвадалупе".
19.50 "Иктисод - ревью"
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.
20.15 "ТВ юрист".
20.20 "Тошкент ва тошкентликлар". Бевосита мулоқот.
21.00 "Жозиба".
21.25 "Анонс".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.45 "ТВ юрист".
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Келажакка интилиб".
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.
22.45 "Анонс".
22.50 Кино: "Замороженный". Фильм с участием Луи Де Фьюнеса.

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.05 "Малахов +".
9.00 "Хабарлар" (рус. тилида)
9.20 "Детективы".
9.50 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
10.10 "Путешествия натуралиста".
10.35 Оғир атлетика. Ўзбекистон чемпионати.
11.05 – 11.35 Спортивная гимнастика. Кубок мира.
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Гейм – Сет - Матч".
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
18.50 "Мониторинг".
19.10 "Ўзбегимнинг Миржалоли". Ҳужжатли фильм.
19.50 "Шарқ яккакурашлари".
20.00 "Моя девушка". Сериал.
20.50 Теннис. Франция очиқ чемпионати.
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 Формула-1.
22.50 Европфутбол. Испания чемпионати.

TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 «Сайилгох»
08.25 Мировые хиты
09.00 Сериал «Ва-банк» 3-серия
10.10 Узбек наволари
11.00 «Весна,лето,осень, зима,снова весна» худ.-фильм
12.50 Мировые хиты
13.00 Узбек наволари
14.00 Марказ NEWS (рус)
14.10 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.00 Узбек наволари
17.00 «Великолепная семёрка»
17.30 Мировые хиты
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Мировые хиты
19.00 Сериал «ВА-БАНК» 4-серия
20.10 «Спецрепортаж»
21.00 «Юлдузли пайшанба»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «КАРИБ ДЕНГИЗИНИНГ КАРОКЧИЛАРИ» бадиий фильм
00.40 Миксер

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов +»
9.00 «Агент национальной безопасности».
10.00 «Чужие тайны».
11.00 Новости
11.15 «Понять. Простить»
11.40 «Без комплексов»
12.30 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости
14.15 Вне закона. «Взгляд из темноты»
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.15 «Пусть говорят»
18.00 «Татьянин день».
18.50 «Жизнь как кино»
20.00 Время
20.30 «Свой-чужой».
21.30 «Человек и закон»
22.35 «Судите сами»
23.30 Ночные новости
23.45 Х/ф «Поле мечты»
1.40 Х/ф «Раскаленная суббота»
2.00 Время
2.30 Фильм «Раскаленная суббота». Продолжение

4.00 «Россия!».
7.45 «Безумие Бориса Андреева».
8.45 ВЕСТИ.
9.00 «Частная жизнь».
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.50 Сериале «Под Большой Медведицей».
12.40 ВЕСТИ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.00 ВЕСТИ.
16.10 Сериал «Неотложка».
17.05 «Танго втроем».
18.00 «Ангел-хранитель».
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 Олег Леушин в телесериале «Под Большой Медведицей».
22.15 «Мальчик из Армавира. Необыкновенные вундеркинды».
23.10 «Зеркало».
23.30 «ВЕСТИ+».
23.50 Х/ф «Мое сердце»
1.45 «Дорожный патруль».
2.00 «Закон и порядок»
2.45 Х/ф «Сияние» (США).
3.30 Канал «Евроньюс»

ЖУМА 1

O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси":
8.50 1. "Шум бола".
2. "Ажойиб саёҳат". Фильм-концерт.
9.30 "Ювошвойнинг саргузаштлари". Фильм премьераси. 1-қисм.
10.00 "Ювошвойнинг саргузаштлари". 2-қисм.
10.25 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки дарё оралиғида".
10.45 "Молия ва банк хабарлари".
10.50 "Сизнинг адвокатингиз".
10.55 Дунё иқлими.
11.00 "Ахборот".
11.20 "Оила ришталари".
11.55 Самарқанд-2750.
12.00 "Чинор". Видеофильм.
13.05 "Икки тақдир". Телесериал.
13.45 "Зилол". Фольклор қўшиқлари.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.20 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. "Озод юрт болалари".
15.20 "Ювошвойнинг саргузаштлари". 3-қисм.
15.50 "Ювошвойнинг саргузаштлари". 4-қисм.
16.15 "Марғилон-2000".
16.20 "Тарих кўзгуси".
16.40 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.15 Олтин мерос.
17.20 2007 йил – "Ижтимоий ҳимоя йили": "Саломатлик" дастури.
17.40 "Рангин дунё".
18.00 "Одами эрсанг"
18.20 "Минг бир ривоят".
18.25 "Ҳидоят сари".
18.45 "Ошин". Телесериал.
19.15 "Бизнес янгиликлари".
19.20 Дунё иқлими.
19.30 "Ахборот" (рус)
20.10 "Оила ришталари".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Ҳаёт давом этади". Миржалол Қосимов.
22.00 "Икки тақдир". Телесериал.
22.45 ТВ анонс.
22.50 "Кўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.00 Миллий сериал: "Бобур".
23.40- 23.45 Тунги наволар.

7.00 "ЯНГИ ТОНГ"
9.00 "Даврнинг боласи".
9.10 "Полапон".
9.20 "Болалар давраси".
9.50 "Болалигим – олтин чоғ".
10.00 "ДАВР".
10.15 "Болалигим – олтин чоғ".
10.20 "Кичкинтой театри".
10.30 **"Чумолилар хужуми".** Мультфильм.
12.00 "Даврнинг боласи".
12.15 "Шоҳсупа".
12.25 "Спорт-старт".
12.35 "Болалар табассуми".
12.40 Мультфильм.
13.00 "ДАВР".
13.15 "Даврнинг боласи".
13.25 "Болалар табассуми".
13.30 "Болажон".
13.40 "У ким? Бу нима?" Телеўйин.
14.00 "Даврнинг боласи".
14.10 "Шум болалар".
14.20 "Бола тилидан". Телеўйин.
15.00 "ЯНГИ КУН"
16.00 "ДАВР".
16.15 "Даврнинг боласи".
16.25 Миллий кино: **"Мешполвон".**
17.30 "Мўъжизавий дунё" туркуми: **"Болаларга жониворлар ҳақида".**
18.20 "Болалар табассуми".
18.30 "Дунё таомлари".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Даврнинг боласи".
19.40 "KINOMANIYA".
20.10 **"Мадагаскар".** М/ф
21.45 "Болалар табассуми".
22.00 "ДАВР".
22.30 Миллий кино: **"Кичкина табиб".**

TOSHKENT

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни.
7.30 "Салом, Тошкент!"
8.35 "Гвадалупе".
9.15 "Телекурьер- маркет".
9.35 "Келажакка интилиб".
10.00 "Умид юлдузлари".
10.30 "Иқтисод- ревью"/рус/
10.50 - 12.25 Фильм-детям: "Каспер".
***
17.55 "Афиша"/рус/.
18.05 "Телекурьер - маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Гвадалупе".
19.50 "Саломат бўлинг".
20.00 **"Пойтахт" ахборот дастури/рус/.**
20.20 "Дилбандим".
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "Маърифат фидойилари".
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.
22.45 "Анонс".
22.50 Кино: "Лысый нянька".

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.05 "Малахов +".
9.00 "Хабарлар" (рус. тилида)
9.20 "Детективы".
9.50 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
10.10 Оғир атлетика. Ўзбекистон чемпионати.
10.40 "Чемпионлик орзуси".
11.10 - 12.10 "Соғлом авлод юлдузлари".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
18.55 "Поле чудес".
20.00 "Моя девушка". Сериал.
20.50 "Ўзбегимнинг Миржалоли". Ҳужжатли фильм.
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 "Аптека слушает".
22.35 Майкл Дуглас в фильме "Свадебная вечеринка". Художественный фильм.
00.10 "Тунингиз осуда бўлсин!"

TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Топ-20»
09.00 Сериал «Ва-банк» 4-серия
10.10 Узбек наволари
11.00 «Карib денгизининг карокчилари» худ.фильм
13.40 Узбек наволари
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.30 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 Узбек наволари
18.30 «Сайилгох»
18.45 Узбек наволари
19.00 «Кулинар фантазиялари»
19.30 Узбек наволари
20.00 «Сунмас орзулар»
20.50 Узбек наволари
21.00 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «ДЕЖА ВЮ» худ.фильм
00.15 Миксер

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов +»
8.55 «Агент национальной безопасности».
9.55 Концерт к Дню защиты детей
11.00 Новости
11.15 «Понять. Простить»
11.40 «Доктор Курпатов»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости
14.15 Вне закона. «Огонь любви»
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.15 «Пусть говорят»
18.00 «Татьянин день».
18.55 «Поле чудес»
20.00 Время
20.25 Премьера. «Розыгрыш»
21.40 «Что? Где? Когда?»
23.00 Бен Стиллер, Дрю Бэрримор в комедии «Дюплекс»
0.35 Х/ф «Свидетель»
2.00 Время
2.25 Триллер «Свидетель». Продолжение
2.50 Фильм «Мастера угроз»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.35 «Вся Россия».
7.45 «Мой серебряный шар. «Большой вальс». Ведущий - Виталий Вульф.
8.45 «Мусульмане».
9.00 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.50 Варвара Андреева, Дмитрий Щербина, Раиса Рязанова, Нелли Пшенная и Олег Леушин в телесериале «Под Большой Медведицей»
12.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.00 ВЕСТИ.
16.10 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка».
18.00 «Ангел-хранитель». Телесериал.
19.00 ВЕСТИ.
19.15 ПРЕМЬЕРА. «Пятая студия» с Сергеем Брилевым».
19.55 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
20.15 «Спокойной ночи, малыши!».
20.30 ПРЕМЬЕРА. «Кривое зеркало. Театр Евгения Петросяна».
22.40 Алексей Панин, Людмила Максакова, Александр Балуев, Любовь Полищук и Дарья Калмыкова в комедии Аллы Суриковой «О любви в любую погоду». 2004г.
0.45 Мэнди Мур в комедии «Как быть» (США). 2003г.
2.50 «Дорожный патруль».
3.00 ПРЕМЬЕРА. Билл Пэкстон в телесериале «Большая любовь» (США). 2006г.
4.00 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ШАНБА 2

O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси":
8.50 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
9.25 "Шифокор қабулида".
9.50 ТВ анонс.
9.55 "Мусиқа дунёси".
10.15 1. "Рангинкамон". 2. "Дидар".
10.55 ТВ анонс.
11.00 "Оналар мактаби".
11.20 "Оила ришталари". Телесериал.
11.55 ТВ анонс.
12.00 "Заковат".
13.00 ТВ анонс.
13.05 "Икки тақдир". Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Меҳр кўзда".
15.00 "Дала ҳовли". Бадиий фильм.
"Болалар сайёраси":
16.20 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.15 ТВ анонс.
17.20 "Олтин бешик".
17.50 "Саломатлик сирлари".
18.10 "Оҳанглар оғушида".
18.20 "Оталар сўзи- ақлнинг кўзи".
19.15 "Суғурта оламида".
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.10 "Оила ришталари".
21.00 "Ахборот".
21.40 Самарқанднинг 2750 йиллигига. "Самарқандни куйлайман".
Республика кўрик-танлови.
22.40 "CINEMA.UZ".
23.05 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.15 "Оила сирлари". Б/ф

7.00 "ЯНГИ ТОНГ"
9.00 "Даврнинг боласи".
9.20 **"Зерда".** Сериал.
10.00 "ДАВР".
10.15 "Ватаним!"
10.20 "Галактика" туркуми: **"Ёруғлик нима?"** 4-қисм.
11.10 **"Иркит ўрдакча ва мен".** Мультфильм.
12.30 "Дунё таомлари".
12.50 "Солиқ хизмати хабарлари".
13.00 "ДАВР".
13.15 "Даврнинг боласи".
13.30 "Афсона ва ҳақиқат" туркуми: **"Хубилайхон флоти".**
14.15 **"Қор алангаси".** Сериал.
14.50 "Мурувват".
15.00 "ЯНГИ КУН"
16.00 "ДАВР".
16.15 "Автопатрул".
16.30 "Малика – 2007".
16.40 "Кўзгу". Ҳажвий дастур.
17.00 **"Сичқонча Переснинг саргузаштлари".** Мультфильм.
18.35 "Ғазал мулки".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Каталог".
19.40 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига: "Мўйқалам сехри".
20.10 "Ёшлик наволари".
20.50 **"Зерда".** Сериал.
21.35 "Оқшом қўнғироқлари".
21.40 "Ҳеч нима ҳақида битиклар"
21.50 "Мафтункор ва бетакрор!"
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа". Ёш ижрочилар танлови.
22.50 **"Ажойиб йил". Б/ф**

TOSHKENT

7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.35 "Гвадалупе". Телесериал.
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.35 "Дилбандим".
10.20 "Маърифат фидойилари".
10.40 "Саломат бўлинг".
10.50 "Мусиқа SMS".
11.10 "Афиша"/рус/.
11.30 Кино: "Лысый нянька".
***
17.55 "Афиша".
18.05 "Телекурьер - маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Гвадалупе". Телесериал.
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.
20.15 "ТВ юрист".
20.20 Мир животных: "Рыбаки в Джунглях".
20.50 "Интервью".
21.00 "Жозиба".
21.25 "Анонс".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.45 "ТВ юрист".
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "Истеъдод".
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури /рус/.
22.45 "Анонс".
22.50 Кино: "Такси 4".

SPORT

7.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.20 "Смак".
9.55 Мультфильм.
10.10 "Жасур болалар".
10.40 "Военное дело".
11.00 Самбо. Осиё чемпионати.
13.00 "Рондо". Шоу программа.
13.45 – 14.45 Теннис. Франция очиқ чемпионати.
***
17.45 Миржалол Қосимовнинг хайрлашув учрашуви.
Ўзбекистон миллий терма жамоаси – Европа терма.
жамоаси. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.00 "Хабарлар" (рус)
20.20 "Файзли ошхона".
20.45 "Стиль".
21.00 "В яблочко".
21.15 "Универсиада - 2007".
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 "Звездный матч".
22.10 Смешное кино: "Как отделаться от парня за 10 дней". Художественный фильм (1-қисм)
23.05 Еврофутбол.
00.40 "Тунингиз осуда бўлсин!"

TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 Ўзбек наволари
09.00 Мировые хиты
09.30 «Кинокурьер»
10.00 «Сайилгох»
10.15 Ўзбек наволари
11.00 «Дежа вю» худ.фильм
13.15 Ўзбек наволари
14.00 «Премьера» (узб)
14.30 Мировые хиты
15.00 Теленяня
16.20 Мировые хиты
17.10 «Спецрепортаж»
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 Ўзбек наволари
18.30 «Аъло-Марказ»
19.10 Концерт
21.00 «Навбат» Рашид Холиков билан
21.40 Ўзбек наволари
22.00 Хинд киноси «КАЛБ ТУҒЁНИ»

ОРТ

5.00 Новости
5.10 «Гении и злодеи»
5.35 Х/ф «Прорыв»
7.20 «Играй, гармонь любимая!»
8.00 «Здоровье»
8.40 «Слово пастыря»
9.00 Новости
9.20 «Смак»
9.55 «Эммануил Виторган и Алла Балтер. По обе стороны жизни»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. «Тайна Тибетской мумии»
12.15 Премьера. Приключенческий фильм «Стюарт Литтл»
13.50 Филипп Киркоров, Надежда Кадышева и группа «Корни» в концерте «Радиомания-2007»
15.10 Х/ф «Ландыш серебристый»
17.00 Вечерние новости.
17.10 Субботний «Ералаш»
17.40 Х/ф «Водный мир»
20.00 Время
20.20 Х/ф «Жесть» (2006 год)
22.15 «Высшая лига»
23.35 Х/ф «Небесный капитан и мир будущего»
1.25 Х/ф «Бабье царство»
3.10 «Великие династии». Волконские
4.00 Эдвард Радзинский. «Дом Романовых. Любовь и смерть», фильм 2-й

РТР

5.00 «Доброе утро, Россия!».
6.30 «Студия Здоровье».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
7.20 «Военная программа» Александра Сладкова.
7.45 «Утренняя почта».
8.20 «Субботник».
9.00 «Вокруг света».
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.25 РОДНОЕ КИНО. Василий Мищенко, Лев Борисов и Геннадий Корольков в детективе «В последнюю очередь». 1981г.
12.15 «Клуб сенаторов».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 ПРЕМЬЕРА. «Смеяться разрешается». Юмористическая программа.
15.00 «Национальный интерес». Ток-шоу Дмитрия Киселева.
15.50 «Святослав Федоров. Жизнь после смерти».
16.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17.00 «Субботний вечер».
19.00 ВЕСТИ.
19.15 СДЕЛАНО В РОССИИ. ПРЕМЬЕРА. Владимир Епифанцев, Елена Полякова и Ли Цзянвэнь в приключенческом фильме «Желтый дракон». 2007г.
22.55 Ингеборга Дапкунайте, Виктор Сухоруков, Андрей Мерзликин, Андрей Краско, Павел Баршак и Спартак Мишулин в фильме «Ночной продавец». 2005г.
0.45 Бентли Митчум в боевике «Поезд смерти» (США). 2001г.
2.40 НОЧНОЙ СЕАНС. Остросюжетный фильм «Гипноз» (Испания). 2004г.
4.10 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЯКШАНБА 3

O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси ":
8.50 1. "Озод юрт болалари".
2. "Кузя учун уй". Мультфильм.
10.25 ТВ анонс.
10.30 "Саломатлик сирлари".
10.50 "Шарқ тароналари".
11.10 "Ҳаёт давом этади".
11.30 "Оила ришталари". Телесериал.
12.05 ТВ анонс.
12.10 "Ҳандалак".
12.40 "КиноТеатр".
13.05 "Эрли хотин". Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон)
14.10 ТВ анонс.
14.15 "Эрли хотин". Бадиий фильм. 2-қисм.
15.20 "50/50". Ток-шоу.
"Болалар сайёраси":
16.10 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
16.45 "Юввошвойнинг саргузаштлари". Видеофильм.
18.25 "Оҳанглар оғушида".
18.35 "Интеллектуал ринг".
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 "Таҳлилнома".
21.45 ТВ анонс.
21.50 "Оҳанрабо".
22.30 "Хитойча даво". Бадиий фильм.

7.00 **"Сиздан угина, биздан бугина".** Кинокомедия.
8.20 "Малика – 2007".
8.30 "Болалар давраси".
9.00 "Якшанба нонуштаси".
9.20 **"Зерда".** Сериал.
10.00 "ВАТАНПАРВАР".
11.00 "Journal".
11.20 "Эверест".
12.00 Таътил тухфаси: **"Фантомас".**
13.45 "Матонат".
14.00 "Абадият онлари". Самарқанд Тарихий либослар театри.
15.00 "Ер сайёраси".
15.50 "Ринг қироллари".
16.40 "Чемпион сирлари".
17.00 Таътил тухфаси: **"Ишбилармон кишилар".**
18.20 "Айланай"
18.40 "Малика – 2007".
18.50 "Мафтункор ва бетакрор!"
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.30 "Оқшом қўнғироқлари".
19.40 "Хаёлпарастлар".
20.00 "Дилроз". Мусиқий дастур.
20.45 "Таранним".
22.00 **"Кавказ асираси".** Кинокомедия.

TOSHKENT

7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.35 "Гвадалупе". Телесериал.
9.15 "Телекурьер - маркет".
9.35 "Афиша".
9.50 "ТВ юрист".
9.55 Кино: "Келинлар қўзғолони".
11.05 "Интервью".
11.15 "Истеъдод".
11.35 "Телекурьер-маркет".
11.55 Мультфильм
13.05 Кино: "Такси 4".
14.25 "Дорихона эшитади"/рус/.
15.20 Мультфильм
16.40 "Телекурьер-маркет".
17.00 "Саргузаштлар ороли".
17.30 Кино: "Шунчаки орзу". 1-2 қисмлар. Премьера. /Ҳиндистон/
20.00 CINEMA.UZ.
20.25 "Жозиба".
20.55 "Нима учун?"
21.35 "Туризм ҳақида"/рус/.
22.10 Якшанба кинозали: "Последний легион". Премьера.

SPORT

7.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.15 "Непутёвые заметки".
9.35 "Пока все дома".
10.25 "Кувноқ стартлар".
11.00 Самбо. Осиё чемпионати.
Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
13.00 "Рақибингиз гроссмейстр".
13.20 "Файзли ошхона".
13.45 Теннис. Франция очиқ чемпионати.
14.20 – 15.10 ПрофРИНГ.
***
18.00 "Халқ ўйинлари".
18.20 Мультфильм.
18.30 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
19.00 "Спорт уик-энд".
19.40 "Тайм-аут".
20.00 "Ровесник".
20.20 "Король ринга".
21.30 "Талқин". Информационтаҳлилий кўрсатув.
22.00 Смешное кино: "Как отделаться от парня за 10 дней". Художественный фильм (2-қисм)
22.55 Еврофутбол. Евро-2008 саралаш учрашуви. Франция - Украина.
00.40 "Тунингиз осуда бўлсин!"

TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 Концерт
10.00 «Сунмас орзулар»
10.50 Ўзбек наволари
11.00 Хинд киноси «Калб туғёни»
14.00 Ўзбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Ўзбек наволари
16.30 «Премьера» (рус)
17.00 Ўзбек наволари
17.30 «Юлдузли пайшанба»
18.00 Марказ NEWS узб)
18.10 Ўзбек наволари
18.30 «Сайилгох»
18.45 Мировые хиты
19.00 Ўзбек наволари
20.00 «Аъло-Марказ»
20.40 Ўзбек наволари
21.00 «Топ-20»
21.45 Мировые хиты
22.00 «ПРИЗРАЧНЫЙ ГОНЩИК» худ.фильм
00.00 Миксер

ОРТ

5.00 Новости
5.10 «Гении и злодеи»
5.35 «Любовь из интернета»
6.20 Евгений Евстигнеев в комедии «Добро пожаловать, или Посторонним вход воспрещен»
7.40 «Служу Отчизне!»
8.10 «Умницы и умники»
9.00 Новости
9.15 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.35 «Пока все дома»
10.25 «Фазенда»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. Живой мир. «Дикие Карибы»
12.10 «Их разыскивает милиция»
12.45 «Клуб Веселых и Находчивых». Высшая лига
14.55 Воскресный «Ералаш»
15.20 Премьера. Приключенческая комедия «Бетховен-5»
17.00 «Времена» с Владимиром Познером
17.55 «Русские миллионеры. Расплата за успех»
18.55 «Звезды Юмора на «Первом»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.45 Премьера сезона. «Король ринга»
22.15 Стивен Сигал в фильме «Во имя мести»
23.50 Лейтенант Коломбо в детективе «Восток-дело тонкое»
1.15 Юрий Яковлев, Валерий Приемыхов в фильме «Штаны»
2.55 «Пока все дома»

РТР

5.00 Александр Леньков в комедии «Ключи от неба». 1964г.
6.30 «Сельский час».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7.20 «Диалоги о животных».
7.55 «Продается сивая лошадь». Мультфильм.
8.05 «Аншлаг и Компания».
9.05 «Сам себе режиссер».
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10.50 «Сто к одному». Телеигра.
11.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12.15 «Парламентский час».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 «Фитиль № 135». Сатирический тележурнал.
14.10 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14.40 «Честный детектив».
15.10 Клара Новикова, Ольга Сидорова, Виллэ Хаапасало, Александр Семчев и Александр Баширов в комедии «Королева бензоколонки-2». 2004г.
17.00 «РОССИЯ» - ДЕТЯМ. Праздничный концерт ко Дню защиты детей «Взрослые и дети».
19.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
20.00 «Пятая студия» с Сергеем Брилевым». «Завещание Ленина».
20.25 «РОССИЯ» - ДЕТЯМ. Финал национального отборочного конкурса исполнителей детской песни «Евровидение-2007». Прямая трансляция.
22.35 Алексей Нилов и Сергей Варчук в детективе «Меченые».
1.05 Комедийный боевик «Полный привод»
3.15 Канал «Евроньюс»

Совчилар: Бу кошонадагиларнинг уйига келмасак бўларкан, муомаласини қаранг, тузукроқ гаплашгиси ҳам келмади-я, буларнинг тенги эмас эканмиз.

Рассом—А. Ҳакимов

Ёш ўтди... Аммо кашандалик қолмади.

- Вой шўрим, нима бўлди сенга?
- Ўзимизнинг ариқда чўмилган эдим...

ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

ОТАНГ

Эй ўғил, ёдингда тутгил, чин
раҳнамодир отанг,
Ёритур умринг йўлини, тенгсиз
зиёдир отанг.

Ҳар сўзи мисли жавоҳир, беқиёс
гавҳар эрур,
Қадрин бил, юксак осмондек, чун
бебаҳодир отанг.

Эътибор, эъзозда тутгил,
хизматида бўл мудом,
Хоки пойин кўзга суртгил
Каъбатуллоҳдир отанг.

Ҳеч қачон ғафлатда бўлма,
ибрат кўзин оч, эй ўғил,
Бу нечук ҳол, гам чекиб, кўз ёши
дарёдир отанг.

Иддао, миннат билан берсанг
агар ошу нонинг,
Бағрида оху фиғон ёнгувчи
саҳродир отанг.

Неки қилсанг қайтажак бир кун
болангдан бегумон,
Икки олам ҳикматин билгувчи
донодир отанг.

Гар ризосин олмасанг, оташда
кўйғай бу танинг,
Ол дуо, Абдулғани, жаннати
аълодир отанг.

ҲАЁТ ҲИКМАТЛАРИ

Аёл, фарзанд, ога, дўст вафо
қилса - бахт шулдир,
Тонгга дўнгай тунларинг, завққа
тўлган - кўнгилдир.
Душмандан ҳам ёмондир
ўзингдан чиққан ёвуз,
Сир билгувчи ёт ағёр, сирдош
бошлар тажовуз.
Ўздан чиққан балога боролмайсан
даъвога,
Кенг дунё ҳам тор бўлур,
сиғмассан ҳеч маъвога.
Уйдан чиққан ўт ёмон, кулни
кўкка совургай,
Ўздан чиққан ўч ёмон, юрак-бағринг
қовургай.
Толе кулмас бандага гар зид аёлу
фарзанди,
Шарпаси йўқ шафқатнинг,
меҳрсиздир дилбанди.
Туғишганлар мерос деб, йўқотса
гар виждонни,
Билинг, улар аввало, бой бергандир
иймонни.
Назари паст нодонлар оқибатни
билмагай,
Қадрингни уриб ерга, назарига
илмагай.
Номард қондош-уруғдан яқин
бўлар ёт ногоҳ,
Яхши-ёмон кунингда ёнингда
турар огоҳ.
Бошингга иш тушса гар чин
дўстинг вафо қилур,
Манфаат кутган улфат кулфату
жафо қилур.
Ҳақ асрагай яхшини меҳрсиз,
маккорлардан,
Ўз чоҳига тушгувчи қилмиши
бадкорлардан.
Пок кўнгулли дўстларга
битганларим - насиҳат,
Кимнинг дили эгридир, насиҳатмас,
фасиҳат.
Ёмонга тила тавфиқ, Ғани,
бедилни унут,
Бу ганимат дунёда Худо зикрин
ёдда тут.

САМАРҚАНД

Кўрдим тарихга шоҳид чинорингни,
Самарқанд,
Миллатимдай қадимий
минорингни, Самарқанд.
Ҳар ғиштингда элимнинг шавкати
эрур зоҳир,
Ҳайратдадур кўрганлар
виқорингни, Самарқанд.
Сайқал дея заминга таърифлади
шуаро,
Исломи дин қуввати - тенгдошингдир
Бухоро.
Билдим, тенгинг йўқ экан
жаҳондаги шаҳраро,
Қорачиқдай асрайин туморингни,
Самарқанд.
Шавкатингга далилдир ҳар
қуббаю бинолар,
Қойил қилди жаҳонни Абуллайсу,
Синолар.
Ҳар обиданг - қудратинг, ҳар
ўғлонинг - дунёлар,
Нондай азиз билгайдир дийдорингни,
Самарқанд.
Шукр, келди истиқлол, ўтиб неча
замонлар,
Давр бугун ўзгадир, ўзгачадир
давронлар,
Бешик бўлдинг, етишди юрт
раҳбари султонлар,
Тенгинг йўқдир, кўрмадим
такрорингни, Самарқанд.

ЕТИМ ОТА

Асли бир кам дунё бу,
Дард чекканлар биларкан.
Ўғил-қиз қарамаса,
Ота етим бўларкан.

Елкасида кўтарган,
Фарзанди урса ерга.
Алам тўлиб бағрига,
Ботади қаро терга.

Кексайганда бемадор,
Кўзига ёш тўларкан.
Раҳм этмаса аёли,
Ота етим бўларкан.

Гапиришга ҳоли йўқ,
Сўзларидан чалғийди.
Фарзанд кулса устидан,
Юраги бир қалқийди.

Меҳрга зор кўнгилда,
Умид эрта сўларкан.
Таънали нон еганда,
Ота етим бўларкан.

Эй, фарзанд, ет қадрига,
Ҳеч келмасин малоли.
Бир кун тутгай ёқангдан,
Етим ота уволи.

Абдулғани айтадур:
- Ҳеч дил дардга тўлмасин,
Ким не қилса қайтадир,
Кимса етим бўлмасин.

Абдуғани ҳожи СУЛАЙМОН

НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

ТОВУШ НИМА?

Товуш турли нарсаларнинг тебранишидан ҳосил бўлади. Масалан, таранг тортилган симга чертилса, у тебраниб овоз чиқаради. Мусиқа асбобларининг ишлаш жараёни айнан таранг тортилган симларнинг тебранишидан куй ҳосил бўлишига асосланган.

Ҳамма товушлар ҳам бир хил бўлмайди. Уларнинг айримлари паст, бошқалари эса аксинча кучли. Товушнинг баланд-пастлиги тебранишнинг давомийлигига боғлиқ бўлади. Тебраниш қанчалик узоқ давом этса, товуш ҳам шунча баланд чиқади.

МУСИҚА ҚАНДАЙ ЧАЛИНАДИ?

Мусиқа асбобида куй чалиш учун маълум билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади. Аввало, мусиқачи куйнинг ноталарини ва тегишли кўрсатмаларни

ўқишни билиши лозим. Қолаверса, у мусиқа асбобини чалишни ҳам яхши билиши керак. Турли мусиқа асбобларини чалишда турлича усуллардан фойдаланилади, хатто битта асбобни ҳам турли усулларда чалиш мумкин.

Мусиқа асбобини тўғри ушлаш, гавдани қандай тутиш ҳам чалинаётган куй сифатига таъсир кўрсатади.

КВАРТЕТ НИМА?

Тўртта мусиқа асбоби жўрлигида ижро этишга мўлжаллаб ёзилган мусиқий асар **квартет** дейилади. Тўртта мусиқачидан иборат гуруҳ ҳам квартет деб аталади. Одатда, квартетда фақат бир гуруҳга мансуб мусиқий асбоблар чалинади. Масалан, фақат торли, ёки фақат пуфлама. Торли асбоблар квартетида скрипка, альт, виолончел ва контрабас бўлади. Европанинг кўпгина машҳур бастакорлари квартетлар учун куйлар ёзганлар. Италияда Боккерини, Францияда Госек, Германияда Гайдн ва Бетховен, Австрияда Моцарт кабилар шулар жумласидандир.

МУСИҚА АСБОБЛАРИ НИМА?

Ижрочи томонидан чалинганда мусиқий товушлар чиқарадиган асбоблар мусиқа асбоблари дейилади. Уларни чалувчи эса мусиқачи деб аталади.

Мусиқа асбоблари турли материаллардан ясалади. Аммо бу жараёнда энг кўп ёғоч ва металл ишлатилади. Мусиқа асбоблари нимадан ясалганига ва уларни чалиш усулига қараб ҳам гуруҳларга ажратилади. Масалан, мисдан ясалган пуфлама чолғулар ва ёғочдан ясалган пуфлама мусиқа асбоблари фарқланади. Гитара, тор, рубоб, ғижжак, скрипка кабилар торли, пианино, рояль, аккардион, орган кабилар клавишли, барабан, таб, ноғора сингарилар урма мусиқа асбоблари саналади.

МИЛЛИЙ МУСИҚА АСБОБЛАРИ НИМА?

Аксарият мусиқа асбоблари дунёнинг деярли барча минтақаларида шакли, ясалган материали ёки чалиниш усули сал ўзгарган шаклда учрайди. Масалан, най ана шундай чолғулар сирасига киради.

Аммо фақат маълум бир ҳудудларга ва халқларгагина хос бўлган мусиқа асбоблари ҳам мавжуд. Улар миллий мусиқа асбоблари деб аталади. Шотландия волинкаси, африка халқларининг маримба ва марикас мусиқа асбоблари шулар жумласидандир. Карнай, ғижжак кабилар ўзбек миллий чолғулари сирасига киради.

ПУФЛАМА ЧОЛҒУЛАР НИМА?

Най, карнай, сурнай, саксофон, кларнет, тромбон кабилар пуфлама чолғу асбоблари ҳисобланади. Улар чолғунинг учидаги кичик тешикка мусиқачи томонидан куч билан пуфланишида ҳосил бўладиган ҳаво оқими туфайли товуш чиқаради. Айрим пуфлама созларнинг махсус тешиклари бўлиб, ҳаво чиқиши пайтида чолғучи уларни бармоқлари билан ёпиб-очади. Натижада турли ноталарга мос куй ҳосил бўлади.

ТОРЛИ СОЗЛАР ҚАНДАЙ ЧАЛИНАДИ?

Торларнинг тебранишидан мусиқа садолари ҳосил қиладиган мусиқа асбоблари торли созлар деб аталади. Торли созлар ҳажми, шакли, нимадан ясалгани ва чалиш усулига қараб фарқланади. Масалан, ғижжак, скрипка, виолончел торлари устидан махсус симли чўп юргизилиши билан чалин-

са, тор, рубоб, гитара кабилар бир қўлнинг бармоғи билан пардаларни босиш, иккинчиси билан эса торларни чертиб чалинади. Фортепьяно, чанг каби мусиқа асбобларида эса махсус механизм ёрдамида торларга уриш билан мусиқа ҳосил қилинади.

ФОРТЕПЬЯНО ҚАНДАЙ ЧАЛИНАДИ?

Фортепьянонинг икки тури мавжуд: рояль ва пианино. Аммо уларнинг ишлаш, тўғриғоғи чалиниш механизми бир хил. Уларнинг рамасига торлар тортиб чиқилган бўлиб, шунингдек клавишлари ва педаллари бор. Клавишларга кичкина болғачалари бириктирилган. Чолғучи клавишларни босганда болғачалар торларга урилиб, мусиқа садолари ҳосил бўлади.

МУСИҚИЙ СИНТЕЗАТОР НИМА?

Синтезатор замонавий электрон мусиқа асбоби бўлиб, у турли мусиқа асбобларининг товушини чиқариб бериши мумкин. Шу боис битта синтезатор бутун бошли оркестрнинг ўрнини босади, деб айтиш мумкин. Синтезаторда ҳам худди фортепьянодаги каби клавишлар, ҳамда турли тугмачалар, созловчи мосламалар мавжуд. Улар ёрдамида овоз баландлиги, тезлиги, тон ва тембри ўзгартириб турилади.

ДАРМОН тайёрлади.

Дил изҳори

МЕН "ЗАПАСДАГИ КУЁВ" ЭКАНМАН...

Асли Самарқандда туғилганман. Лекин ҳозир Тошкентда яшайман. Ёшим 25 да. Ота-онамнинг ёлғиз фарзанди бўлсам ҳам уларнинг давлатига суянмасдан ўз йўлимни топиб олганман. Тўғри, институтга ўқишга кирганимда отам ижарада қийналмаслигим учун икки хонали уй олиб берганди. Шу боис яхши ўқиш, дарс қилишим учун шароитим бор эди. Бундан ташқари ўзим математикадан репититорлик ҳам қилардим.

Мен тушгача институтда бўлардим. Тушдан сўнг эса уйимга беш-олтита битирувчи синф ўқувчилари келишарди. Кимларга репититорлик қилган бўлсам, ҳаммаси ўқишга киргани учунми, менинг довруғим анча тарқалди.Болаларни икки гуруҳга бўлиб, ярмини соат бешгача, қолганларини эса соат саккизгача ўқитадиган бўлдим.

Ўзим дарсдан толиқиб келсам-да, ўқувчиларим билан машғулот ўтказишни яхши кўрардим. Бундан ташқари, уларнинг ота-онаси менга яхшигина ҳақ ҳам тўлашарди.

Шуларни йиғиб юриб, икки йилда икки хонали уйимни тўрт хоналига алмаштириб олдим. Отамга буларни айтсам:

- Зиёдилла, сен жуда тадбиркор чиқдинг-да, бу ишинг ўқишингга, қоларса, саломатлигингга зарар етказмасин. Биз сенга пул юбориб тура оламиз-ку, иложи бўлса, бундай қилмагин,-деб ҳам қўярди.

Институтни тугатганимдан сўнг қўл телефонини таъмирлаб сота бошладим. Бу ҳам яхши иш эди. Кейинчалик эса дадам ва амакимнинг ёрдами билан кичикина фирма ҳам очдим. Арзонроқ олинган қўл телефонларини сотиш, эскиларини ҳам паст нархда олиб таъмирлаб, сал қиммат сотишни йўлга қўйгандим. Ишларим юришиб кетди.

Мен мол топиб, кичик дўконимизни таъминлардим. Иккита дўстим эса савдо-сотиқ ва эски телефонларни таъмирлаш билан шуғулланишарди. Ишларим ёмон эмасди. Баъзан Россияга бориб, янги телефонлар олиб келардим. Бир гал москвадан самолётда қайтаётганимда ёнимдаги ҳамроҳим жуда чиройли қиз билан гаплашиб қолдим. У таътил пайти бўлгани учун отасининг Москвада яшайдиган дўстиникига меҳмонга бориб қайтаётган экан. Унинг ёши 18 да бўлиб, дўстона суҳбатлашиб келдик.

Тошкентга келганимиздан сўнг мен уни уйигача таксида кузатиб қўйдим. Ташриф қоғозимни бериб, истаган пайтида қўнғироқ қилиши мумкинлигини ҳам айтдим. Исми Нафосат бўлган бу ёқимтой бу қизни тез-тез ўйлардиму, лекин қўнғироқ қилмагани учун ундан умидимни узгандим.

Бир куни уйга келиб энди эшикни очсам, телефон жиринглаб қолди. Олсам Нафосат экан. Хурсанд бўлганимдан нима дейишимни билмасдан нуқул: "Хайрият-ей!"-дердим. Нафосат ташриф қоғозимни йўқотиб қўйганини ва бугун топиб олганини айтди. Шунинг учун дарҳол қўнғироқ қилганмиш.

Нафосат билан учрашишга келишиб олдик...

Айтилган жойда Нафосатни кутдим. У ҳам кутдирмасдан кела қолди. Анҳор четидаги кафелардан бирига бориб ўтириб, овқатландик. Кейин сайр қилдик. У билан уч соат вақт қандай ўтиб кетганини сезмай қолибман.

- Нафосат, илтимос, тез-тез қўнғироқ қилиб туринг,-дедим.

- Ўзим ҳам шуни истайману, аммо уйдагилар гапимни эшитиб қолишмасин деб қўрқаман-да,-деди у ийманиб. Шу тобда эса калламга бир фикр келди. Уни дўконимизга бошлаб келдим-да, янги қўл телефонини қўлига тутқаздим.

- Энди истаган жойингиздан менга қўнғироқ қилишингиз мумкин. Пулидан ғам еманг. Истаганча гаплашасиз,-дедим. Хурсанд бўлган Нафосатни уйига яқинроқ жойгача кузатиб қўйдим.

Кўп ўтмай у қўнғироқ қилди. Уйига келгач ҳамма гапни аясига айтиб берибди.

- Майли, ўзинг биласан. Яхши йигит бўлса учрашиб юраверинглар, - деганмиш ойиси. Нафосат бир куни учрашувга ясаниб, сочларини турмаклаб чиқди. У ниҳоятда чиройли бўлиб кетганди. Юрагимда рашк илони бош кўтара бошлади. У тўйга кетаётган экан. Сира юборгим келмасди.



- Агар сиз истамасангиз мен тўйга бормайман. Кўнглингиз тўқ бўлсин. Сиз нима десангиз шуни қиламан,- деди у.

- Чиндан ҳам истамайман,- дедим.

Шундан сўнг Нафосат уйига кетди. Мен ҳам уйимга келдим, Нафосатга қўнғироқ қилдим.

Телевизорни баланд қилиб ўтирган экан. Қувончдан сакраб юборгим келарди. Ахир у мени деб тўйга боришдан воз кечган-ку!

Лекин кейинчалик бир нарсани пайқадим. У телефонда ҳам, ёнимда ўтирганда ҳам баланд овозда гапирарди. Мен аста шивирлаб севгим изҳорини айтсам, у кўзларини катта-катта очиб тикилиб қоларди. Орадан икки йил ҳам ўтиб кетди. Бу орада ота-онам мени уйлантириш тараддудига тушишди. Бу ҳақда Нафосатга айтдим.

- Мен-ку, сизни дейман, лекин бу ҳақда дадам билмайди. Агар у киши ҳам рози бўлсалар,-деди ерга қараб. Шу куни уйга ота-онамни чақиртирдим. Уларга икки йилдан буён Нафосат билан юришимни, унга уйланмоқчи эканлигимни айтдим. Дадам индамади. Онамнинг ранги ўчди-ю, лекин билдирмасликка уринди.

- Холангнинг қизи жуда чиройли, ақлли қиз бўлган-да. Бегонадан кўра... Бир гаплашиб кўрсанг бўлармиди?..-дея чайналди. Сездимки онамнинг тошкентлик қизни келин қилиш нияти йўқ. Уларни кўндиришим керак.

Аммо бунинг қийинлигини билардим. Чунки ҳар гал Самарқандга борганимда холам дарров қизини эргаштириб мени кўргани етиб келарди. Сабабини энди тушундим. Тўғри холамнинг қизи ҳам ёмон қиз эмас, аммо...

Мен эса ота-онамни кузатиб қўйгач, Нафосат билан учрашдим. Бўлган гапни айтиб, унинг фикрини сўрадим. Иккимизга ҳам осон бўлмаслигини, анча тўсиқларни енгиб ўтишимизга тўғри келишини айтганимда Нафосат йиғлашга тушди. Севгилимни юпатиб, қўлларидан ўпдим. Яна ярим соатларча гаплашиб ўтирдик. Шундан сўнг у кетишга отланди.

- Нафосат, ҳозирги гапларимни онангизга айтинг. Бунга жавобан онангизнинг нима деганини яширмасдан менга айтасиз, хўпми? - дедим.

- Албатта, Зиёдилла ака! Ойимлар билан гаплашгач, ўзим сизга қўнғироқ қиламан,-дея жилмайди. Кўнглимга нур тўлгандек бўлди. Нафосатга ишонардим. Бу гал Нафосатни уйларининг нақ ёнигача кузатдим. У эса ҳадеб жилмаярди.

Бунинг сабабини уйга келганимдан сўнг у билан телефонда гаплашгач тушундим. Маълум бўлишича, биз уларнинг балкони остида турган эканмиз. Нафосат мени ойиси билан холасига кўрсатмоқчи бўлган экан. Мен эса бундан бехабар, у билан анча гаплашибман...

- Хўш! Ойингиз билан холангизга ёқибманми?-дедим ярим ҳазил, ярим чин қилиб.

- Жудаям ёқибсиз, Зиёдилла ака! Холам ойимга: "Куёвингиз бўлса шундай йигит бўлади-да, сизга яна нима керак. Баланд бўйли, чиройли экан!"-деди.

- Демак, бугун дадангизга айтишса керак,-дедим ўзимча хулоса қилиб. Эртасига Нафосат уйидагилар айтган гапни қувонч билан гапириб берди. Отаси: "Майли ота-онаси бир келсинчи"-деганмиш.

Шу куни отамга қўнғироқ қилиб ойим билан келишини сўрадим. Отам келишга сўз берди.Эртасига бозор-ўчар қилишиб, Нафосатларнинг уйига совчиликка боришди. Уларни севгилимникига машинамда олиб бориб қўйдим. Икки соатлардан сўнг жимгина чиқиб келишиб, индамай машинамга ўтиришди. Бир-икки оғиз гапиргандек бўлишди-ю, уйга киргач онам ёрилди.

- Мен Самарқандда фалон қизни келин қиламан, десам онасининг ўзи уйимга югуриб келади. Булар бўлса...- дея уф тортди.

- Нима дейишди, ойи? - сабрим чидамай сўрадим.

- Э, нима дейишарди? Қизлари ҳали ёш эмиш, бунинг устига катта бир амалдорнинг ўғлидан ҳам совчи келаётганмиш...Ўйлаб кўришармиш... Ана шунақа гаплар. Агар рози бўлишса қизининг ўзи қўнғироқ қилиб сенга айтармиш... - деди ойим қизишиб.

- Ие, Нафосат менга бошқалардан совчи келаётганини айтмаганди-ку, - дедим ҳайрон бўлиб.

Шу куни азбаройи кайфиятим тушганлигидан вақтли кириб ётиб олдим. Нафосатга қўнғироқ ҳам қилмадим. Эрталаб ишга келсам дўкон ёнида турибди. У билан сўрашиб, ичкарига бошладим. Ҳали сотувчилар келишмаганди.

- Нафосат, чиндан ҳам бошқалардан совчи келганмиди? - деб сўрадим бўғилиб. У эса йиғлаб юборди. Кейин:

- Зиёдилла ака, кечиринг! Сизга очиғини айтмаганим учун кечиринг! Чунки... Кеча кечқурун ойим билан дадамнинг ўзаро гаплашаётганларини эшитиб қолдим. Буни сизга айтмоқчи эмасдим. Лекин ҳақиқатни билиб олсангиз шунга қараб иш тутасиз. Мен ёшлигимда йиқилганим учун қулоғимнинг бир томони унча эшитмасди. Ҳозир эса умуман эшитмай қолган. Бир қулоғим билан аранг эшитаман. Менга катта бир амалдорнинг ўғлидан ҳам совчилар келганди. Лекин уларга ҳам аниқ гап айтилмаган. Кеча бўлса...Дадам айтдики... «Эрта-индин операция қилдирамиз. Агар қулоғи яхши эшитадиган бўлиб кетса, амалдорнинг ўғлига, бўлмаса ўша қишлоқиларга беришимизга тўғри келади. Шунинг учун икковини ҳам умидвор қилиб қўйганимиз яхши бўлди»,-деди. Мен операция қилдирмоқчи эмасман. Шунда сизга бериб қўя қолишади, - деди ҳиқиллаб йиғлаб Нафосат. Бу гапни эшитиб қай аҳволга тушганимни ўзи биламан. Нафосат-ку, яхши қиз. Лекин ота-онаси-чи...

Мен улар учун "запас"да турган куёв эканман, холос. Агар қизларининг камчилиги операциядан сўнг йўқолса, амалдорнинг ўғлига, бўлмаса менга узатишармиш. Вилоятдан бўлганим учун улар мени одам ўрнида кўришмаганими бу? Нафосат билан тезда хайрлашиб уйга кетдим. Бир ҳафта уйдан чиқмадим. Телефон қўнғироқларига жавоб ҳам бермадим. Нафосатни жуда-жуда соғиндим. Эшитишимча, у операцияга ётибди. Лекин операциядан сўнг уни кимга узатишар экан, менгами ёки... Нима қилишга ҳайронман. Ота-онам бу оила билан қудачилик қилишни унчалик исташмаётганини сезаяпман. Аҳлим амрига қулоқ тутгим келади. Аммо кўнглим-чи? Кейин бир умр афсусланиб юрсам-чи? Азизларим, дил изҳоримни баён этиб, маслаҳатингизни олгим келди. Илтимос, менга жавоб ёзинглар...

ЗИЁДИЛЛА
Авезжон БЕКМУРОТОВА ёзиб олди.

ПАНД

Азизанинг қизи институтга кириш имтиҳонларидан ўтолмай, қайтиб келди. Ота-она қанча таскин беришмасин, қиз кўниколмасди. Йиғлайвериб хуноб қилиб юборди.

- Озгина балл етмабди-ку, - деди Абдуҳалил. - Балки тўғриласа бўлар. Қош-қовоғи ҳам эзворди.

- Қўшимча ўринлар бўлади, - нималарнидир чамалади Азиза. - Лекин унга одамини топиб гаплашиш керак. Мен ўзим ўша институтда ўқиганман. Бориб келишимиз керак-да!

Она-бола институтга бориб, умидбахш бир кайфиятда қайтиб келишди.

- Бир миллион билан битадиган бўлди.

- Бунча пулни қаердан топамиз? - капалаги учиб кетди Абдуҳалилнинг.

- Индинга опамникида тўй, - деди Азиза яна ниманидир чамалаб. - Қариндошлар йиғилишади. Масалани ўртага ташлайман, бирорта марди чиқиб қолар.

- Бунақа ишга шунча катта пул сўраш қандай бўларкан? Шу пул етишмаганидан ўзинг дўхтир буюрган давони тўлиқ ололмаяпсан-ку!

- Нима қилиб бўлса ҳам бизга ҳозир иш битгани ҳисоб. Мен энди гоҳ ундай, гоҳ бундай бўлиб юраверамаи. - Икки кундан кейин Азиза опасиникида қариндошларига дарду ташвишларини тўкиб солди.

- Майли, мен бериб тураман, - деди холаваччаси Муслима. Катта ўғлим Акмал Россиядан пул жўнатиб турибди. Қистамайман-у, лекин иложи борича ҳаракат қилиб тезроқ қайтарасизлар. У ҳам келгач, уй олиб алоҳида яшамоқчи.

- Бўлди опа, - яйраб кетди Азиза. - Ишимиз битсин, у ёғига ҳаракат қиламиз.

- Бир ҳафтадан кейин қизни чиқараяпман, - ишонтирди Муслима. - Тўйи ўтсин, кейин гаплашамиз. - Ҳамма қариндошлар Муслиманинг бу тантилигини олқишлашди. Азиза уйига енгиллашиб умидбахш кайфиятда қайтиб келди.

- Ўқишга киргизмоқчи бўлган одаминг ўзи ишончлими? - эхтиёткорона сўради Абдуҳалил. - Яна иш битмаса тополмай, топсак ҳам ундиролмай куйиб ўтирмайлик.

- Ишончли, - тинчлантирди Азиза. - Бориб рўйхатдан ўтади, биринчи кун ўқиб чиқади, кейин пулни берамиз. Шунга келишилган.

- Ундай бўлса, майли, - хотиржам бўлди Абдуҳалил. - Бу ёғи ҳал бўлса, шартнома пулини ўзимиз амаллаймиз.

Келишилган пайтда Азиза холаваччаси Муслиманикига умид ва қатъий ишонч билан йўл олди. Муслима яхши, илиқ кутиб олган бўлса-да, ҳаттиҳаракатлари Азизага ғалати туюлиб шубҳа уйғотди. Азиза ўзи гап очишга қарор қилди.

- Опа, - деди. - Мен ўша сўраганимни бермасангиз олиб кетай, деб келувдим.

- Э, сингилжон, сенга ҳам уятлик бўлиб қолдик, - кўзларини олиб қочиб афсус билан жавоб қайтарди Муслима. - Бу қиз ўлгур эрга тегди-ю, бизни чув тушириб кетди. Мен пулларни сақлаб қўй, деб унга бермасам, у барини ишлатиб, ўзига сеп қилган экан. Ўртада акаси яна уйсиз қолаяпти...

Азиза бу жавобдан карахт бўлиб қолди. Пиёладаги чойни ҳам ичолмай беихтиёр ерга қўйди. Аъзои бадани бўшашиб шалвираб тушди. Ўн дақиқаларча шундай ўтиргач, туришга чоғланди.

- Майли бўлмаса, мен қайта қолай.

- Ҳафа бўлмайсизлар-да, - кузатиб чиқди Муслима.

Азиза йўлда кетиб бораркан, мияси тинимсиз ғувилларди, уйига боришга гўё оёғи тортмаётгандек эди.

Ховлига келгач, қизи онасининг авзойини кўриб довдираб қолди.

- Иш битмади, қизим, - деди Азиза айбдорона.

- Қўяверинг, ойижон, - деди қиз тушуниб. - Сиз айбдормассиз. Бу йил яхшилаб тайёрланиб яна бораман. Ўз кучим билан киришга ҳаракат қиламан. Менга деб йиғиб қўйган пулларга ўзингизни даволатинг. Алам устида сизга бир нарса бўлса, кейин мен ўқиганимдан нима фойда?

Азизанинг кўзларидан ёш думалади.

- Дадангга нима деб тушунтирамиз?

- Дадам тушунадилар, - деди қиз. - Ўзлари менга: "Мабодо ойинг ундиролмай келса, йиғлаб тўпалон қилма", дедилар.

Бу Азизанинг кўнглига таскин бўлиб енгил тин олди.

Комил НАЗАР

"...Албатта ўғил ўзига хотин танлаш ҳуқуқига эга, бироқ ўзининг бутун бахтини муносиб наслида қолдириб кетаётган ота ҳам бу ишда лоақал маслаҳати билан иштирок этишга ҳақлидир", деган экан В.Шекспир.



НАСЛ-НАСАБИНГ КИМ?

Аҳмад аканинг ўғли Акромга бу борада берган маслаҳату насиҳатлари зое кетди. Эндигина олийгоҳни битирган Акром сариқ касал бўлиб, шифохонага тушиб, Лола деган ҳамшира қизга ошиғу беқарор бўлиб қолди. Лолани кўрган Ҳадича хола уни ҳеч қачон келин қилмаслигини айтди, чунки қиз ўғлидан етти ёш катта, гавдаси тагу-тахтли, имон-эътиқодли, баобрў одамлар эди. Ёлғизгина ўғли Акромга атаб қурган бу данғиллама, ҳашамдор қасрига тўққизинчи қаватда - каптархонада яшайдиган ўйинчининг қизи учиб тушадими? Ошна-оғайнилари олдида: "Қуданг ким, келин қаердан?" дейишса: "Отасининг тайини йўқ, суюқ оёқнинг қизи", дейдими? Бу қиз ўғлини нимаси билан ўзига қаратди экан? Нозик-ниҳол, хурилиқо бўлса ҳам майли эди... Ўғлига ҳеч ҳам мос эмас. Шундай одобли, кўркам йигит қандай қилиб Лолани қармоғига илиниб қолганига Ҳадича холанинг ақли ҳайрон эди. Ё ўғлига тарбия беришда хатога йўл қўйдимикан?

Акром Лолага уйланмаса, "ҳеч бўлмайдиган" вазиятда ноилож тўй қилишди. Лола фарзандли бўлгач, янада ўзини "қўйиб" юборди. Бирга борган жойларида эса Акром ўзини ноқулай сезадиган бўлди. Чунки уларни ҳеч ким эр-хотин деб ўйламас, "Опангиз" ёхуд "холангиз", деб мурожаат қилишарди. Акром энди отасининг гаплари нечоғлик тўғри эканини англади, аммо кеч эди.

- Ўғлим, ота-она фарзандига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди, унинг бахтини кўзлайди. Ҳар ким ўзининг тенги билан қуда бўлгиси келади. Наслинг давомчисининг палаги тоза бўлишини, ҳар ҳам ўғлига икки-уч баробар келар эди. Аммо Акромга гап кор қилмас, гўё кўзи кўру, қулоғи кар эди.

Ота-онасидан, унга насиҳат қилган амма-ю холаларидан хафа бўлган Акром уйдан кетишгача борди. Маҳаллада Аҳмад аканинг обрўси баланд, қўли узун, қаерга узатса етар эди. Қизларини муносиб куёвларга узатган, қудалари ҳам ўзларига мос, лар ўтиб, Акромнинг юраги пора бўлди, ҳис-туйғулари ўтмаслашиб қолди. Нурда ял-ял товлангани билан ҳар нарса олтин бўлавермас экан. Лолани маънавий қашшоқлиги, фикру зикри ширин таом еб, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаши, фарзандларига, қайнона-қайнотасига беэътиборлиги туфайли оилавий ҳаёт ғурбатхонага айланди. Лоладан воз кечай деса, ширин-шакар ўғлию, қизчасини кўзи қиймайди. Ота-онаси бўлса Акромнинг ҳаётига энди ортиқча аралашишмас, уни ўзига ташлаб қўйишган, фақат невараларини суйиб, алқар эдилар...

* * *

Шуни айтишса керак-да, қари билганни пари билмайди, деб. Ҳар бир босилган қадам - одамга, одат - ҳаракатга, ҳаракат эса қисматга айланар экан. Шунинг учун бир донишманд айтганидек, ҳаётларини бир-бирига боғламоқчи бўлганлар никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини катта очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўриб, кўрмаганга олишлари лозим бўлар экан. Шундай эмасми?

Манзура САФАРОВА,
Зангиота тумани.

ИБРАТ ЙЎЛЛАРИ

Деразани ланг очиб балкондан ховлидаги гулу дарахтларга разм солиб ўтирибман. Ёмғирдан сўнг дарахтларнинг чанг-ғубори ювилиб, кўм-кўк либосга бурканибди. Топ-тоза, тиниқ ранг олган кўкатлар одамнинг бахридилини очиб юборади. Кўкатлар уммонига кўзим тўймай, завқ билан томоша қилиб ўтирсам, узоқдан келаётган қўшнимга кўзим тушди. У оғир-вазмин қадам ташлаб, бир оз харсиллаб келар эди. Баҳор шабадасидан қорайган юзларини майда тер босибди. У мени кўриб балконимиз тагида тўхтади. Кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдик.

- Қани, уйга кирайлик, бир пиёла чой ичиб дам оласиз, чарчаб келаётганга ўхшайсиз, - дедим.

- Ҳа, ростдан ҳам чарчаб келаяпман, тезроқ уйга кирай, оёғимда оёқ қолмади, - деди у "ух" тортиб.

- Ҳа, қаёққа боргандингиз, қаердан келаяпсиз?

- Худо раҳмат қилсин, қайнонам тенги йўқ аёл эдилар. Шу қайнонамнинг биттагина кеннойилари бор. Шуларни ҳайитда бориб кўриб келолмаган эдим. Вақти-соати шу бугун экан, бориб келаяпман. Росаям табаррук аёл-да. Бу йил баҳорда 99 га кирдилар. Ўзларини ўзлари эплайдилар, хотиралари тиниқ. Невара-ю эваралар отини адаштирмайдилар. Шундай фаришта аёлнинг дуосини олай, дедим. Гаплашиб ўтириб ҳавасим келади, денг. Қайнонам ҳаёт пайтларида тез-тез бориб турардик. Ойим билан опа-сингиллардек яқин сирдош эдилар.

"Тавба", дейман қўшним Шоҳида опага разм солиб туриб, қайнонасининг ўлганига олти йил бўлди, бугун ўлган кампирнинг кеннойисини кўриб келаяпти. 60 ёшдан ошаяпти-ю, ҳалигача эр уруғига келинлик ибосини бажариб келмоқда. Ана ҳафсала-ю, мана оқибат. Ўлиб кетган қайнона уруғини кўриб келмаса, биров бундан гина ҳам қилмайди, мажбур ҳам қилмайди. Лекин опа бу ишни бўйнидаги инсоний қарз деб тушунади. Шу ишни адо этмагунча виждони қийналиб юради. Бу бағри кенг, дилкаш аёлга ич-ичимдан ҳавасим келиб унга жилмайиб тикилиб қолдим. Уни қучоқлаб бағримга босгим келди. У гапида давом этарди:

- Ҳув Минор ёнидаги бекатдан яёв келяпман, - давом этарди у, - пойласам автобус ҳадеганда келавермади, бошимдан офтоб ўтиб кетди, бор-е, дедим-да, аста-аста юриб келавердим. Мана, етиб ҳам олдим уйимга. Майли, қўшнижон, яхшиликларда кўришайлик, чиқинг бизникига ҳам, гурунглашамиз, мен бирпас дам олай, - деди-да, уйига кириб кетди.

- Келин, - дедим ўтирган жойимда бетоқат бўлиб, - кўчалик қўйлагимни дазмоллаб беринг, тез бўлинг, - бир нарса эсимга тушгандек, йўқотганимни топгандек шошиб қолдим. Негадир ичим алғовдалғов бўлиб кетди. Гўё ухлаб ётгандиму Шоҳида опа уйғотиб ўтди.

- Ҳа, ойижон, тинчликми? - анқ-айиб қолди келин.

- Битта-ю битта амакимни хотини бир ойдан бери оғир ётибди. Ўрнидан туролмайди. Ғир этиб бориб кўриб келай, кўнгил сўрай, Шоҳида опа ўлиб кетган қайнонасининг кеннойисини юз хотир қилиб кўриб келганда мен ўлмаган, тирик уруғимни кўриб келишим ҳам қарз, ҳам фарз экан. Қўшни Шоҳида опа бугунги иши билан менга ибрат йўлларини очиб қўйган эди. Шошиб-шошиб одимларканман, ичимда Шоҳида опага қандайдир меҳрим жўшиб, илиқ туйғулар мадад бўлиб кетиб борардим.

Муҳаббат ТУРОБОВА

Табобат уйи

ОҚ ТУТ

Табобатда тутнинг илдизи, шохи, барги ва меваларидан фойдаланилади. Унинг оппоқ, марвариддек меваларида флавонид, морин, С, РР, В1, В2 дармондорилари, каротин, лимон ва олма кислотаси, эфир ёғи, темир тузи ва қанд мавжуд.

Илдизи ва барглари тут пишган пайтда йиғиб олинади. Тут дармондори ҳисобланиб қувватни тиклайди. Танадаги қанд миқдорини камайтиради, шамоллашни йўқотади, балғам кўчириб, яраларни тузатади.

Бронхит, ўпка шамоллаши ва зиқнафасда

➔ 800 грамм шакар устига 1 литр сув қуйилиб, шакар эригунча қайнатилади. 1 литр тут шарбати ва 1 дона лимон шарбати қўшилади.

Паст оловда 5 дақиқа қайнатиб олинади. Бу аралашмани қунига 5-6 марта, 1 ош қошиқдан ичилади. Бу ширин аралашма балғам кўчишини тезлаштиради.

Шиш ва сийдик пуфаги хасталигида

➔ Тутнинг ғарқ пишган меваларидан 2 ош қошиғини олиб, устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. Қунига 1/2 стакандан ичилади.

Климаксда

➔ 1 кило янги ёки қуритилган тут мевалари устига 0,5 литр сув қуйилиб, паст оловда 30 дақиқа қайнатилади.Қайнаб чиққан сувни алоҳида идишга солиб, устига яна сув қуйиб қайнатилади. Сўнг ўша қайнаб чиққан сувлар аралаштирилиб, меваси эзилади.300 грамм асал қўшиб, паст оловда қайнатилади. Совугач, қунига 2 маҳал 1 чой қошиқдан, овқатдан олдин ичилади.

Камқонлик, подагра ва қанд касалида

➔ Тутнинг янги меваларини эзиб, 2 ош қошиғи устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. У термосда 4 соат туриши керак. Сўнг сузиб олиб, қунига 4 маҳал, 1/4 стакандан ичилади.

➔ Тутнинг мевалари яхшилаб эзилади. Шарбатининг ярмига қайноқ сув аралаштирилади. Қунига 3 маҳал 1/2 стакандан ичилади.

Бачадондан қон кетса...

➔ Тут мевасидан шарбат тайёрлаб, қунига 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

Юрак хасталигида

➔ Янги узилган тут мевасини ҳар куни овқатдан сўнг, 4-5 маҳал 250-300 граммдан ейилади.3-4 ҳафтадан сўнг оғриқ камайиб, беморнинг аҳволи енгиллашади.

Ич кетиши ва энтероколитда

➔ 2 ош қошиқ майдаланган тут меваси устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. 4 соат дамлаб қўйгач, сузиб олинади. Қунига уч маҳал 1/4 стакандан ичилади. Ич кетишини эса пишмаган тут мевалари билан даволашади.

➔ Қунига 200 грамм янги тут меваси ейилса жуда фойдали.

Қанд касалида

➔ 300 грамм қуритилган ёки янги тут меваларидан ейиш лозим.

➔ Овқатга қуритилган тут баргларидан қўшиб истеъмол қилиш керак.

➔ 1 ош қошиқ қуритилган тут барглари устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 30 дақиқа дамлаб қўйилади. Сузиб олиб, қунига 3 маҳал,1/2 стакандан, овқатдан олдин ичилади.

Тепкини (свинка) даволашда

Ўғил болаларга бу касалликдан сўнг ҳар куни тут бериш тавсия этилади. Тепки ўғил болаларнинг жинсий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тутқанокда

1 чой қошиқ майдаланган тут илдизи устига 0,5 литр қайноқ сув қуйилади. 10 дақиқа қайнатгач, қунига 4 маҳал 1/2 стакандан ичилади.

Ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак касаллигида

2 стакан тут шарбати устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, қунига 3 маҳал, 1/2 стакандан ичилади. Янги тут меваларини ҳам ейиш мумкин.

Пародонтоз ва стоматитда

➔ Оғизни сув аралаштирилган тут шарбати билан чайилади.

Яра, куйиш ва жароҳатда

➔ Тут илдизини туйиб, бирор ўсимлик ёғи билан 1:3 аралаштирилади ва фойдаланилади.

ҚУЛУПНАЙ

Халқ табобатида қулупнай меваси, ширасы, барги, илдиз пояси қўлланилади. Шуниси қизиқки, мева таркибидан кўра баргида аскорбин кислотасини 5 марта кўп сақлайди. Баргининг сувдаги дамламаси оғиздан нохуш ҳид келганида, томоқ ёки юқори нафас йўлларидаги бадбўй ҳидни йўқотишда қўлланилади. Барг дамламаси экзема, йирингли яра, битиши қийин бўлган яраларда, тери қичималарида малҳам бўлади. Тибет табобатида қулупнай меваси тананинг қариш жараёнининг олдини олишда, ёшартиришда, киши умрини узайтиришда тавсия этилган. Болгария халқ табобатида қулупнай илдиз пояси ва барги қайнатмаси буйрақдаги қум ва тошларни нуратишда буюрилади. Шу билан бирга, тош ҳосил бўлишининг ҳам олдини олади.

Дармондори етишмовчилиги (авитаминоз)да:

- Бирор идишга қулупнай барганинг қуритилган, майдаланганидан 1 ош қошиқ солиниб, 200 мл.гр қайноқ сув қуйилади, 2 соат дамланади. 100 мл.грдан ҳар куни таомдан олдин ичилади.

Аллергияда:

- Қулупнай барги майдаланади. 1 ош қошиқ баргидан олиб, 200 мл.гр қайноқ сувда 30 дақиқа дамланади. Дока орқали сузилади. 1/3 стакандан 3 марта таомдан олдин ичилади.

Буйрак хасталигида:

- Қулупнай баргидан 1 ош қошиқ ва данагидан олинган дамламадан 400 мл. олинади, 15 дақиқа қайнатилади, 30 дақиқа дамлашга қўйилади. Сузилади. 1 стакандан 2 марта кунига ичилади.

Гастрит, колит:

- 400 мл.гр қайнатилиб, совутилган сувга 1 ош қошиқ майдаланган қулупнай барги солинади, 8 соат дамланади. Сузилади, 1/2 стакандан 3 марта кунига ичилади.

Гижжаларда:

- Наҳорга 3 килограмм қулупнай меваси, селёдка балиғи ва пиёз билан бирга қўшиб тановвул қилинади. Бундай даволашда солитер, юмалоқ гижжаларга қирон келтиради.

Гриппда:

- Қулупнай барги чой сингари дамланади. Чойга асал ва лимон таъбга кўра қўшилади. Бу чойни 3 стакандан кунига тановвул қилинади.

Камқонлик, подагра, ўт-тош хасталигида:

- Қулупнай данагидан 2 ош қошиқ олинади ва 1 стакан қайноқ сувга солиб, 30 дақиқа дамланади. Тайёр бўлган дамламани 3 марта кунига ичилади. Бунда данагини ҳам тановвул қилиш керак.

Миокардитда:

- Қулупнай барги банди билан ва илдизи аралаштирилади. Чой сингари шакар билан ичилади. Даво курси 1 ой.

Ҳайз қони кўплигида:

- 1 ош қошиқ қулупнай баргига 2 стакан қайнатиб совутилган сув қуйилади, 8 соат дамланади. Сузилади. Кунига 1/2 стакандан ичилади.

Қон босими юқори бўлганида:

- Кунига 1 стакандан қулупнай янги данагини тановвул қилиш тавсия этилади.

Қандли диабетда:

- Ҳар куни 1/2 стакандан қулупнай ширасы ичилади.

Юрак астмасида:

- Бўғилишда, нафас қисишда қулупнай баргидан 1 ош қошиқ олиниб, 2 стакан сув қўшилади. Ҳил-ҳил пишгунча қайнатилади. Сўнгра 1 ош қошиқдан ҳар 2 соатда қабул қилинади.

Ҳуснбузарда:

- Термосга 50 грамм қулупнай данаги 1 литр қайноқ сувга аралаштирилади. Тун мобайнида дамланади. Ва дамламадан ичилади.

- Аёллар қулупнай меваларини эзиб, юзларига ниқоб қилса, юз тиниқлашади, ҳуснбузарларни кетказишига фойда қилади.

Бавосилда:

- 1 ош қошиқ қулупнай баргига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. 20 дақиқа дамланади. Сузилади. Сўнгра ҳуқна (клизма) қилинади ва маъдқат (орқа пешоб) ювилади.

Тиш кариесида:

- Қулупнай меваси янги ширасы билан ҳар куни оғиз чайилади. Бунда тиш кариесдан сақланади, олди олинади.

Яраларда:

- 1 ош қошиқ қулупнай барги майдаланганидан олинади. 1 стакан қайноқ сувда 5 дақиқа қайнатилади. 2 соат дамланади. Сузилади. Сўнгра яралар ювилади.

- Қулупнай мевасини ширасы янгилигида яралар ювилади.

- Қулупнай барги янгиси қайноқ сувда юмшатилади ва бевосита озорланган жойга қўйилади.

Қуруқшаган терида:

- 250 гр. қулупнай меваси, 1/2 чой қошиқ чой содаси, 5-10 томчи спирт, 1/4 стакан сут обдон аралаштирилади. Ҳосил бўлган массани терига суртилади ва 15 дақиқадан кейин илиқ сув билан ювиб ташланади.

Экземада:

- Қулупнай данаги майдаланади, хасталанган жойга суртиб, бинт билан ўралади. Бундай компресс муолажани 4 кун давомида қилинади.

Кези келганида шуни қайд этиш керакки, инсон организми ўта мураккаб тузилган. Бирор кишига фойда қилган доривор гиёҳ бошқа кишига фойда қилмаслиги ҳам мумкин. Шу боис газетада чоп этилган ҳар бир доривор гиёҳларни қўллашдан олдин шифокор мутахассис маслаҳатига амал қилиш даркор.

Қулупнай мураббо. Маълумки, қулупнай меваси янгилигида, мураббо, шира кўринишида ишлатилади. Мураббо тайёрлаш учун 1 кг қулупнай меваси, 1 кг. шакар, 1 грамм лимон кислотаси олиниб, 4-5 соат мобайнида сақланади, яъни мевасидан шира ажратилади, сўнгра паст оловда 15 дақиқа қайнатилади. Бир кеча-кундуз қўйилади. Кейин қайтадан яна бир бор қайнатилади. Тайёр мураббони қуруқ, тоза шиша банкаларга солиб, салқин жойда сақланади.

Унутманг, қулупнай мевасини аллергияси бор кишилар ва ҳомиладор аёллар истеъмол қилишлари тавсия этилмайди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

ГИЛОС

Гилоснинг меваси фруктоза, глюкоза ва йодга жуда бойдир. Табобатда ич кетишини даволашга гилос мевасидан фойдаланилади. Шарбати сийдик ҳайдайди. Гилос шарбатида йод жуда кўп бўлгани учун қалқонсимон безлар хасталигини даволашда ҳам ишлатилади.

Гижжа, қон кетишида

➔ 25 грамм гилос меваси устига 0,5 литр сув қуйиб, дамлаб қўйилади. Аралашмани ҳар куни тушки овқатдан олдин 3 ош қошиқдан ичилади. Даволаш муддати 20-30 кун.

Ич кетганда

➔ 100 грамм гилос меваси устига 3,5 стакан қизил вино қуйилади. У қуёшда 2 кун туриши керак. Сўнг катталар 1 қадаҳдан, кичкиналар бир ҳўпламдан ичишади.

Кўз нури хиралашганда

➔ Ҳар куни 300 граммдан гилос меваси ейиш тавсия этилади.

БАСИРА тайёрлади.

ГАЗЛАНМАГАН "ЁШЛИК" СУВИ

Дардимга даво топдим

"Ёшлик" сувини тайёрлаш учун битта кастрюлга тўла қилиб (лиммо-лим) тоза булоқ сувидан солиб, оловга қўясиз. Сувнинг иссиқлик даражаси 90°Сга етганда сув юзасига майда газлар чиқа бошлайди. Лекин сув қайнамаслиги керак. Оловни ўчириб, кастрюль устига текис ойна қўясиз. Сув билан ойна ўртасида ҳаво бўлмасин, сув ҳаво кирмасдан совиши керак. Бу сувни "Ёшлик" газланмаган суви деб аталади.

Наҳорга бир пиёла ичилса, бутун танадаги хилтларни эритиб юборади. Иммун тизим яхшиланади, шамоллаш дардлари йўқолади. Муолажа - бир ой давом этади. Фойдасини сезсангиз, яна муолажани такрорлайсиз.

Изоҳ: наҳорга ичилган суюқлик билан нонушта орасидаги вақт ярим соат бўлиши керак.

САЛОМАТЛИК ЭЛИКСИРИ

Витамин камайиб кетса, томир уриш сустлашса, юқори витаминли қуйидаги дамламани уй шароитида тайёрлаш мумкин.

2 ош қошиқ сулини ювиб, тозалаб, майдалаб, икки стакан қайноқ сувга соласиз. 3 соат тиндириб, наҳорга асал ёки мураббо билан ичасиз.

Нонуштага ерёнғоқ, ёнғоқ, бодом билан аралаштириб, тановвул этасиз. Бир ҳафтада ўзингизда енгиллик сезасиз.

С.ФАЙЗИЕВ,
Тошкент вилояти,
Бўка тумани.

ҚЎЛЛАРНИ ПАРВАРИШЛАЙМИЗ!

Шундай бир гап бор - аёлларнинг ёшини чеҳраси эмас, балки парваришланманган қўллари билдириб қўяркан. Аёл киши қанчалик чеҳрасига зеб бериб, ёш кўринмасин, хиралашиб, қатланган тирноқлари, териси сўлғин қўллари унинг ёши ўтганини таъкидлаб тураркан. Қўллари парваришини унутган аёл ўзини унутган бўлади. Парваришланган, кўркам қўллар-ҳар бир аёлга хуш кайфият бағишлаб, уни гўзаллик маликасига айлантиради.

Синувчан, қатланган тирноқлар махсус парвариш ва дармондориларга муҳтож бўлади.

Тирноқларда бета каротин ва А дармондориси етишмаса, микроэлементлар, кальций ва Д дармондориси бор озиқ-овқатлардан, яъни, бодом, анжир, сут маҳсулотлари, балиқ, гўшт, сабзи шарбатидан кўпроқ истеъмол қилиш лозим.

Тирноқларнинг усти ғадир-будур, қуруқ ва синувчан бўлса, кўпроқ жигар, тухум сариғи, қаймоқ ва сут ичинг. Бета-каротинли маҳсулотлар фойдали. Бу модда мавжуд маҳсулотлар сабзи, бултғор қалампири, кўк пиёз, наъматак ва ўрикда кўп.

Тирноқлар секин ўсадиган бўлса сут, нон, тухум ва жигардан кўпроқ ейиш тавсия этилади.

Помидор, салат, нўхат, петрушка, кунгабоқар мойидан истеъмол қилинса тирноқлар яхши озиқланади.

Агар тирноқларингиз мўрт ва юпқалашган бўлса, Н дармондориси зарур. Демак, қулупнай, тарвуз, тухум ва сули ёрмасидан кўпроқ ейиш лозим.

Тирноқлар ейилиб, уларда оқ доғлар пайдо бўлаётган бўлса кўпроқ дуккакли маҳсулотлар, қовоқ уруғи, кепакли нондан ейиш керак бўлади.

➔ Агар тирноқларингизни мустаҳамлашга жиддий киришган бўлсангиз, 4 ҳафта давомида ҳар куни 5 граммдан желатин енг.

➔ Тирноқларни мустҳамлашнинг яна бир усули ҳам бор. 1 чой қошиқ озиқ-овқатда ишлатиладиган желатин устига 1/2 стакан қайноқ сув қуйинг. У шишиб чиққач, мураббо ёки шарбат қўшиб истеъмол қилсангиз, тирноқларингиз қаттиқлашади.

Фойдали маслаҳатлар:

➔Тирноқларни шифобахш гиёҳлардан тайёрланган чойлар ёрдамида ҳам мустаҳкамлаш мумкин. Бунинг учун-1 ош қошиқдан очамбити (пастушья сумка), қичитқи ўт (крапива)гиёҳлари устига 1/2 стакан қайноқ сув қуйиб, 6-8 соат тиндириб қўйилади. Ушбу чойни кунига 1-2 стакандан 10 кун давомида ичилади.

➔ Тез синадиган тирноқлар учун тунги боғлама: бирор ўсимлик ёғини тенг миқдорда олма сиркаси билан аралаштирилади. Бир неча томчи А дармондориси, йод ва лимон шарбати қўшилади. Ушбу аралашма тирноқларга яхшилаб сурилади-да, ипдан тайёрланган қўлқоп кийилади. Бу муолажани тунда, уйқуга ётишдан олдин бажариш лозим.

Желатинли ванна

Озиқ-овқатда ишлатиладиган желатиннинг 1 чой қошиғи устига 1/2 стакан қайнатилган совуқ сув қуйилади. Шишиб чиққанидан сўнг қўлларни 20 дақиқа давомида шу ваннага тиқиб ўтирилади. Бу аралашмани музлаткичга қўйиб, бир неча марта фойдаланиш мумкин. Ўсимлик ёғи билан: 1/2 стакан илиқ ўсимлик ёғига 3-5 томчи А дармондориси (ретинол ацетат), ёғли Е дармондориси ва 3 томчи йод қўшиб ванна қилинади.

Қўл дағал ва қуруқшаб қолган бўлса, тузланган карамнинг шарбати ёки сутнинг зардобига қўлларни тиқиб ўтириш керак. Сўнг қўл терисига ёғлироқ крем суриб, чит қўлқоп кийиб ётилади. Бу муолажани ҳафтасига икки марта уйқудан олдин бажаринг.

Ниқоблар:

➔ Тирноқларни озиқлантириш учун ҳафтада бир неча марта кастор мойидан суринг.

➔ Тирноқларни мустаҳкамлаш учун смородина, лавлаги шарбатидан суриб уқаланг. Бу муолажани ҳар куни бир неча марта бажаринг.

➔ Агар тирноқлар қуруқ ва мўрт бўлса ҳафтада бир неча марта бирорта ўсимлик ёғидан суриб уқаланг.

➔ Сарғайган тирноқларни 3 фоизли перекис водород билан (дорихоналарда сотилади) ишқаланг.

➔ Тирноқларга бир кунда уч-тўрт марта лимон бўлаги сурилса мустаҳкам қилади.

➔ Тирноқ атрофидаги терига чаканда (облепиха)ёғидан суриб турилса, қаттиқлаштиради.

➔ Ҳар куни уйқуга ётишдан олдин тирноқ устига ёки терисига ўсимлик ёғи ёки ёғли крем сурсангиз четидан эт ўсмайди.

➔ Четида ўсган этлар олиб ташланганда, териси қизариб қолса алоэ ёки отқулоқ (подорожник) баргини қайноқ сувда ювиб босинг.

➔ Тирноқлар устига лаб бўёғидан суриб ишқалаб юборсангиз, табиий пушти ранга киради.

ТИРНОҚЛАРНИ УҚАЛАШ

Ушбу муолажани нафақат уйда, балки ишда ҳам бажариш мумкин. Ҳар иккала қўлларни мушт қилиб бир-бирига ишқаланади. Сўнг тирноқлар бир-бирига уриб уқаланади.

ҚЎЛЛАР ТЕРЛАСА...

➔ 1 чой қошиқдан эман пўстлоғи (қора дуба), далачой гиёҳини (зверобой) устига 1/2 литр сув қуйиб паст оловда 10 дақиқа қайнатилади. Сўнг совутиб сузиб олинади-да, 2-3 чой қошиқ олма сиркасидан қўшилади. Бу аралашма билан қўллар ҳар куни 2 маҳал артилади.

➔ Тоғорачага 2 ош қошиқ хантал кукуни (горчичный порошок) солиб, устига 1 литр қайноқ сув қуйинг. Совутиб қўлларингизни 10-15 дақиқа тиқиб ўтиринг. Бу ваннадан ҳафтада уч марта фойдалансангиз терлашни йўқотади.

➔ Ҳафтада бир неча марта 1/5 миқдорда лимон шарбати аралаштирилган сув билан қўлларингизни артинг.

➔ Терлайдиган қўллардан лак тез кўчиб кетади. Шунинг учун муҳим учрашув ёки тўйларга бормоқчи бўлсангиз, тирноқларингизга юпқа қилиб резина елимидан суринг. У қуригач лак сурсангиз, анчагача кўчиб кетмайди.

ПАРАФИН БИЛАН

➔Агар саломатлигингиз яхши бўлиб, тирноқларингиз ялтираб турса-ю, аммо қўлингизнинг териси қуруқ ва доғли бўлса, парафинли ниқоб фойда беради.

➔ Аввал қўлларингизни юмшоқ совун билан ювиб қуритинг. Сўнг бирорта озиқлантирувчи кремдан суринг. Қўлларингизни илиқ парафинли тоғорачага тиқиб ўтиринг. Парафинли "қўлқоп" қотиши керак. Парафинли қўлларингизни сувқоғоз ва устидан қалин жун рўмол билан ўранг. 20 дақиқадан сўнг парафинни олиб қўлларни илиқ ва ҳўл сочиқ билан артинг. Кейин кремдан суриб қўйинг.

Бу муолажа тери тешикларини кенгайтириб, токсинларни кўп миқдорда ташқарига чиқаради. Терининг устки қатламидаги фаол сув айланиши боис, парафин эриб кетмайди, қўл териси яхши намланади. Парафинли муолажадан сўнг тери текисланади, таранглашади ва қайишқоқ бўлиб қолади. Тирноқлар мустаҳам бўлади. Бундан ташқари, қўлнинг ичичигача терлаши бўғинлардаги оғриқни йўқотади. Мушакларни бўшаштириб, бармоқлардаги тузларни эритади.

МАНИКЮР

Тирноқлар парваришидаги энг асосий воситалардан бири бу маникюрдир.

Маникюр - яъни парваришланган ва ишлов берилган тирноқлар ҳар қандай қўлларга саломатлик ва гўзаллик бахш этади.

Маникюр бир неча босқичдан иборат.

➔ Тирноқларга тўғри ишлов бериш.

➔ Атрофидаги терининг шох қаватларни махсус қайчи ёрдамида олиб ташлаш.

➔Лак суриш.

Маникюрнинг икки хил, классик ва европача тури бор.

Классик маникюр: тирноқлар эговланганч, тирноқ артрофидаги терига юмшатувчи крем сурилади. Сўнг қўллар иллиқ ваннада бўғланиб тирноқ четидаги этлари қайчи ва қисқичлар билан олиб ташланади. Ишлов бериш тугагач, қўллар яхшилаб уқаланади. Уқаланганда қўл териси озиқланиб, юмшоқ ва қайишқоқ бўлади, қон айланиши яхшиланиб, чарчоқни кетказади.

Европача маникюр: классик маникюрдан фарқи шуки, тирноқ этлари кесилмайди. Улар замонавий юмшатувчи воситалар билан юмшатилиб, сўнг олиб ташланади.

ЭЪТИБОР БИЛАН...

Эски лакни йўқотиш

Тирноққа сурилган эски лакни йўқотиш учун таркибида ацетон бўлмаган воситадан фойдаланиш керак. Чунки ацетон лак билан бирга тирноқнинг ёғсимон моддасини эритиб юборади ва натижада, уларни жуда мўрт қилиб қўяди.

Эговлаш

Тирноққа шакл берадиган эговчани тўғри ишлата билиш лозим. Уни тирноқ четидан ўртага қараб эговлаган маъқул.

Рангли лак чўткачада аввал тирноқнинг ўртасидан, сўнг чап ва ўнг томондан сурилади.

Тирноқларни уйқуга ётишдан олдин бўяган маъқул.

2-3 кунда тирноқни лакдан тозалаб уларга дам бериш зарур.

Французча маникюр

Маникюрнинг ушбу турида тирноқ рангсиз лак билан қопланиб, фақат четига оқ ранг сурилади. Француз маникюрида тирноқларга тўғри тўртбурчакли шакл берилади. Четлари эса салгина эговланади, холос

1. Эговлаб, шакл берилган тирноқларга рангсиз лак суриб, куритинг. Лак суриб қуригач, тирноқ четига оқ лакдан суринг. Яхшилаб қуригач, устидан яна рангсиз лак суриб чиқилади.

Тирноқ 2-3 см. ўстирилиб, тўрт бурчак қилиб шакл берилса бу француз маникюри ҳисобланади.

Маслаҳатлар:

➔ Агар тирноқлар учи салга синиб кетаверса, кальцийли лакдан фойдаланинг.

➔ Тирноқларни икки ҳафтада бир марта маникюр қили5 туришни унутманг.

➔ Эговча билан тирноқнинг фақат қуруқ қисмини эговланг. Ҳўл қисми эговланса қават-қават бўлиб, синиб тушиши мумкин.

➔ Лакдан ҳар доим фойдаланиш ярамайди, ҳафтада бир марта тирноқларга дам беринг.

➔ Сурилган лак тезроқ қуриши учун совуқ сув остига тутиб туринг.

➔ Агар лак шишаси бўғзига лакни тозалашда ишлатиладиган воситадан сурсангиз узоқ вақтгача қотмасдан сақланади.

➔ Боғ ёки далада ишлашингизга тўғри келса ишни бошлашдан олдин тирноғингиз билан бир неча марта совунни тирнанг. Шунда тирноқларингиз остига лой ёки тупроқ тўлиб қолмайди, тозалаш ҳам осон бўлади.

ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.

213 **Ёшим 30 да.** Уйланмаганман. Тошкентда онам билан яшайман. Кўшма корхонада ишлайман. Зарарли одатларим йўқ. Ичмайман, чекмайман. 30 ёшлардаги Тошкентда яшайдиган, мулойим, хушрўй ва хушмуомила рус қиз билан танишиб, оила қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Анатолий

214 **Ёшим 31 да.** Турмушга чиқмаганман. Сирдарёликман. Қўли гул чеварман. Бемор отам билан яшайман. 35 ёшгача бўлган (қайси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ) ичмайдиган, чекмайдиган, уй-жойли, касбли, кўнглимни тушуниб, менга ҳаётда ҳамдард ва суянч бўла оладиган эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Шоҳида

215 **Ёшим 49 да.** Аёлим вафот этган. Уй-жойим етарли. 6- 7 ёшли иккита қизим бор. Шуларга она меҳрини бера оладиган, покиза, ақлли ва меҳрибон, 40 ёшгача бўлган аёл билан танишмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Дониёр

216 **Ёшим 67 да.** Тошкентликман. Пенсионерман. Аёлим вафот этган. Ўғлим ва келинларим билан яшайман. 50-60 ёшлардаги ёлғиз ёки фарзандларидан қутулган ораста, хушчақчақ, тошкентлик бир аёл бўлса оила қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Турсунбой ота

217 **58 ёшдаман.** Аёлим вафот этган. Кинорежиссёрман.Фарзандларим уй-жойли. Ёлғиз яшайман. 50 ёшларгача бўлган (иложи бўлса тошкентлик), ораста, нозик дидли, хушбичим ва хушмуомила аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Элёр ака

218 **Ёшим 61 да.** Аёлим вафот этган. Пенсионерман. Тошкент шаҳридаги ўз уйимда ёлғиз яшайман. 55 ёшгача бўлган, тошкентлик, озода аёл билан оила қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Собир ота

219 **Ёшим 50 да.** Тошкентликман. Эрим вафот этган. Уй-жойли, моддий таъминланган, баланд бўйли, келишган аёлман. Зиёлиман. Фарзандим уй-жойли бўлиб кетган. 60 ёшгача бўлган, зиёли, хушмуомала, кўнглимга қарайдиган ёлғиз эркак билан танишмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Малика

БАСИРА тайёрлади. Тел: 133-04-50

ГУЛЛАРДАН РУҲИЙ ҚУВВАТ ОЛИНГ!

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Икромой энам шундай деганлари ёдимда:

- Ўғлим Бердиқул: «Она, отам қургандай ўйма гулли устунларни ясай олмасам ҳам, баланд, ҳаводор, чиройли иморат қурамиз, икки қаватли шийпонни ҳам қайта қурамиз», деб турганида, Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Ўғлим вояга етиб, уйимизда эркак бордай бўлиб, эндигина кўнгли ўсиб бошлаганида боламни урушга чақиришди...

Уч йилдан кейин бир кўзидан ўқ еб, ногирон бўлиб қайтиб келган йигирма бир ёшли йигит - тоғам бутун қишлоққа ғамхўрлик қилган. Урушга кетишдан олдин онасига олиб бериб кетган икки ғунажин туғди, уйда сут, қатиқ, қаймоқ бор, бошқаларда эса шу ҳам йўқ. Ана шундай кунларда оз бўлса ҳам буғдой унини, сут-қатиғини қишлоқ билан бўлишиб еди. Ўддабурон тоғам ёш бўлса ҳам яхши иморатлар қилди, қўралари қўйга тўлди. Икромой энам яна илгаригидек ҳалол, бой-бадавлат оила бўлиш удумларини давом эттирди.

Онамлар уч фарзанд - икки ўғил, бир қиз бўлишган. Менинг онам турмуш қуриб, уч-уч ярим йилгина эри билан ширин ҳаёт кечиргач, отам Абдуқулжон тўсатдан касал бўлиб, вафот этган. Онам Ҳикматой биттагина фарзанди - мен билан қолган.

Энамни эса ҳаётнинг зарбалари пишириб ташлаганми, ўғлига ўктам-ўктам бўлиб сўзларди.

- Бердиқул, ҳозир ёз, ҳаво куйиб бораётган бўлса, Сайёрага қишлик этик олибсан? Ҳали қиш қаёқда, гап қаёқда,- деса, тоғам:

- Қиш келгандан кейин «Отам тирик бўлганида этик олиб беринг, деб айтардим, энди тоғамга айтишга мажбурман»,-деб ўйлашгача олиб келмай, этигини тайёрлаб қўяй, дедимда,- дерди.

Ўша йилларда тоғамнинг менсиз ҳам ҳаражати кўп эди, олтиеттита боласи бор эди. Лекин ҳамма вақт: «Мен - эркак киши, мен - оила бошлиғи»,- деб ўзининг руҳини баланд тутиб юрарди. Қишлоқ оқсоқоллари олдида ёш бўлса ҳам бош эди. Тўйларда аёллар: «Бу хола - Бердиқул аканинг энаси»,- деб алоҳида ҳурмат билан энамни тўрга ўтиб ўтиришга мажбур қилишарди. Шуларни эсласам, халқ қўшиқларидан бири эсимга тушади:

Тўрадай ўғил ўстирдим,
Тўрларда жойим менинг.
Бебаҳо бек ўстирдим
Беҳиштда жойим менинг.

Энамдан сўрардим:

- Эна, фақат менинг тоғаларим яхшими ёки ҳамманинг тоғалари ҳам шундай яхшими?

- Сенинг тоғангдай тоғалар бор бўлгани учун ҳам: "Битта тоға еттита отанинг ўрнини босади", деган мақол бор-да, боламжоним, - дерди.

Йиллар ўтди, Икромой энам - мен ўн беш ёшга кирганимда вафот этди. Бердиқул тоғам етмиш икки ёшида бу дунёни тарк этди. У кишининг аёли - ўн фарзанднинг онаси—Анор хола ҳам ҳовлини турли гулларга, томорқа четларини эса гулхайриларга буркаб, яшаб ўтди. Яқинда Адҳам тоғамнинг келинини бир тўйда кўриб қолдим.

- Сайёра опа, бизникига нега бормай кетдингиз? Ўзингиз ўйнаб катта бўлган ҳовлини қўмсамайсизми? Болаларим катта ота, катта эналари ҳаёт вақтдагидан ҳам кўп, ундан ҳам чиройли гуллар экишади, борсангиз, кўриб бир ёзилиб, яйраб келасиз-ку?

- Бориш-ку осон, лекин ота-бола тоғамларнинг ўрни ёмон билинадида, унга қандай чидайман?

Ўзимни тутиш учун гапни бошқа ёққа бурдим:

- Айтгандай, ҳалиям гулхайри экасизларми?

- Бўлмасам-чи, уйимиздан, элатимиздан хайр-барака аримасин, деб албатта гулхайри экамиз, опа. Ўғилларингиз, келин, набираларингиз билан икки-уч кунга келинг, бу йил эрта пишар ҳандалакларимиз роса бўлган, ўзлари узиб, пайкал ичида еб, бир хуморидан чиқишсин, шаҳарда қисилган болалар! Кўзичоқларимиз ҳам кўп. Шаҳарлик болаларга чиройли қўзичоқларни томоша қилиш гаштли-да жуда. Ундан сўнг, опа, болаларимиз, набираларимиз ёшлигида бир йилда бир марта бўлса ҳам биргалашиб ўйнаса, катта дарахтларимиз соясида бир қур бўлиб овқат ейишса, вояга етишганда бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлади, дейман-да. Ўзбек уй қуради, тўй қилади, шундай пайтларда келгусида болаларимиз - оға-инилар бир-бирини қувватлаб, бир-бирига ёрдамлашиб туришса қандай ярашади. Шундай гаштли вақтларда бизларнинг улардан қувват олганимизни айтмайсизми?

Мен эса шу пайт бахшиёна шоиримиз Тўра Сулаймоннинг қуйидаги сатрларини беихтиёр берилиб айтдим:

Қўралари қўйли, уйлари тўйли,
Фуқаросин кўнгли Тангритоғ бўйли.
Бағри кенг султони хайрли қўлли
Бу ота макондир - бу она юртдир.

Бизнинг суҳбатимизни тўйда кузатиб ўтирган момолар дуога қўл очишди:

- Илоҳим ҳамманинг ҳам хонадони ана шундай хайр-баракали, меҳр-оқибатли бўлсин!

Отадан олтов бўлсанг,
Ўз уйингга ёлғизсан,

деганлари рост.

Ўрта ёшдаги баъзи кишиларнинг:

- Бир кўрпанинг тагида ётиб катта бўлганмиз, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрамасдан туролмаймиз-да, - деганларини эшитиб қоламиз. Мана, меҳр-оқибатнинг томирларидан бири қаерда.

Аввал Икромой энам вафот этди. Бердиқул тоғам, аёли Анор холам ҳаёт пайтларида ҳаммамиз шу кишилар атрофида айланардик. Ҳаёт шу экан, улар бирин-кетин дунёдан ўтиб кетишди. Ҳеч вақт ўтмай, улар билан бирга яшаган ўғиллари - Адҳам тоғам эллик икки ёшида оғир касалликдан вафот этди. Еттита бола билан катта даргоҳда келин ёлғиз ўзи бош бўлиб қолди. Келинга оғир бўлди, жуда оғир бўлди. Ҳамма нарсанинг давоси вақт экан. Унинг етти боласи етилиб, икки ўғли ганчкор уста, бири ички ишлар ходими, бошқаси фермер ва бошқа касбларни эгаллашди.

Мана, қарабсизки, келиннинг ҳам бўйнига фақат фарзандларига раҳбарлик эмас, балки шу уйдан турмушга чиққан қизларни, амаки ва тоғаларни вақти-вақти билан ҳовлисига чорлаб турадиган хушчеҳра онага айланди. Бир неча набираларнинг бувиси бўлди. У чин кўнглидан бутун оға-иниларни бирлаштириш мартабасига эга эканлигини ҳис қилди. Қани эди, ҳамма келинлар қайнонақайнотасининг кўзи тириклигидаёқ ўша мартабасига муносиб иш тутиб, кексаларни ризодан-ризо этса.

Тоғамнинг келини Хосиятнинг жон деб ҳовлисига айтган таклифидан кейин беихтиёр биз кўрмаган, йигитлигидаёқ нобул қилинган Нодир бобом, қадди-басти ҳудди оппоқ гуллайдиган гулхайрига ўхшаган Икромой энамни эсладим. Уларнинг руҳи хурсанд, бизни енглари билан елпиб, қўллари билан кўриб тургандай бўлди.

(Давоми бор)

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди- 20.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 432. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13423
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Ҳ. ХОТАМБОЕВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5